

# O'ZBEKISTON TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

1/2017







O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMIYASI

1

2017

Jurnalga 1998-yil iyulda  
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta  
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi  
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

## O'ZBEKISTON TARIXI

*Илмий журнал*

МУНДАРИЖА

### *Тарих масалалари*

- Д. Дутураева.** Ўрта асрларда халқаро дипломатия ва савдо: Ғазнавийлар ва Хитой сулолалари муносабатлари ..... 3
- А. Базарбаев.** XIX асрнинг 70–90 йилларида Мирзачўлнинг тарихий-географик ҳолати ..... 13
- О. Рашидов.** Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги кадрларни маҳаллийлаштириш сиёсатининг айрим жиҳатлари ..... 22
- А. Ерметов.** Ўзбекистонда ички ишлар органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тарихидан (1924–1930 йиллар) ..... 34
- Х. Бабаджанов.** Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон чорвачилигининг аҳволи ..... 43
- З. Халилова.** Ўзбекистонда диний таълим тарихидан: Бароқхон мадрасасининг фаолияти ҳақида (1956–1961) ..... 50

### *Тарихий биография*

- С. Мадьярова.** Туркистон ижтимоий сиёсий ва маданий жараёнлари Нўширавон Ёвушев талқинида ..... 58

### *Мунозара, мушоҳада*

- В. Хан.** Тарихга оид Ватан дарсликларига антропогенез назарияси қандай ёритилмоқда ... 67

### *Жаҳон тарихи муаммолари*

- Ж. Турекулова.** Миср давлатчилигининг шаклланишида Муҳаммад Алининг роли ..... 79

### *Илмий ҳаёт*

- Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг 72-йиғилиши ҳақида.  
**Д. Аберкулов, М. Шамсиев** ..... 88
- Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг 73-йиғилиши ҳақида.  
**М. Шамсиев** ..... 91
- «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил» мавзусида профессор Розия Мукминова номидаги Республика ёш тарихчилари илмий-амалий конференцияси тўғрисида. **Н. Гулбоев** ..... 93

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FANLAR AKADEMIYASI  
TARIX INSTITUTI  
KUTUBXONASI

## СОДЕРЖАНИЕ

### Вопросы истории

- Д. Дутураева.** Международная дипломатия и торговля в средние века: взаимоотношения между Газневидами и китайскими династиями ..... 3
- А. Базарбаев.** Историко-географическое положение Мирзачуля в 70–90-х годах XIX века ..... 13
- О. Рашидов.** Некоторые особенности политики коренизации кадров структуры управления советского Узбекистана ..... 22
- А. Ерметов.** Из истории формирования и деятельности органов внутренних дел Узбекистана (1924–1930 годы) ..... 34
- Х. Бабаджанов.** Состояние животноводства Узбекистана в годы Второй мировой войны ..... 43
- З. Халилова.** Из истории религиозного образования в Узбекистане: о деятельности медресе Баракхан (1956–1961) ..... 50

### Историческая биография

- С. Мадьярова.** Социально-политические и культурные процессы Туркестана в воззрениях Нуширавон Явушева ..... 58

### Дискуссия

- В. Хан.** Как освещается теория антропогенеза в отечественных учебниках по истории ..... 67

### Проблемы всемирной истории

- Ж. Турекулова.** Роль Мухаммада Али в становлении Египетской государственности ..... 79

### Научная жизнь

- О 72 заседании Республиканского научного семинара имени академика Яхя Гулямова «История узбекского народа и ее государственности». **Д. Аберкулов, М. Шамсиев** ..... 88
- О 73 заседании Республиканского научного семинара имени академика Яхя Гулямова «История узбекского народа и ее государственности». **М. Шамсиев** ..... 91
- О научно-практической конференции молодых историков Узбекистана имени профессора Р.Г.Мукминовой по теме «История дипломатической службы Узбекистана: изучение и анализ». **Н. Гулбоев** ..... 93

Тахрир ҳайъати:

**Дилором Алимова**  
(бош муҳаррир)  
**Равшан Абдуллаев**  
**Баҳром Абдуҳалимов**  
**Мируэрт Абусентова**  
(Қозоғистон)  
**Бахтиёр Бабаджанов**  
**Алишер Дониёров**  
**Доно Зияева**  
**Мирсодиқ Исоҳқов**  
**Сурайё Каримова**  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
**Нодира Мустафаева**  
**Зоя Орифхонова**  
**Мирзоҳид Раҳимов**  
**Эдвард Ртвеладзе**  
**Ильза Сиртаутас (АҚШ)**  
**Рустам Сулаймонов**  
**Темур Ширинов**  
**Нозим Ҳабибуллаев**  
**Назкат Қосимова**  
**Шоира Асадова**  
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060. Тошкент ш.,  
Шаҳрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 01.06.2017.  
Босишга рухсат этилди 04.09.2017.

Қозғоз бичими 70×100<sup>1/16</sup>.

Таймс гарнитур.

Офсет босма. Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашриёт т. 6,0.

Шартли босма т. 7,5. 200 нусха.

Буюртма № 445.

Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет «Voris-nashriyot»  
МЧЖ нашриёт уйида тайёрланди.  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«NISO-POLIGRAF» МСНУ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент в., Машъал маҳалласи,  
Марказий кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОҚ  
САЎВБОСЛА ВА МАДА  
ТАДВИСИ  
ЎЗБЕКИСТОН

## ТАРИХ МАСАЛАЛАРИ

Д. ДУТУРАЕВА

ЎРТА АСРЛАРДА ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯ ВА САВДО:  
ФАЗНАВИЙЛАР ВА ХИТОЙ СУЛОЛАЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ

Фазнавийлар (977-1186) Хуросон, Хоразм ва шимолий Ҳиндистон ҳудудларида ҳукмронлик қилган туркий сулола бўлиб, унинг асосчиси Сомонийлар (819–999) саройида хизмат қилган ҳарбий асир Сабуктегин (977–997) ҳисобланади. Сабуктегин ўғли Маҳмуд (998–1030) Ҳиндистон ҳудудларига бир неча марта муваффақиятли юришлар қилиб, қудратли мамлакат ҳукмдорига айланади. У ислом дунёсида биринчи бўлиб ўзини султон унвони билан атаб, ўзга мамлакатларнинг эътиборини жалб қила бошлайди.

Мазкур сулола тарихи илмий тадқиқотларда асосан мусулмон манбалари асосида ёритилади. Ҳиндистон денгиз йўллари Арабистон ва Хитой ўртасидаги савдо тўрлари оралигида жойлашган бўлиб, Фазнавийлар ҳудуди халқаро иқтисодий алоқалар тизимининг марказий қисми ҳисобланган. Фазнавийлар мамлакати савдогарлари денгиз орқали шарқий Хитойда жойлашган Сун сулоласи (960–1279) ҳудудига етиб бориш имконига эга бўлганлар. Бундан ташқари континентал йўллар орқали Фазнавийлар пойтахтига шимолий Хитой, Мўғулистон ва Корея ҳудудларида ҳукмронлик қилган Ляо сулоласи (916–1124) расмий элчилари ҳам ташриф буюрган. Мазкур алоқалар орқали Хитой ва Марказий Осиё халқлари бир-бирлари ҳақида янги ва бирламчи маълумотларга эга бўлиб, ўзларининг нафақат сиёсий, балки географик ва этнографик билимларини бойитиб борганлар. Мазкур жараён мусулмон ва хитой манбаларида ўз аксини топган. Шу тариқа, Фазнавийлар сулоласи тарихи, айниқса халқаро алоқаларга оид масалани тадқиқ қилиш жараёнида хитой манбаларини жалб қилиш ҳам талаб қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада Фазнавийлар ҳамда Хитойнинг Ляо ва Сун сулолалари муносабатларини мусулмон ва хитой манбаларида келтирилган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш орқали ёритиш мақсад қилиб қўйилган.

**Фазнавийлар ва Ляо.** Фазнавийлар маркази ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Фазна шаҳрида жойлашган бўлиб, султон Маҳмуд томонидан чегарадош Қорахонийлар ҳоқонлиги билан ўрнатилган алоқалар орқали Хитой ва Афғонистон

\* Мазкур мақола Alexander von Humboldt (Германия) ташкилотининг гранти асосида Бонн университети Хитойшунослик бўлимида 2015–2017 йиллардаги илмий тадқиқотим давомида олинган натижалар асосида ёзилган. Ушбу мақоланинг дастлабки вариантини ўқиб, илмий маслаҳатлар берган проф. Элёр Каримов ва проф. Ральф Кауц (Ralph Kauz)га ўз миннатдорчилигимни билдираман.

оралигидаги йўллардан фойдаланиш имкони пайдо бўлади. Негаки, Қорахонийлар ҳокони Юсуф Қодирхон Ляо императори Shengzong 聖宗 билан ҳам дипломатик алоқаларни йўлга қўйган эди<sup>1</sup>. Бу даврда султон Маҳмуд Ҳиндистондаги ғалабалари туфайли халқаро сиёсатда кучли шахсга айланган эди. Шу туфайли, қитонлар Маҳмуд Фазнавий билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш илнжиди ўз элчиларини юбордилар. Мазкур элчилик 1027 йили Фазнавийлар пойтахтига етиб боради. Ушбу элчилик ҳақидаги маълумотлар бир неча мусулмон муаллифларнинг асарларида қайд этилган. Жумладан, бу даврда Маҳмуд Фазнавий саройида фаолият кўрсатган хоразмлик олим Абу Райҳон Беруний қитон элчиси билан шахсан учрашиб, суҳбатлашгани ҳақида хабар беради<sup>2</sup>. Беруний элчидан Хитой ҳудуди, одамлари ва маҳсулотлари ҳақида сўраб, ўз асарларида бу масалалар бўйича батафсил тўхталиб ўтади. Умуман олганда, Беруний асарларида келтирилган ушбу маълумотлар мазкур даврда ислом дунёсида Хитой ҳақида мавжуд бўлган билимларга улкан ҳисса қўшган. Жумладан, Беруний биринчилар қаторида мазкур даврдаги Хитойнинг сиёсий харитаси ва аниқ географик жойлашуви ҳақида батафсил маълумотлар келтиради. Жумладан, Беруний Хитойни «ас-Син» (Сун сулоласи) ва «Қито»/«Қитой» (Ляо сулоласи) ҳудудларига бўлиб, Қитой мамлакати ас-Син ҳудудининг шимоли-шарқида жойлашган деб, унинг аниқ географик координаталарини келтиради<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Беруний қитонларнинг мушк ва *khutū* (ҳайвон шохи) каби маҳсулотлари, жанубий Хитой ҳудудидан келтирилган чой ҳақида ҳамда хитойликларнинг баъзи урф-одатлари тўғрисида ҳам хабар беради<sup>4</sup>. Шу тариқа, Беруний асарлари орқали Хитой тўғрисидаги ишонarli маълумотлар ислом дунёсида тарқалиб, инсонларнинг мазкур ўлка ҳақидаги билимларини бойитиб боради.

Қитон ҳукмдори томонидан юборилган элчилик тўғрисидаги янада батафсилроқ маълумотлар Салжуқийлар саройида фаолият юритган табиатшунос олим ал-Марвазий асарида учрайди. Муаллиф қитон ва уйғур элчиларининг Маҳмуд Фазнавий саройига бўлган ташрифи ҳақида баён қилиб, улар ўзлари билан олиб келган расмий мактубларнинг араб тилига қилинган таржимасини ҳам келтиради.

Биринчи мактуб Қитон ҳукмдори (*ṣāhib-i Qitāy*) томонидан жўнатилган бўлиб, қуйида ушбу мактубнинг таржимаси келтирилади:

<sup>1</sup> Liao shi 遼史 [Ляо сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. Beijing: Zhonghua shuju, 1976. 16-боб. 189-б.

<sup>2</sup> Kitab al-saydana fi al-tibb, Muhammad b. Ahmad al-Biruni / Пер. У.И. Каримова. Ташкент: Фан, 1973. 417-б.

<sup>3</sup> Kitab al-qanun al-Mas'udi fi al-hay'ah wa al-nujum, by Al-Biruni, Abu Rayhan / ed. by Ahmed Zeki Validi Togan as Beruni's Picture of the World. Memoirs of the Archaeological survey of India. no. 53. Delhi, 1941. 19-б.

<sup>4</sup> Kitab al-saydana fi al-tibb, Muhammad b. Ahmad al-Biruni / Пер. У.И. Каримова. Ташкент: Фан, 1973. 336-337-, 417-, 776-, 810-б.

«[Қитой соҳиби] номидан тинчлик ила Хуросон амири Маҳмуд Қорахонга<sup>5</sup>!

Само Раббиси ушбу кенг олам юзидаги мамлакатларни бизга ҳавола этиб, бир неча қабилалар томонидан эгалланган ҳудудларга ҳукмдор қилди. Пойтахтимиздаги тинчликдан баҳраманд бўлиб, истагимиздан келиб чиққан ҳолда иш тутмоқдамиз. Бу оламда кимки кўрса ёхуд эшитса, биз билан дўстлик ва шерикчилик алоқаларини ўрнатишга интилади. Яқин атрофдаги ҳудудларнинг амирлари бўлмиш опа-сингилларимизнинг авлодлари доимий ва узлуксиз равишда ўз элчилари, мактублари ва совға-саломларини бирин-кетин жўнатиб келмоқдалар. У [Маҳмуд] шу пайтгача ўз элчиси ёхуд мактуб элтувчисини жўнатмади, ваҳоланки, биз унинг куч-қудрат ва жасурликдаги устунлиги, иқтидор ва улуғворликдаги тенгсизлиги, амирлар орасидаги иззат-икромни, ўз ҳудудларини куч-қудрати ва мавқеи ила бошқараётганлиги ҳамда юртидаги барқарорлик ҳақида хабардормиз. У шундай шонли мавқега эга экан, демак Улуғ хон [*khān-i ‘aẓim*] ҳузурига хабар элтмоғи лозим, негаки, ушбу осмон остида ундан устуни йўқ бўлиб, унинг ҳолатига мос равишда муомала қилмоқ даркор. Биз бу ишни ўзимиз бошлаб бердик ҳамда узоқ йўл ва вақтни инобатга олган ҳолда юқори лавозимли амалдор ўрнига камтарин совға-саломлар билан ушбу элчимизни жўнатдик.

Қодирхон<sup>6</sup> ўғли Чағри тегинга завжа сифатида берилган хонадонимизнинг бир аёли орқали тузилган иттифоқ натижасида икки хонадон бирлашди ва биз Қодирхонга унга [Маҳмудга] борадиган элчимиз учун ҳамда ундан [Маҳмуддан] келадиган элчи учун йўл очиб беришни буюрдик. Унинг элчиси теран фикрловчи, ақли ва жиддий кишилар орасидан танланган бўлсинки, токи, биз унга ишларимиз ҳолати ҳақида хабар берайлик ва у билан дўстона тарзда оламда бўлаётган ишлар ҳақида ҳамда ўзаро алмашинув бўйича суҳбатлашайлик. Қалитунка исми элчини жўнатишдан мақсад бирлик сари йўл очиб бериш ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Совға-саломлардан элчи қуйидагиларни олиб келди:

2 ўрам хувиз [*khuv idh*]

1 ўрам жунки [*zhūki*]

1 ўрам канзи [*kanzi*]

2 ўрам шакарди [*shakardi*], 2 қисмдан (ҳар бири)

15 ўрам хом ипак, 2 қисмдан (ҳар бири)

Устки кийим [*uāqū*]<sup>7</sup> учун самур жуни

<sup>5</sup> Бу ерда «Қорахон» унвони буюк хон маъносида султон Маҳмудга нисбатан ишлатилган.

<sup>6</sup> Бу ерда Қорахонийлар ҳукмдори Юсуф Қодирхон назарда тутилган.

<sup>7</sup> «плащ». *Қаранг*: *Diwan lughat al-Turk, Mahmud al-Kashghari / Пер. З.-А.М. Ауэзовой. Алматы: Дайк-Пресс, 2005. 758-б.*

200 та самур  
 1000 та кулранг синжоб  
 30 та идишчада мушк  
 1 ёй ва 10 та ўқ  
 Хат сичқон йилида [1024] ёзилган»<sup>8</sup>.

Марвазий мактублар таржима тарзида келтирилган, деб тилга олса-да, улар асли қайси тилда ёзилгани хақида маълумот бермайди. Қашғарийнинг хабар беришича, Хитой ҳукмдорлари Қорахонийлар билан расмий ёзишмани туркий тилда олиб борганлар<sup>9</sup>. Фикримизча, Маҳмуд Фазнавийга ёзилган хат ҳам туркий тилда битилган бўлиши керак.

Матн сўнгида хат ёзилган санаси ҳам кўрсатилган. Элчи айнан шу йили Ляо бош пойтахти Shangjing 上京<sup>10</sup> шаҳридан йўлга чиққан бўлиши керак. Марвазий қайд этишича, элчилар 1027 йили Фазнага етиб келишган<sup>11</sup>. Бироқ Фазнавийлар саройида фаолият юритган тарихчи Гардизий ўз асарида қитон элчиси 1026 йили ташриф буюргани хақида баён қилади<sup>12</sup>. Кўриниб турибдики, Ляо пойтахтидан Қорахонийлар ҳудуди бўйлаб Фазнагача бўлган йўл камида икки йилни ташкил қилган. Мактубда юқори лавозимдаги амалдор ўрнига Қалитунка исми элчи юборилганлиги қайд этилади. Minorsky фикрига кўра, мазкур исм туркий тилдаги Қул-Тонга бўлиши керак<sup>13</sup>. Тонга сўзининг маъноси «арслон» бўлиб, мазкур даврда туркий халқлар орасида тез-тез учрайдиган исм ҳисобланган. Қитон элчиси асирликка олинган туркий аскарлардан бўлиб, тил билгани туфайли Фазнага юборилган бўлиши мумкин. Қитонлар ҳукмдори йўл узоқлигини баҳона қилиб, амалдорларидан бирини юбора олмаганини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари Тонга билан бирга келган уйғур элчиси томонидан тақдим қилинган мактубда ҳам у «қитон ғуломи» (*ghulām-i Qitāy*), деб тилга олинган<sup>14</sup>. Бу ерда Тонга айнан ҳарбий асир бўлганлиги янада ойдинлаша-

<sup>8</sup> Taba'ī' al-hayawan, by Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zaman Tahir Marvazi on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. 19–20-б.; араб матни учун қаранг: \*7–\*8-б.

<sup>9</sup> Diwan lughat al-Turk, Mahmud al-Kashghar? / Пер. З.-А.М. Ауэзовой. Алматы: Дайк-Пресс, 2005. 69-б.

<sup>10</sup> Shangjing 上京 — ҳозирги Хитойнинг Ички Мўғулистон ҳудудида жойлашган Байрин-Цзоин шаҳри.

<sup>11</sup> Taba'ī' al-hayawan, by Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zaman Tahir Marvazi on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. 21-б.

<sup>12</sup> Zayn al-akhbar, by 'Abd al-Hayy ibn Zayn al-Gardizi / ed. by M. Nazim. London, 1928. 87-б.

<sup>13</sup> Taba'ī' al-hayawfn, by Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zaman Tahir Marvazi on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. 20-б.

<sup>14</sup> Уша асар, 21-б.



ди. Қорахонийлар юртига қадар қитон элчиси ҳозирги Дуньхуан ҳудудида жойлашган уйғурлар давлати бўйлаб ўтган. Қорахонийлар Дуньхуан уйғурлари билан ҳам дипломатик муносабатларни ўрнатган бўлиб, уларнинг ҳудудини бемалол кесиб ўтиш имкониятига эга бўлганлар<sup>15</sup>. Шу туфайли, уйғурлар элчисига ҳам Қорахонийлар ҳудуди бўйлаб Фазнавийлар мамлакатига йўл олишига изн берилади. Қаши исмли уйғур элчиси келтирган мактубда баён этилишича, йўл хатарли бўлганлиги туфайли уйғурлар ҳукмдори (*sāhib-i Yughur*) совға-саломлар жўната олмай, фақатгина рамзий тарзда бир гулом ва камон ўқини тақдим қилган<sup>16</sup>.

Қитонлар томонидан тақдим қилинган дипломатик совға-саломлар асосан турли хил матолар, мўйна ва мушқдан иборат бўлган. Матоларнинг номидан кўришиб турибдики, уларнинг баъзилари Хитойда, баъзилари эса Марказий Осиёнинг ўзида ишлаб чиқарилган. Жумладан, жунки ва шакарди номлари сўғд тилидан олинган, хувиз ва канзи номлари эса хитой тилидан ўзлашган сўзлардир<sup>17</sup>. Қитонлар ипак ва бошқа хитой матоларини Сун сулоласи орқали, Марказий Осиё матоларини эса Қорахонийлардан олган бўлиши керак. Мўйна турларига келсак, қитонлар ушбу маҳсулотни ўзлари ҳам ишлаб чиқарган. Шу билан бирга бошқа шимолий халқлар томонидан ҳам совға-салом сифатида қабул қилган<sup>18</sup>.

Мушқ қитонлар томонидан Ислом дунёсига экспорт қилинган энг машҳур маҳсулотлардан бири бўлган. Мушқ-анбар ислом маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, жаннат ифори сифатида эъзозланиб келинган. Ваҳоланки, мушқ олинандиган кийикнинг яшаш жойи ислом динининг ватани бўлмиш Арабистон ярим-ороли эмас, балки Марказий, Шарқий ва Жанубий Осиё ҳисобланади. Беруний таъкидлашича, энг сифатли мушқ тури қитонлардан келган<sup>19</sup>.

Совға-саломлар рўйхатининг сўнгида ўқ ва ёй ҳам берилган. Мазкур совға ҳеч шубҳасиз рамзий маънога эга бўлган. Мазкур буюмлар қитонларнинг кўчманчи маданият вакиллари эканлигига ишора қилади.

Қитон ва уйғурлар томонидан юборилган элчилар кўзланган мақсадга эришмай қайтиб кетадилар. Гардизий хабар беришича, Маҳмуд Фазнавий му-

<sup>15</sup> Xu Zizhi *Tongjian Changbian* 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 335-, 8061-б.; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-боб, 14109-б.

<sup>16</sup> Taba'ī' al-hayawan, by Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zaman Tahir Marvazi on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. 21-б.

<sup>17</sup> Мато номларининг келиб чиқиши ҳақида батафсилроқ қаранг: King, Anya. «Early Islamic sources on the Kitan Liao: The Role of Trade» // *Journal of Song-Yuan Studies* 43 (2013). 257-б.

<sup>18</sup> Hansen, Valerie: «International Gifting and the Khitan World, 907–1125» // *Journal of Song-Yuan Studies* 43 (2013). 283-б.

<sup>19</sup> *Kitab al-saydana fi al-tibb*, Muhammad b. Ahmad al-Biruni / Пер. У.И. Каримова. Ташкент: Фан, 1973. 810-б.

сулмон бўлмаган ҳукмдорлар билан алоқа ўрнатишдан бош тортади. Агар улар ислом динини қабул қилишса, кейин бу масала ўйлаб кўрилиши мумкин, деган маънода жавоб қайтарилади<sup>20</sup>. Марвазий ҳам бу маълумотни тасдиқлайди<sup>21</sup>. Фикримизча, элчи сифатида бир гуломнинг юборилиши, ҳамда совға-саломларнинг камлиги ва бундан ташқари қитон ҳукмдорининг мактубида келтирилган баланд парвоз сўзлар Маҳмуд Фазнавий нафсониятига тегиб кетган бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳам, келган элчиларга рад жавоби берилади. Балки, айнан шу сабабли мазкур элчилик ҳақида хитой манбаларида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Ҳаттоки, Ляо сулоласи расмий солномасида ҳам бу ҳодиса ўз аксини топмаган. Бироқ мазкур элчилик натижасида Фазнавийлар султонлиги ва Маҳмуд Фазнавий ҳақидаги маълумотлар Хитойнинг Сун сулоласи ҳудудигача етиб боради.

**Фазнавийлар ва Сун.** Таҳминан XI асрдан бошлаб Сун сулоласининг бир неча манбаларида Фазнавийлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади. Фазнавийлар тилга олинган илк манбалардан бири Шимолий Сун императори саройида таҳминан 1078–1088 йилларда хизмат қилган амалдор Pang Yuanying 龐元英 қаламига мансуб *Wenchang zalu* 文昌雜錄 («Wenchang ҳудудига оид турли битиклар») асари ҳисобланади. Pang Yuanying 龐元英 турли давлатлардан келган элчилар қабулига масъул шахс бўлган ва хорижий элчилардан олган маълумотларни ўз асарида қайт этиб кетган. Шу жумладан, мазкур асарда Салжуқийлар султонлиги жанубида Xiawutan 霞勿檀 деган давлат жойлашганлиги баён қилинган<sup>22</sup>. Мазкур ном Фазнавийлар ҳукмдорларининг олий унвони бўлмиш "султон" сўзининг хитой тилидаги талаффузи бўлиб, Фазнавийлар дастлабки даврларда шу ном билан Хитойда аталган бўлиши керак<sup>23</sup>.

Кейинчалик Жанубий Сун даври манбаларида Фазнавийлар Jicini 吉慈尼 деган ном остида учрайди. Мазкур ном Фазнавийлар пойтахти бўлган Фазна шаҳрининг хитой тилидаги талаффузидир. Хитой манбаларида бир шаҳар номи бутун давлат ҳудудига нисбатан қўлланилиши одатий ҳисобланган.

Jicini 吉慈ни ҳудуди ҳақида биринчи маълумот Жанубий Сун амалдори Zhou Qufei 周去非 (1135–1189) қаламига мансуб *Lingwai daida* 嶺外代答 («Тоғ тизмалари ортидаги ўлкалардан олинган жавоблар») асарида келтирилади. Zhou Qufei 周去非 шахси ва фаолияти ҳақида маълумотлар кам учрайди. У бир неча йил Хитойнинг жанубида турли расмий лавозимларда ишлаб келган. Мазкур ҳудудда у ўзга давлатлардан ташриф буюрган элчилар, савдогарлар ва саёҳатчилар билан шахсан кўришишга муяссар бўлади. Улардан эшитган ва билган-

<sup>20</sup> Gardizi, Abu Sa'id, 'Abd al-Hayu. Zayn al-Akhbar / Ed. by Nazim M. London, 1928. 87-6.

<sup>21</sup> Taba'ī' al-hayawan, by Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zaman Tahir Marwazi on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. 21-6.

<sup>22</sup> Wenchang zalu 文昌雜錄 [Wenchang ҳудудидан турли битиклар], Pang Yuanying 龐元英. Taibei: Taiwan Shangwu yinshuguan, 1986. 1-606, 653-6.

<sup>23</sup> Lu Yun 陆芸. Songdai 宋代層層國新考 Cengtan guo xin kao [Сун сулоласи даврида Сентап ҳақида янги тадқиқот] // Haijiao shi yanjiu 海交史研究 2 (2015). 30-6.

ларидан илҳомланиб, ўн бобдан иборат бўлган асарини ёзиб қолдиради. Zhou Qufei 周去非 ўз асарида устози бўлмиш Сун даврининг энг таниқли шоири ва географи Fan Chengda 范成大 (1126–1193) қаламига мансуб *Guihai yuheng zhi* 桂海虞衡志 («Дорчин денгизи маслаҳатчисининг битиклари») китобидан ҳам кенг фойдаланади<sup>24</sup>. Fan Chengda 范成大 асарида Jicini 吉慈尼 ҳақида маълумот учрамайди. Шу туфайли, Zhou Qufei 周去非 Фазна ҳақидаги маълумотларни мазкур ўлкадан ташриф буюрган савдогарлар ва саёҳатчилардан олган бўлиши керак:

Dashi 大食 [Мусулмон] бу бир неча мамлакатларнинг умумий номи. Бундай мамлакатлар сони мингдан ортиқ бўлиб, улардан фақат баъзиларининг номи маълум. ... Улар орасида Jicini 吉慈尼 [Фазна] деган мамлакат мавжуд, у баланд тоғлар билан ўраб олинган. Шаҳар девори мазкур тоғлардан ўйиб бино этилган. Унинг ҳудуди 200 li 里 [113 км<sup>2</sup>]<sup>25</sup> га тенг бўлиб, атрофи улкан дарё билан ўраб олинган. Мазкур мамлакат ҳудудида юздан ортиқ ибодатхоналар [масжидлар] жойлашган, улардан бири 10 li 里 [5,65 км<sup>2</sup>] га тенг. Одамлар ҳар етти кунда бир марта ибодатхонага [масжидга] бориб ибодат қиладилар ва буни *chu* 除 ёхуд *chumie* 廚饑 [жума], деб атайдилар.

Мазкур мамлакат маҳсулотлари олтин, кумуш, уепоо 越諾 матоси<sup>26</sup>, зарли кимхоб, ранг-баранг туя жуни, нақшли шиша, стиракс мойи, кўнғир темиртош ва *mosuo* 摩娑<sup>27</sup> тоши ҳисобланади.

Одамлари нон, гўшт ва сут [*rulao* 乳酪]<sup>28</sup> маҳсулотларини ҳамда камдан-кам ҳолда балиқ ва гуруч истеъмол қилишади. Аҳолининг кўпчилиги

<sup>24</sup> *Guihai yuheng zhi* 桂海虞衡志, by Fan Chengda 范成大, translated by James M. Hargett as *Treatises of the Supervisor and Guardian of the Cinnamon Sea: The Natural World and Material Culture of Twelfth-Century China*. Seattle: University of Washington Press, 2011. XL-6.

<sup>25</sup> 1 li 里 бу 1800 chi 尺 демакдир. Сун сулоласи даврида 1 chi 尺 = 31,4 см. Қаранг: Wilkinson, Endymion. *Chinese History: A New Manual*. Harvard-Yenching Institute Monograph Series, 2015. 554-, 556-б.

<sup>26</sup> Ислом ўлкаларида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо мато тури.

<sup>27</sup> F. Hirth мазкур тош номини безоар билан боғлайди. *Zhu fan zhi* 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao, Rugua 赵汝适, tr. by F. Hirth and W. W. Rockhill as *Chau Ju-kua: His Work On Chinese and Arab Trade in the 12th and 13th Centuries, Entitled Chu-fan-chn*. St. Petersburg: Print. Off. of the Imperial Academy of Sciences, 1911. 139–140-б., 3-изоҳ. Безоар форсча *pad-zahr* (араб тилида *bazahr*), яъни «заҳарга қарши» демакдир. Безоар аслида қўй, эчки ва от каби ҳайвонларнинг ошқозон-ичак йўлида чигилланиб тўпланиб қоладиган жун ёки ўсимликлар толасидан иборат думалоқ шаклдаги конкремент. Тарихда безоар тошлари антидот сифатида қўлланиб келинган.

<sup>28</sup> Аслида *rulao* 乳酪 сўзи «пишлоқ», деб таржима қилинади. Лекин унинг сўзма-сўз таржимаси «қуюқ сут маҳсулоти» демакдир. F. Hirth фикрига кўра бу ерда қурут назарда тутилган. *Zhu fan zhi* 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao, Rugua 赵汝适, tr. by F. Hirth and W.W. Rockhill as *Chau Ju-kua: His Work On Chinese and Arab Trade in the 12th and 13th Centuries, Entitled Chu-fan-chn*. St. Petersburg: Print. Off. of the Imperial Academy of Sciences, 1911. 139-б., 1-изоҳ.

бой-бадавлат бўлиб, беш-етти қаватли уйларда истиқомат қилишади. Асосан, от ва туя етиштиришади. Ўлка иқлими ниҳоятда совуқ, куздан бошлаб то баҳоргача қор эрмайди, негаки, у шимоли-ғарбий ҳудудларга яқин жойлашган<sup>29</sup>.

Юқорида келтирилган тавсиф янги маълумотлар билан бойитилган ҳолда яна бир Жанубий Сун амалдори бўлмиш Zhao Rugua 赵汝适 (1170–1231) қаламига мансуб *Zhu fan zhi* 諸蕃志 [«Хорижий ўлкалар ҳақида битиклар»] асарида ҳам учрайди. Zhao Rugua 赵汝适 ҳам худди Zhou Qufei 周去非 каби ўз юртидан ташқарига чиқмаган, бироқ расмий фаолияти давомида турли юртлардан ташриф буюрган хорижий элчи ва савдогарлар билан тез-тез мулоқат қилиб турган. Унинг асарида Ҳазнавийлар ҳақида батафсилроқ маълумотлар учрайди:

Jicini 吉慈尼 [Ҳазна] мамлакатига Maluoba 麻羅拔 [Мербат]<sup>30</sup> юртидан тахминан 120 кун ичида етиб бориш мумкин. Мазкур ўлка шимоли-ғарбий ҳудудларга яқин бўлганлиги туфайли унинг иқлими жуда совуқ бўлиб, у ерда қишги қор баҳоргача эрмайди. Мамлакат баланд тоғлар билан қўршаб олинган бўлиб, шаҳар девори мазкур тоғлардан ўйиб олинган. Шаҳар ҳудуди 200 li 里 [113 км<sup>2</sup>] дан ортиқ, атрофи дарё билан ўраб олинган. У ерда 200 дан ортиқ ибодатхоналар [масжидлар] мавжуд. Давлат арбоблари ва оддий аҳоли ибодатхонага [масжидга] бориб ибодат қиладилар ва буни *chu* 除 ёхуд *chumie* 廚幟 [жума], деб атайдилар.

Аҳолининг кўпчилиги бой-бадавлат бўлиб, беш-етти қаватли уйларда истиқомат қилишади. Асосан туя ва от етиштириш билан шуғулланишади. Одамлари нон, гўшт ва сут [*rulao* 乳酪] маҳсулотларини ҳамда камданкам ҳолда балиқ ва гуруч истеъмол қилишади; суяқ таом истасалар мол сутини сув билан аралаштириб ичадилар<sup>31</sup>.

Мамлакат ҳукмдорининг қўллари тиззасидан ҳам пастга тушади. Унинг юз бош жанговар отлари бор, ҳар бирининг баландлиги 6 *chi* 尺 [1,88 м] дан ошади; ўнлаб хачирлари ҳам бордир, уларнинг баландлиги 3 *chi* 尺 [94,2 см] га тенг. Йўлга чиққанда от ва хачирларини галма-гал минади. Ёйининг оғирлиги бир неча *shi* 石<sup>32</sup> бўлиб, уни беш-олти кишининг

<sup>29</sup> Lingwai daida 嶺外代答 [Тоғлар ортидаги мамлакатлар ҳақида маълумотлар], Zhou Qufei 周去非, — (SKQS). 3-боб, 3b–4a–б.; Lingwai daida 嶺外代答 [Тоғлар ортидаги мамлакатлар ҳақида маълумотлар], Zhou Qufei 周去非, tr. by Almut Netolitzky as Das Ling-wai Tai-ta Von Chou Ch'ь-fei: Eine Landeskunde Sьdchinas aus dem 12. Jahrhundert. Wiesbaden: Steiner, 1977. 45–46-б.

<sup>30</sup> Мирбат ҳозирги Оман султонлигининг жануби-ғарбида жойлашган шаҳар.

<sup>31</sup> Бу ерда айрон ичимлиги назарда тутилган.

<sup>32</sup> Сун сулоласи даврида 1 shi 石 = 120 jin 斤 = 76,8 кг. Қаранг: Wilkinson, Endymion. Chinese History: A New Manual. Harvard-Yenching Institute Monograph Series, 2015. 553, 556-б.

кучи билан ҳам тортиб бўлмайди. У от минганда оғирлиги 50 jin 斤 [32 kg]<sup>33</sup> дан ошадиган бир темир болга ишлатади. Dashi 大食 [Мусулмон] ва Xitian 西天 [Ҳиндистон]<sup>34</sup> давлатларининг бари ундан ҳавфсирайди<sup>35</sup>.

Мазкур мамлакат маҳсулотлари олтин, кумуш, *уениу* 越諾 матоси, зарли кимхоб, ранг-баранг туя жуни, нақшли шиша, стиракс мойи, кўнғир темиртош ва *mosuo* 摩娑 тоши ҳисобланади<sup>36</sup>.

Юқорида келтирилган тавсифларнинг таҳлили Сун сулоласи ва Ҳазнавийлар ўртасида денгиз йўллари орқали савдо муносабатлари мавжуд бўлганлиги ҳақида хабар беради. Негаки, бу каби маълумотлар асосан мазкур ҳудудлардан ташриф буюрган савдогар ва сайёҳлардан олинган бўлиши керак. Дарҳақиқат, султон Маҳмуд Ҳиндистонга қилган муваффақиятли ҳарбий юришларидан сўнг денгиз орқали Хитой савдо йўлларига чиқиш имкониятига эга бўлади. Мазкур масала ҳақида бошқа турдаги манбалар маълумот келтирмайди. Шу туфайли, аниқ бир фикрга келиш учун қўшимча тарзда Хитой ҳамда Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларидан топилган мазкур даврга доир археологик материалларни ҳам жалб этиш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳазнавийлар ва Хитой сулоалари билан бўлган дипломатик ва иқтисодий алоқалар натижасида Марказий Осиё илмий ҳамжамияти Хитойдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий вазият ҳақида бирламчи маълумотларни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади. Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан битилган асарлар орқали эса Хитой тўғрисидаги билимлар бутун ислом дунёси бўйлаб тарқалади. Худди шундай вазият Хитойда ҳам куза-

<sup>33</sup> Сун сулоласи даврида 1 jin 斤 = 640 г. *Қаранг:* Wilkinson, Endymion. Chinese History: A New Manual. Harvard-Yenching Institute Monograph Series, 2015. 556-6.

<sup>34</sup> F. Hirth мазкур Xitian 西天 иборасини «Ғарб», деб таржима қилади. Ваҳоланки, Xitian 西天 аслида «Ғарбий Осмон» ва «Ғарбий Жаннат» маъносини англатиб, Ҳиндистон ҳудудига нисбатан рамзий равишда ишлатилган.

<sup>35</sup> F. Hirth фикрига кўра бу ерда Маҳмуд султон ҳақида сўз бормоқда. Унинг таъкидлашича, асар ёзилган даврда ҳам Маҳмуд султон ҳақида турли афсона ва ҳикоялар кенг тарқалган бўлиши керак эди. Мусулмон ўлкалардан ташриф буюрган савдогар ва сайёҳлар Zhao Rugua 赵汝适 га мазкур ҳикояларни сўзлаб беришган. *Қаранг:* Zhu fan zhi 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao, Rugua 赵汝适, tr. by F. Hirth and W.W. Rockhill as Chau Ju-kua: His Work On Chinese and Arab Trade in the 12th and 13th Centuries, Entitled Chu-fan-chn. St. Petersburg: Print. Off. of the Imperial Academy of Sciences, 1911. 139-6., 2-изоҳ.

<sup>36</sup> Zhu fan zhi 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao, Rugua 赵汝, ed. by Yang Bowen. Beijing: Zhonghua shuju, 2008. 112-бет. Мазкур тавсифнинг инглиз тилидаги таржимаси ҳам мавжуд. *Қаранг:* Zhu fan zhi 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao, Rugua 赵汝适, tr. by F. Hirth and W. W. Rockhill as Chau Ju-kua: His Work On Chinese and Arab Trade in the 12th and 13th Centuries, Entitled Chu-fan-chn. St. Petersburg: Print. Off. of the Imperial Academy of Sciences, 1911. 138-6.

тилади. Ғазнавийлар давлати ҳақида, жумладан Маҳмуд Ғазнавий тўғрисидаги маълумотлар Хитойнинг Сун сулоласи ҳудудигача етиб боради. Шу тариқа, дипломатик ва савдо алоқалар орқали Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Хитой ўртасида илмий ва маданий билимлар алмашинуви амалга оширилади.

*Д. ДУТУРАЕВА*

### **X–XII АСРЛАРДА ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯ ВА САВДО: ҒАЗНАВИЙЛАР ВА ХИТОЙ СУЛОЛАЛАРИ**

Мазкур мақолада Хуросон, Хоразм ва шимолий Ҳиндистон ҳудудларида ҳукмронлик қилган Ғазнавийлар султонлигининг Ляо ва Сун сулолари билан бўлган муносабатлари мусулмон ва хитой манбалари асосида ёритилади. Марказий Осиё ва Хитой халқлари ўртасидаги дипломатик ва иқтисодий алоқалар билан бир қаторда маданий алмашинув жараёни ҳам таҳлил қилинади.

Шу билан бирга бирламчи манбалардан олинган баъзи матнлар таржимаси илмий изоҳлар билан бирга келтирилади.

*Калит сўзлар:* Ғазнавийлар, Хитой, Ҳиндистон, Ляо ва Сун сулоллари, Сабуктегин, халқаро муносабатлар, савдогар, сайёҳ, денгиз йўллари.

*Д. ДУТУРАЕВА*

### **МЕЖДУНАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ И ТОРГОВЛЯ В СРЕДНИЕ ВЕКА: ВЗАИМООТНОШЕНИЯ МЕЖДУ ГАЗНЕВИДАМИ И КИТАЙСКИМИ ДИНАСТИЯМИ**

В статье рассматриваются взаимоотношения между газневидами, правившими на территории Хорасана, Хорезма и северной Индии, и такими династиями Китая, как Ляо и Сун, на основе мусульманских и китайских источников. Помимо дипломатических и экономических связей, показан процесс культурного обмена между народами Центральной Азии и Китая.

Также выполнен перевод некоторых текстов из первоисточников и представлен в статье с пояснениями и комментариями.

*D. DUTURAEVA*

### **INTERNATIONAL DIPLOMACY AND TRADE IN THE PRE-MODERN PERIOD: THE GHAZNAVIDS AND CHINESE DYNASTIES**

This paper deals with encounters between the Ghaznavids and the China's dynasties Liao and Song relying on information provided in Muslim and Chinese sources. It seeks to study not only political and economical relations but also cultural exchange between peoples of Central Asia and China.

Translations of some relative texts from primary sources with commentaries are also provided.

А. БАЗАРБАЕВ

XIX АСРНИНГ 70–90 ЙИЛЛАРИДА МИРЗАЧЎЛНИНГ  
ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ҲОЛАТИ

XIX асрдаги Мирзачўлнинг табиий манзаралари XX асрдаги Мирзачўлнинг кўринишидан кескин фарқ қилган. Агар XIX асрда унинг бир қисмида яйловларни учратиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисми фақат сувсиз қумликлардан иборат бўлган. Юқоридаги манзаралардан фарқли ўлароқ бу вақтда Мирзачўлнинг тоғ олди ҳудудларида шудгор ерлар кўзга ташланиб турган. Бундан ташқари, Сирдарё бўйидаги жойлар тўқайзорлар билан ўралган эди. Бундай ҳолатлар эса ҳудуд ўзида турли хил манзараларни мужассам этганлигини кўрсатади.

XIX асрда Мирзачўл деганда Тошкент–Самарқанд почта йўлидаги Жиззах ва Сирдарё оралигидаги ҳудудлар тушунилган. У шимоли-шарқдан Сирдарё билан, жанубий қисми Нурота тоғи билан, ғарби Қизилқум билан ҳамда жанубий қисми Хўжанд билан чегарадош бўлган<sup>1</sup>. XX асрда ҳам тадқиқотчилар ўзларининг Мирзачўлга бағишланган адабиётларида даставвал унинг географик тавсифини беради. Жумладан, З.Р. Нуриддинов Мирзачўл Сирдарёнинг сўл қирғоғидаги кенг текислик бўлиб, Сирдарё, Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари ҳамда Қизилқум ўртасида, Тошкент ва Самарқанд воҳалари оралигида жойлашган умумий ер майдони бир миллион гектардан иборат ҳудуддир, деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. Х.М. Жалилов ҳам ҳудуднинг умумий майдони бир миллион гектар эканлигини ҳамда у шимол ва шарқ томондан Сирдарё, жанубда Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирлари, ғарбда Қизилқум саҳроси билан чегарадош эканлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Ушбу муаллиф, шунингдек, Мирзачўлнинг ер усти тузилиши жанубий-шарқ томондан, яъни Туркистон тоғ тизмалари ёнбағридан шимоли-ғарбга — Қизилқум ва Сирдарё томонга пассив боришига аҳамият қаратади<sup>4</sup>. Яна бир тадқиқотчи А.Абдунабиев эса Мирзачўлни жануб ва жанубий-ғарб томондан ўраб турган Туркистон тоғ тизмалари бу ернинг тупроғига маълум даражада таъсир этганлигини ҳамда баланд тоғлардан оқиб тушадиган сувлар неча минг йиллар давомида Мирзачўл ерларида унумдор қатламлар вужудга келтирганлигини қайд этади<sup>5</sup>. 1980 йилларда нашр этилган адабиётда эса ҳудуд 10 000 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаганлигини ҳамда шарқдан ва шимолий-шарқдан Сирдарё билан, шимолдан эса Чордор билан чегарадош бўлганлиги айтилади. Шунингдек, текисликнинг ғарбий томони шартли

<sup>1</sup> Голодная степь. Энциклопедический словарь. Под ред. проф. И.Е. Андреевского. 1890–1907. Т. 9. С-Пб: Ф.А. Брокгауз, И.А.Ефрон, 1893. 101-б.

<sup>2</sup> Нуриддинов З.Р. Мирзачўл ўтмишда ва ҳозир. Тошкент, 1957. 5-бет.

<sup>3</sup> Жалилов Х.М. Мирзачўл ва уни ўзлаштириш. Тошкент, 1957. 6-б.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 7-б.

<sup>5</sup> Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. Тошкент, 1959. 5-б.

равишда Чордордан Жиззах шаҳригача бўлиб, жанубий чегараси Нурота ва Туркистон тоғ тизмалари билан чегарадош эканлиги кўрсатилади<sup>6</sup>.

Р.С. Эгамбердиев Мирзачўлнинг географик жойлашуви тўғрисида кенгроқ ва тўлиқроқ маълумот беради. Унинг фикрига кўра, ҳудуд географик тузилиш нуқтаи назаридан тўрт қисмга бўлинади. Биринчи қисмга Мирзачўлнинг тоғли ҳудудлари кириб, у Туркистон тоғ тизмасининг шимолий қисмини ва Қўйтош деб номланувчи Нурота тоғ тизмасининг шимолий томонларини ўз ичига олади. Ушбу ҳудудларда XIX аср охири — XX аср бошларида сугорма деҳқончилик қилишнинг иложи бўлмаган. Бироқ, ушбу ерлар табиий ёмғир сувлари орқали лалмикор деҳқончиликка ва яйлов сифатида фойдаланишга жуда қулай ҳисобланган. Мирзачўлнинг иккинчи қисми тоғ олди текисликларидан иборат бўлиб, уларда деярли ўзлаштирилган ерлар мавжуд бўлмаган. Мазкур жойларда лалмикор ва яйлов ерлари асосий қисми ташкил этган. Мирзачўлнинг учинчи қисми ясси тоғлардан иборат бўлиб, ушбу маконда доимий ва вақтинчалик дарёлар мавжуд бўлган. Ушбу қисм иқтисодий нуқтаи назардан жуда муҳим ҳисобланган. Чунки сугориладиган ерларнинг асосий қисми ушбу ҳудудларда жойлашган. Ва ниҳоят Сирдарё бўйларидаги тўқайзорлар Мирзачўлнинг маълум қисмини эгаллаган бўлиб, ушбу турдаги ерлар ҳудуднинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган<sup>7</sup>.

XIX асрда Мирзачўлни кесиб ўтган ёки ҳудуд бўйлаб сафар қилган саёҳатчилар ҳудудга нисбатан асосан бир мазмундаги тавсифни беради. Унга кўра, шаҳарларга яқинроқ қисмларда, масалан, Жиззах шаҳри атрофидаги Мирзачўл қисмлари ва ҳудуддаги ариқлар ёнидаги ерларда майсазорлар ва шудгор ерлар мавжуд бўлган. Атрофда кўп кишиларни, уларнинг турар жойларини, қишлоқ ва ўтовларни учратиш мумкин бўлган. Мирзачўл баҳорда жозибадор кўринган ва майсазорлар бутун ҳудудни эгаллаган. Яйловларда саноқсиз қўйлар, отлар ва туялар уюри ўтлаб юрган. Бироқ май ойида қуёш нури таъсирида ушбу майсалар сариқ тусга кирган ҳамда манзара бутунлай ўзгарган<sup>8</sup>.

XIX асрдаги Мирзачўл нафақат ўзининг турли хил табиий манзараларига эга бўлган, балки ўша даврда ҳудуд турли номлар билан аталганлиги ҳам диққатга сазовордир. Е. Смирнов юқорида географик тавсифи бериб ўтилган ҳудудни Россия империяси амалдорлари «Голодная степь» деб атаганлигини, бироқ маҳаллий аҳолида бу жойнинг маълум бир номи йўқлигини ёзади<sup>9</sup>. Еугене Шуйлер

<sup>6</sup> Голодная степь. 1867–1917. История края в документах. Москва, 1981. 185–6.

<sup>7</sup> Эгамбердиев Р.С. Голодная степь, ее прошлое и настоящее. Ташкент, 1965. 6–6.

<sup>8</sup> Колокольцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году: от Джизака до Хивы. (походный дневник). С-Пб, 1873. 383–6.; Смирнов Е. Сыр-Дарьинская область. С-Пб, 1887. 122–6.; Голодная Степь. Энциклопедический словарь. Под ред. проф. И.Е. Андреевского. ... 101–б.; Марков Е. Россия в Средней Азии. Очерки путешествия по Закавказью, Туркмении, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. Т. I. С-Пб, 1901. 432–437–б.

<sup>9</sup> Смирнов Е. Сыр-Дарьинская область. С-Пб, 1887. 122–6.



хам Жиззах ва Чиноз ўртасидаги чўлни руслар «Голодная степь» деб атаганлигини ёзади<sup>10</sup>. Бошқа томондан эса XIX аср охири — XX аср бошларига оид манбаларда биз ўрганаётган ҳудуд Мирзачўл, Голодная степь, Жиззах чўли, Чиноз чўли, Жиззах-Чиноз чўли, Мурзаработ чўли каби номлар билан юритилганлиги маълум. «Голодная степь» номи Россия империяси амалдорлари томонидан ишлатилган бўлса, маҳаллий аҳоли одатда Туркистоннинг бу географик қисмини Мирзачўл ва Жиззах чўли деб атаган.

Мирзачўл ҳудуднинг қадимги номи бўлиб, ушбу сўз бир қанча маънолар англатишини олимлар қайд этиб ўтишади. Жумладан, Эркин Шодиев «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши бўйича мақола чоп этади ва унда мазкур сўз бир қанча маъноларга эга эканлигини таъкидлайди<sup>11</sup>. Унга кўра, мазкур топонимнинг биринчи маъноси «Мирза» сўзининг мансаб, унвон ва этноним сифатида шаклланишига боғлиқ бўлган. Бу тўғрисида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, З. Дўсимов ва Х. Эгамовлар «мирза» топокомпонентининг иккита маъносини келтирадилар. Биринчидан, мирза — амирнинг ўгли; иккинчидан эса — котиб, мирзо маъноларини беради, деб ёзадилар. Улар тарихчи А. Фафуровнинг фикрларига асосланиб, «мирза» компонентининг келиб чиқиши Амир Темурнинг номи билан боғлиқлигини, Амир Темур чингизийлардан бўлмагани туфайли, ўзига «Амир» унвонини олганлигини ҳамда кейинчалик унинг авлодлари Мирзода (амирзода) деб аталиб, вақт ўтиб, бу сўз қисқариб, «Мирза» тарзида айтила бошлаган, деган тахминни келтирадилар<sup>12</sup>. Яна бир олим Е. Койчубаев Мирзачўл — «Мирзо» (этноним) ва чўл (сувсиз дашт) сўзларидан келиб чиқиб, мирзаликларнинг сувсиз дашти деган маънони англатади деб таъкидлаганини ушбу мақоладан билиб олишимиз мумкин<sup>13</sup>.

Юқоридаги фикрлар «Мирзачўл»нинг иккинчи қисми «чўл» сўзига асосланиб, ҳудуд маълум бир кишиларнинг сувсиз дашти ёки сувсиз ери эканлигига ишора қилмоқда. Бироқ бу географик ном фақатгина салбий маънода ишлатилмасдан, балки ўзининг ижобий маъноларига ҳам эга бўлган. Жумладан, Э. Шодиев С. Муқанов фикрларига асосланиб, «мирзо» сўзи айрим туркий тилларда «сахий» деган маънони борлигини ва шу сабабли Мирзачўл — «сахий чўл, сахий дашт» маъносини билдириши мумкин, дейди<sup>14</sup>.

<sup>10</sup> Schuyler E. Turkistan. Vol. 1. London, 1876. P. 226–227.

<sup>11</sup> Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. 2012. № 6. 88–91-б.

<sup>12</sup> Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 1977. 97-б.; Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. 2012. № 6. 88–91-б.

<sup>13</sup> Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. Алма-Ата, 1974. 176-б.; Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. 2012. № 6. 88–91-б.

<sup>14</sup> Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. 2012. № 6. 89-б.

Шу билан биргаликда ушбу топонимнинг яна бир маъноси унинг географик хусусиятига бориб тақалади. 1980 йилларда нашр этилган адабиётлардан бирида ҳудуд Қизилқум чўлининг четида жойлашганлиги учун Мирзачўл яъни «чўлнинг чеккаси (чети)» деб аталганлиги айтилади<sup>15</sup>. Э. Шодиев Мирзачўл ҳудуди илгаридан Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган сувсиз текислик бўлганлигини ва у Мовароуннаҳрнинг чекка дашти ҳисобланганлигини таъкидлайди. Н. Мингбаев ҳам ушбу фикрларга яқин таъриф беради. Жумладан, у «мирза» илгари «марза» деб талаффуз этилгани ва бу атама форс тилидан олинган бўлиб, ўзбек тили шеваларида учрашини таъкидлайди. Тадқиқотчи эса унинг маъноси «жўяқлар орасидаги масофа», «далалар ўртасидаги чегара» деган мазмунда ишлатилган, деб фикр билдиради<sup>16</sup>.

XIX асрда Марказий Осиёдаги иккита ҳудуд Голодная степь-деб аталган. Биринчиси Чу дарёси ва Балхаш кўли атрофидаги жойлар бўлган ва бир вақтнинг ўзида у Бекпак-дала деб ҳам номланган. Иккинчи ҳудудга Жиззах ва Чиноз ўртасидаги жойлар кирган<sup>17</sup>. Бу жойга нисбатан «Голодная степь» номи XIX асрнинг 60-йиллари охиридан, яъни ҳудудда топографик съёмка ишлари олиб борилганда ва унинг асосида харита тузила бошлаган вақтдан эътиборан қўлланила бошлади. Натижада, XIX асрнинг иккинчи ярмида «Голодная степь» топоними тезда кундалик ҳаётга кириб келди. Ушбу атама бошқарув ҳужжатларида, маълумотномаларда, йўлқўрсаткичларда, географик тавсифларда ва матбуотдаги мақолаларда кенг қўлланила бошлади. Бироқ, ўзбек топонимикасида бу ҳудуднинг «Голодная степь» деб номланадиган шакли учрамаган. Бу атама ўзбек тилига ўгирилмаган ва ҳудуднинг эски номи ҳисобланган Мирзачўл айрим ёзма манбаларда бир қанча ўзгарган шакли билан ишлатилишда давом этган<sup>18</sup>.

1871 йил «Туркестанские ведомости» газетасида чоп этилган бир мақолада Жиззах ва Чиноз ўртасидаги ерлар Жиззах чўли деб аталган<sup>19</sup>. Шунингдек, Жиззах чўли ҳудудига фақатгина Жиззах шаҳри атрофидаги ҳудуд кирмасдан балки, Сирдарё бўйлари ва Мурзаработ атрофи ҳам Жиззах чўли деб аталганлиги ушбу мақоладан кўриниб турибди<sup>20</sup>. А. Арандаренко ҳам биз ўрганаётган географик ҳудуд маҳаллий аҳоли томонидан Жиззах чўли деб номланганлигини ёзади<sup>21</sup>. Р.С. Эгамбердиев каби кейинги давр олимлари ҳам Мирзачўлнинг Туркистон тоғ тизмаси билан чегарадош жанубий қисми Жиззах чўли деб номлан-

<sup>15</sup> Голодная степь, 1867–1917. История края в документах. Москва, 1981. 185–6.

<sup>16</sup> Мингбаев Н.Я. Топонимия Мирзачуля. Историко-лингвистический анализ. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Баку, 1988. 6-б.; Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари, 2012. № 6. 89–90-б.

<sup>17</sup> Голодная степь. Энциклопедический словарь. Под ред. проф. И.Е. Андреевского. ... 101-б.

<sup>18</sup> Голодная степь, 1867–1917. История края в документах. Москва, 1981. 185-6.

<sup>19</sup> О проекте орошения Джизакской степи // Туркестанские ведомости, 1871. № 27.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Арандаренко А. Досуги в Туркестане. С-Пб, 1889. 244-б.

ганлигини таъкидлайди. У шунингдек, ушбу ерлар ҳосилдор эканлигини ва унинг умумий майдони суғорма деҳқончиликка яроқли эканлигини айтиб ўтади. Жиззах чўлининг умумий майдони 200 000 га деб кўрсатилади<sup>22</sup>.

Мирзачўлни тадқиқ этган ёки Мирзачўлда содир бўлган маълум жараёнларни ўрганган олимлар бу ерни қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик мавжуд бўлган ҳудуд сифатида баҳолашади. Жумладан, ҳудуднинг тарихини ўрганган айрим олимлар Мирзачўл ўтроқ ҳаётга ўтаётган турк қабилаларининг қадимги деҳқончилик ерлари мавжуд ҳудуд бўлган ҳамда ушбу кенг майдонда қадимдан Ўғуз ва Эски Туя-Тортар суғориш тизимларининг туркча номланиши бу фикрга асос бўлади, деб таъкидлайди<sup>23</sup>. Бу мавзуда айниқса XIX асрда Мирзачўлни тадқиқ этган тадқиқотчиларнинг фикрлари бизга бу йўналишда аниқроқ тасаввур бериши мумкин. Жумладан, 1869 йил Чиноз, Хўжанд ва Жиззах ўртасидаги ерларни ўрганган А. Аминов қуйидагиларни таъкидлайди<sup>24</sup>:

«Мен тадқиқ этган чўл «Голодный» деган номга лойиқ ва унда бир қарашда ҳеч қандай қизиқарли нарса йўқдек туюлади. Бироқ уни яқинроқ ўргансак, биз етарлича қизиқарли жиҳатларини кўришимиз мумкин. Биринчидан, ҳозирги вақтда сувсиз бўлган жой бир вақтлар ўтроқ аҳолининг макони бўлганлиги кўринади. Ўтроқликнинг белгилари бутунлай йўқолиб кетмаганлиги буни исботлаб турибди. Айниқса, ташлаб кетилган шудгор ерларда эски бинолар харобалари мавжудлиги буни яққол кўрсатади. Мазкур икки ойлик экспедициянинг асосий мақсади бу ариқларни тиклаш ва олдинги ҳаётни қайтариш имконияти бор-йўқлигини аниқлашдан иборатдир».

Мирзачўл ҳақида бу каби тавсифларни XIX аср матбуот саҳифаларида ҳам учратиш мумкин эди<sup>25</sup>.

Генерал-губернатор Жиззах чўлини Сирдарёдан Мурзаработгача ариқ ўтказиш орқали суғориш лойиҳаси ҳақида гапирди. Бир қанча вақт муқаддам Жиззах чўлида ҳаёт қайнаган. Аввалги катта ариқлар бу ерларда зироатчилик бўлганлигини кўрсатади ва ҳеч қандай иккиланишсиз айтиш мумкинки, суғориш орқали бу ерлар катта ҳосил берган.

Мирзачўлда биринчилардан бўлиб тадқиқот олиб борганлардан яна бири П.П. Шубинский ҳам 1897 йилда ўзининг «Голодная степь и ее предания» китобида «ушбу жой (Мирзачўл — А.Б.) узоқ даврдан буён Ўрта Осиёнинг деҳқончилик қилинадиган ва ҳосилдор воҳаларидан бири ҳисобланган»лигини айтади<sup>26</sup>. В. Масальский эса Мирзачўлда Эски Туя-Тортар, Дарғом ва Шоҳруд каналлари ҳудудда

<sup>22</sup> Эгамбердиев Р.С. Голодная степь, ее прошлое и настоящее. Ташкент, 1965. 13-б.

<sup>23</sup> Голодная степь, 1867-1917. История края в документах. Москва, 1981. 185-б.

<sup>24</sup> Аминов Г.А. Джизако-Чиназская Голодная степь и памятники бывшей в ней оседлости // Голодная степь, 1867—1917. История края в документах. Москва, 1981. 6-б.

<sup>25</sup> О проекте орошения Джизакской степи // Туркестанские ведомости, 1871. № 27.

<sup>26</sup> Голодная степь, 1867—1917. История края в документах. Москва, 1981. 185-б.

ўн верстдан ортиқ майдонда ҳаётбахш намликни тутиб турганлиги ва оқибатда ушбу ерлардан деҳқончиликда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида гапирилади<sup>27</sup>.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, тарихда Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан чиққан бир қанча каналлар Мирзачўлни суғорган. Худудни суғорган энг биринчи каналлардан бири Зарафшон дарёсидан чикувчи Туя-Тортар канали бўлган. Жиззах шаҳрига келганда ушбу канал бир қанча каналларга бўлинган. Уларнинг ҳажми ва узунлиги бўйича энг катталари Қарой ва Мурзаработ каналлари ҳисобланган. Уларнинг қўйи тармоқлари Сирдарёдан чикувчи Урумбой каналигача етиб борганлиги ёзилади. Бу каналлар Жиззах шаҳридан Сирдарёнинг қирғоқларигача бўлган масофада жойлашган узунлиги 100 верстгача<sup>28</sup> бўлган ерларни суғорган. Сирдарёнинг чап томонидаги ерлар Чиноздан 35 верст юқорида жойлашган дарёнинг қирғоғидан бошланувчи Урумбой каналидан суғорилган ва унинг сувлари чўлнинг шимоли ғарбидаги ички қисмларигача етиб борган<sup>29</sup>. Бу каналларнинг ўзанлари ҳатто хариталарда ҳам тасвирланган. Россия империяси ҳукмронлиги даврида ҳарбий топографлар томонидан Туркистоннинг эски харитаси тузилади. Мирзачўл ушбу хаританинг 4 та варағида жойлашган ва масштаби 10 верст бир дюймда тасвирланган. Мазкур хариталарнинг бирида Эски Туя-тортар ариғининг Зарафшон дарёсидан Сангзор дарёсига ва ундан Мирзачўлга борадиган қадимги ўзани тасвирланган. Кейинги хариталарда Мурзаработ, Қарой, Ўғуз ва Ўрумбой ариқларининг эски ўзанлари тасвирланган. Шунингдек, харитада Мирзачўлдаги қадимги иншоатларнинг харобалари ва ўтроқ манзилгоҳларнинг излари тасвирланган<sup>30</sup>.


Юқоридаги муаллифларнинг маълумотларидан ва тавсифларидан шу нарса кўринадикки, бир вақтлар Мирзачўл суғорма ерларни ўзида мужассам этган деҳқончилик марказларидан бири бўлган, лекин XIX асрга келиб бу манзаралар йўқолиб кетган ҳамда фақатгина бу чўлга сув олиб келиш орқали унда ҳаётни вужудга келтириш мумкинлигига ишора қилади. Бироқ А.Арандаренко XIX асрда Мирзачўлнинг катта қисмида деҳқончилик қилиш учун шароит мавжуд бўлмаса-да, бу худудларда ҳаёт мавжуд бўлганлигини ёзади. Россия империяси ҳукмронлигигача бўлган даврда Мирзачўлга нисбатан «Голодный» чўл атамаси ишлатилмаган, маҳаллий аҳоли фақатгина уни Жиззах чўли деб аташган. Маҳаллий аҳоли ҳеч қачон ушбу чўлнинг ўзига хос мулкларига зиён етказмаган ва ўша вақтда мазкур текислик ери йирик чорва подаларини ўзида мужассам этган. Буларнинг ҳаммаси чўлнинг неъматларидан тўғри ва ўз вақтида фойдаланилганлиги билан боғлиқ бўлган. Ушбу чўлнинг қиши ва эрта баҳори чорвадорларнинг ҳамма турдаги чорваси учун ем-хашак етказиб берган. А. Аран-

<sup>27</sup> Голодная степь, 1867—1917. История края в документах. Москва, 1981. 186-б.

<sup>28</sup> Россия империясининг XVIII аср — XX аср бошларидаги узунлик ўлчов бирлиги. 1 верст 500 сажан ёки бўлмаса 1500 аршинга тенг бўлган. У агар километр билан таққосланса, 1 верст 1,06 километрга тенг.

<sup>29</sup> Смирнов Е. Сыр-Дарьинская область. С-Пб, 1887. 122-б.

<sup>30</sup> Голодная степь, 1867—1917. История края в документах. Москва, 1981. 186-б.



даренко шундай хулоса қиладики, Мирзачўл<sup>31</sup> «Голодный» деган номни ўзида намоён қилмайди ҳамда даҳшатли ҳеч нарса йўқ. Яна «Голодный» атамаси ўзини шу жихати билан оқламаганки, бу ерда аллақачон почта ва карвон йўллари ўтган ҳамда юз минглаб йўловчилар ушбу йўллардан фойдаланган<sup>32</sup>.

Мурзаработ ва Сирдарёдаги кечувлар Мирзачўлдаги савдо йўлларининг асосий бўғини ҳисобланган. Чунки Мурзаработ йўловчиларни ва савдогарларни ичимлик суви билан таъминлаган, шунингдек дам олишга имкон яратган бўлса, Сирдарёдаги кечувлар ва улардаги хизматлар юкларни дарёдан олиб ўтишга шароит яратган. Мирзачўлдаги энг қадимги иншоатлардан бири бу Мурзаработдир. Ушбу бино карвонсарой сифатида Бухоро хони Абдуллахон томонидан қурилган. Мурзаработ пишиқ гиштдан ва шарқ услубида қурилган. Гиштар катта ва тўртбурчак шаклда бўлган<sup>33</sup>. Унинг гумбазли марказий хонаси мавжуд бўлган ва унинг атрофида кичик хоналар жойлашган<sup>34</sup>. Ушбу хоналарнинг жами сони 25 та бўлган<sup>35</sup>. Уларнинг ҳар бири ўзининг кичик гумбазларига эга бўлган. XIX аср охирида бинонинг ташқи деворлари шикастланган, бироқ ундан ҳали ҳам бошпана сифатида фойдаланиш давом эттирилган. Жумладан, у ўша вақтда почта станцияси сифатида хизмат кўрсатиб турган<sup>36</sup>. Мурзаработ атрофи лой девор билан ўраб олинган ва у ҳимоя вазифасини ўтаган. А. Аминов XIX асрда Мурзаработ ёнидан катта карвон йўли ўтганлигини ва у келувчи карвонлар учун бошпана вазифасини ўтаганлигини айтади. Бироқ 1870 йилларда ушбу карвон йўлидан ҳеч қандай из қолмаган. А. Аминов яна гувоҳлар сўзларига таяниб, XIX аср бошларида Сирдарё Мурзаработнинг ёнидан оқиб ўтганлигини ва дарё кейинчалик ўзанини ўзгартирганлигини айтиб ўтади. Буни яна шунда кўриш мумкинки, дарёдан Мурзаработга борадиган ариқ (зовур) мавжуд бўлган ва унинг излари 1870 йилларда ҳам сақланиб турган<sup>37</sup>.

Бошқа даврларда бўлгани каби XIX асрда ҳам Самарқанддан Тошкентга ёки Фарғона водийсига борувчи карвон ва почта йўллари Мирзачўл орқали ўтган. Шу билан биргаликда, Мирзачўл аҳолиси ўзи етиштирган ёки ишлаб чиқарган товарларини Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига олиб бориб сотган. Савдо жараёнида савдогарлар ва Мирзачўл аҳолиси нафақат чўлларни кесиб ўтишга, балки Мирзачўлни Тошкентдан ажратиб турувчи Сирдарёни ҳам кесиб ўтишга тўғри келган. Мирзачўлнинг турли ҳудудларидан Тошкентга боришда Сирдарёдан ўтувчи 4 та кечув бўлган. Буларнинг биринчиси Хўжанд томондан боришда паромда ўтиладиган кечув бўлган. Паром эгаси Абдулла деган шахс ушбу кечувдан паром 20 та туяни юки билан ўткази олганлигини таъкидлаган. Бу кечув Тошкентдан

<sup>31</sup> Арандаренко А. бу ҳудудни Жиззах чўли деб атайди.

<sup>32</sup> Арандаренко А. Досуги в Туркестане. С-Пб, 1889. 244–245-б.

<sup>33</sup> Schuyler E. Turkistan. Vol. I. London, 1876. P. 228.

<sup>34</sup> Ўша жойда. 228-бет.

<sup>35</sup> Аминов Г.А. Джизако-Чиназская Голодная степь ... . 10-б.

<sup>36</sup> Schuyler E. Turkistan. Vol. I. London, 1876. P. 228.

<sup>37</sup> Аминов Г.А. Джизако-Чиназская Голодная степь ... . 10-б.

Хўжандга борадиган карвон йўлда жойлашганлиги унинг аҳамиятини оширган. Қиш фаслида дарёда муз кўчиш сабабли бир неча кун кечув ёпиқ турган. А. Аминов бошчилик қилган ва тарихда Мирзачўлни тадқиқ этган биринчи экспедиция ўз ишини олиб бораётган вақтда Сирдарёнинг бу қисмидан кўприк қуриладиган бўлган<sup>38</sup>. Иккинчи кечув Иржар кечуви деб номланган ва у Иржар деган жойда жойлашган. Мазкур жой Бекободдан 4 верст пастда жойлашган. Кечув Қурамадан Ўратепа, Зомин ва Жиззахга борадиган йўлда жойлашган ҳамда эски паромлардан иборат бўлган. XIX асрда маҳаллий аҳоли паромлар 12 та туяни юки билан бирга дарёдан ўтказиш олганлигини айтган<sup>39</sup>. Учинчиси Митин Қайиқ деб номланган кечув бўлиб, у Чиноздан 30 верст узоқ масофадаги Мирза Тўғай деган жойда жойлашган. Кечув эски паромлардан ташкил топган бўлиб, 7 та туяни юксиз ўтказиш олган. Кечув Сирдарёнинг ўнг қирғоғида яшовчи ва қишлоғчи аҳолини Жиззах, Зомин, Ховос, Ўратепа каби жойларнинг чўл ҳудудига элтиб кўчириш мақсадида қурилган. Шунингдек, мазкур кечувдан Сирдарёнинг чап қирғоғида чорваларини боқадиган чўпонлар ҳам фойдаланган. Чўпонлар ўзларининг ўтовлари, от ва туялари билан паромда дарёдан ўтган бўлса, шохли ҳайвонлар, қўйлар ва эчкилар дарёдан сузиб ўтган. Карвонлар бу кечувдан онда-сонда фойдаланган, чунки кечувдан секин ўтказилган<sup>40</sup>. Тўртинчи кечув Чинознинг ўзида жойлашган ҳамда Тошкент ва Самарқанд карвон йўлида жойлашган. Бу кечувдан Самарқанд ва Бухоро амирлигининг турли жойларидан Тошкентга чиққан савдо карвонларининг барчаси фойдаланган. Бундан ташқари Мирзачўлнинг турли нуқталаридан маҳаллий аҳоли ўзлари ясаган нарсаларини ва сотишга мўлжалланган чорва молларини олиб ўтишган. Кечувдан катта темирдан ясалган паром орқали ўтилган ва у ёнидан бир неча кичкина ёғочдан ясалган паромлар ёрдамида ҳаракатланган<sup>41</sup>. Еугене Шуйлер ўз эсдаликларида паромлар ҳаракатини бироз бошқачароқ тасвирлайди. У Тошкентдан Самарқандга боришда Сирдарёни ушбу кечув орқали кесиб ўтган. Унинг маълумотларига кўра, паром жуда ҳам катта бўлган ҳамда у паромнинг бурнида жойлашган иккита катта эшак ёрдамида ҳаракатга келтирилган. Паромда эшакчи сифатида 8 ёки 9 киши меҳнат қилган ва улар маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган. Айрим ҳолатларда зарур вақтлари бошқа кичик паромлар арқон ёрдамида ушбу паромни тортиб ёрдамлашган<sup>42</sup>. Кечув қиш фаслида номаълум муддатга муз кўчиши оқибатида ёпилган<sup>43</sup>. Кейинчалик Самарқанд-Андижон темир йўлининг қурилиши муносабати билан Сирдарёнинг Чиноз ҳудудидан ўтувчи қисмидан 950 000 рублга кўприк қурилади<sup>44</sup>.

<sup>38</sup> Аминов Г.А. Джизако-Чиназская Голодная степь ... . 7-б.

<sup>39</sup> Ўша жойда. 7-б.

<sup>40</sup> Ўша жойда. 8-б.

<sup>41</sup> Ўша жойда.

<sup>42</sup> Schuyler E. Turkistan. Vol. I. London, 1876. P. 226.

<sup>43</sup> Аминов Г.А. Джизако-Чиназская Голодная степь ... . 8-б.

<sup>44</sup> Нива. 1900. №11. 216-220-б.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда Мирзачўл аҳолиси сунъий суғориш тизимлари асосида эмас, балки табиат манбаларига суянган ҳолда хўжалик юритган ва турмуш кечирган. Бунда тоғ олди ҳудудларда ариқлардан фойдаланган ҳолда деҳқончилик қилган бўлса, қиш ва баҳор фаслларида вужудга келадиган яйловлар чорва молларини етиштиришда муҳим аҳамият касб этган. Бундан ташқари, ҳудудда жойлашган карвонсаройлар, Сирдарёдаги махсус кечувлар йўловчилар, савдогарлар ҳамда саёҳатчиларнинг мушкулини осон қилган. Шу билан биргаликда XIX асрда Мирзачўл турли номлар билан юритилган бўлиб, бу тавсифлар ҳудуднинг турли хусусиятларидан келиб чиқиб айтилганлиги кўзга ташланади.

*А. БАЗАРБАЕВ*

### **XIX АСРНИНГ 70–90 ЙИЛЛАРИДА МИРЗАЧЎЛНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ҲОЛАТИ**

Муаллиф ушбу мақолада XIX асрда Мирзачўлнинг тарихий географияси, табиий манзаралари ҳамда унинг тарихий номлари тўғрисида фикр юритади. Мавзунини ёритишда XIX асрда яратилган тарихий адабиётлар, даврий матбуот материаллари ҳамда Мирзачўлда бўлган шахсларнинг эсдаликлари ва хотиралари манба сифатида фойдаланилди.

*Калит сўзлар:* Мирзачўл, Голодная степь, Жиззах чўли, Мурзаработ, Эски Туя-Тортар, Сирдарё, Чиноз, Мирза Тўғай, Иржар кечуви.

*А. БАЗАРБАЕВ*

### **ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ МИРЗАЧУЛЯ В 70–90-Х ГОДАХ XIX ВЕКА**

В статье проанализированы вопросы, касающиеся исторической географии, природного ландшафта и исторических названий Мирзачуля в XIX в. В освещении вопроса использованы материалы периодической печати, историческая литература, воспоминания свидетелей и участников событий, происходивших в Мирзачуле в XIX в.

*А. BAZARBAYEV*

### **HISTORICAL-GEOGRAPHICAL CONDITION OF MIRZACHUL IN 1870–1890s.**

The author explores historical geography, environmental views and historical names of Mirzachul in the 19th century in the paper. Descriptions and memories of travelers who travelled around the region in the 19th century, as well as historical sources and periodicals have been used as sources to write the article.

О. РАШИДОВ

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ БОШҚАРУВИ СТРУКТУРАСИДАГИ КАДРЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан 1918 йил февралда куч билан бостирилгач, минтақада совет ҳокимиятига қарши кескин норозилик вужудга келди. Ўлка тақдирига бефарқ бўлмаган, миллат манфаати йўлида қайғурган фидойилар совет мустамлакачилигига қарши очиқдан-очиқ ва яширин кураш бошладилар. Дунёда империалистик давлатлар ўртасида хомашё майдонида кураш кескинлашган бир даврда, большевиклар учун хомашёга бой Туркистон минтақаси жуда зарур эди. Бунинг учун совет Россияси минтақада собиқ Россия империяси каби шовинистик сиёсатни юритди. Бу тўғрида жадидчилик ҳаракати таниқли намояндаси Мунаввар Қори Абдурашидхонов шундай деган эди: «Инқилоб бизга ҳеч нарса бермади, ҳаммаси чоризм давридаги каби аввалгидек, фақат байроқ ўзгарди. Ишсизлик байроғи остида ўлкага кўчириш давом этмоқда»<sup>1</sup>.

Дастлаб большевиклар совет бошқарувида маҳаллий миллат вакиллари яқинлаштирилмасдан, уларнинг фаолиятига ишончсизлик билан қаради. Чунки Марказдан юборилган кадрлар давлат аппаратининг асосий бўғинларини эгаллаб, маҳаллий ходимларни бошқарувдан четга суриб қўйган эди. Давлат ҳокимияти органларидаги миллий кадрларнинг камлиги ва иш юритишнинг маҳаллий тилларда олиб борилмаслиги ерли аҳолини совет бошқарувидан узоқлаштирди.

1919 йил 12 февралда РСФСР Миллий Ишлар Халқ Комиссари И.В. Сталин Туркистон советларига ва партия ташкилотларига мурожаат қилиб, маҳаллий миллат вакиллари давлат қурилишига тортиш зарурлигини кўрсатиб ўтди<sup>2</sup>.

Большевиклар миллий республикаларда маҳаллий кадрларни давлат бошқарувида тортиган ҳолда улар орқали совет миллий ғояларини амалда тадбиқ қилиш режаларини ишлаб чиқдилар. Маҳаллий миллат вакиллари ўз томонига оғдирмасдан, куч ишлатиш, зўравонлик ва шовинистик йўллар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини большевиклар англаб етдилар. Чунки давлат муассасаларида иш юритиш фақат рус тилида олиб борилиши маҳаллий аҳоли учун қийинчиликлар туғдирган эди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳукумат бошқарув аппаратини аҳолига яқинлаштириш режаси ҳисобланган

<sup>1</sup> ЦК РКП (б) — ВКП (б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918—1933 гг. Сборник документов. Сост.: Л.С. Гатагова, Л.П. Кошелева, Л.А. Роговая. Москва.: РОССПЭН, 2005. 574-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Улуғ октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда социализм қуриш (1917—1937 йиллар). III том. Тошкент: Фан, 1971. 193-б.



маҳаллийлаштириш сиёсати ҳаётга тадбиқ этди. Маҳаллий аҳолини ўз тарафига жалб этмай туриб минтақадаги воқеалар ривожини Москва учун керак бўлган йўналишга солишни тахмин қилиш жуда қийин эканлиги маълум бўлди<sup>3</sup>.

XX асрнинг 20 — йилларида Туркистон минтақасида большевиклар томонидан тадбиқ этилган маҳаллийлаштириш сиёсати бу — давлат қурилиши ишларига маҳаллий миллат кишиларини кенг жалб қилиш ҳамда иш юритишда рус тили билан параллел равишда бошқа маҳаллий тилларда олиб боришни жорий қилиниши эди. «Маҳаллийлаштириш» тушунчаси архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларида турли номлар билан келтирилади. Масалан, «ерлилаштириш», «миллийлаштириш» ва «ўзбеклаштириш» иборалари маҳаллийлаштириш сўзи билан айнан бир маънода қўлланилган. 1925–1929 йилларда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССРда маҳаллийлаштириш «тожиклаштириш» деб ҳам номланди. Бу ҳақида 1927 йил 16–24 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг учинчи съезидида «Давлат аппаратини миллийлаштириш ва ерли миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида»ги қарорда<sup>4</sup> кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ушбу қарорда маҳаллийлаштириш жараёнида майда миллатлар кўпчилиги бўлиб яшаётган ҳудудларда суд органлари, мактаблар ўз ишларини ўз она тилида олиб боришлари, мамлакатни идора ишларига ва жамоат ҳаётига жалб қилиниши ҳамда улардан кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилган.

1918 йилнинг 30 апрелида Туркистон АССР тузилганида давлат тили масаласи ҳал қилинмасдан иш юритиш рус тилида олиб борилди. Миллий раҳбар кадрларнинг сай-ҳаракатлари натижасида 1918 йил июнда Туркистон АССР ҳудудида ўзбек (туркий) тилига давлат тили мақоми берилди<sup>5</sup>. 1921 йил 11 мартда эса, Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ҳам ўзбек (туркий) тилини мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон қилди<sup>6</sup>. Бироқ, туркий тилига давлат тили мақоми берилган бўлса-да, маҳаллийлаштириш жараёни бошлангунга қадар амалда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилди.

Америкалик тарихчи олим Адиб Холид Туркистонда маҳаллийлаштириш ишларининг бошланишини ўзининг асарида куйидагича кўрсатади: «1923 йил январда Туркистон ҳукумати барча расмий ишларни маҳаллий тилларда олиб боришга рухсат берди. Туркистон АССР раҳбарларидан бири Султонбек Хўжанов эса бутун комиссарликларда ҳужжатли ишларни маҳаллий тилларда олиб

<sup>3</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 105-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистонда XX асрнинг 20–30 йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар. (Архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида). Тошкент: Navro'z, 2014. 223–238-б.

<sup>5</sup> Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. Тошкент: O'zbekiston, 2015. 155-б.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 166-б.

борилишини назорат қиларди. Айни шу пайтда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси уездлардаги барча муассасаларда ҳужжат ишларини маҳаллий тилларда олиб борган кишиларнинг маошини ошириш ҳақида қарор қабул қилинди»<sup>7</sup>.

Туркистонда давлат идораларини маҳаллийлаштириш учун 1923 йил 31 августда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ҳузурида Марказий ерлилаштириш комиссияси тузилди<sup>8</sup>. Ушбу комиссия вазифа ва ваколатларига маҳаллийлаштириш ишларини ташкил этиш, уларни олиб бориш, тегишли чора-тадбирлар кўриш, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш, ишнинг бажарилиши устидан назорат юргизиш ҳамда тажрибачиларни\* тайёрлаб уларни турли муассасаларда иш билан таъминлашни ташкил этиши белгиланди. Аммо республикада маҳаллийлаштириш ишларининг олиб борилиши европа миллатига мансуб ходимлар томонидан яхши қабул қилилмади. Улар муассасаларда маҳаллий аҳолига мансуб ишчиларни ишлашига очикдан-очик қарши эканликларини намоён қилдилар. Бу масалани маҳаллий мухбирлардан бири қўйидагича изоҳлайди: «Табийки идораларни ерлилаштириш масаласига мустамлакачилик руҳи билан суғорилган ва идора усталини ўзининг қонун ҳаққи деб санагон баъзи бир оврўполиқ афандиларнинг зўр тўсиқ бўлиб чиқишлари аввалдан сезилган эди. Бундай унсурлар билан курашиб ерлилаштириш масаласини жонлантириш мазкур идорадаги масъул ишчиларнинг асосий виждонли вазифаларидир. Натижада юқоридаги тўсиқчилар билан ёлғиз ерлилаштириш комиссиясининг ўзигина курашиб келади»<sup>9</sup>.

Россия тасарруфида бўлган барча миллий республикаларда маҳаллий кадрлар салмоғини ошириш ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1923 йилдан эътиборан Бухоро Коммунистик фирқаси марказий комиссиясининг қарори билан ҳукумат муассасаларини туб миллатга мансуб ходимлар билан тўлдиришга киришилди. Европалик ишчиларнинг 8 фоизи ишдан бўшатилиб, 10–15 фоизигина раҳбарлар сифатида қолдиришга қарор қилинди<sup>10</sup>. Хоразм Халқ Совет Республикасида ҳам

<sup>7</sup> Adeeb Khalid. *Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR*. London: Cornell University press, 2015. 166-6.

<sup>8</sup> Фиёсиддин. Марказий ерлилаштириш комиссиясининг тузилганига бир йил тўлиши муносабати билан // «Туркистон» газетаси. 1924 йил 31 август.

\* *Тажрибачилар* — Маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан давлат бошқарув ишларига жалб этилган маҳаллий миллатга мансуб хизматчилар. Булар давлат бошқарувининг турли бўғинларида амалиёт ўтаб, маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан штатга лойиқ топилгач, амалиёт ўтаган муассасасига ишга жойлаштирилган. Тажрибачиларга амалиёт ўтаган даври мобайнида белгиланган муассаса ҳеч қандай маош тўламаган. Маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан тажрибачиларнинг харажатлари қисман қопланган.

<sup>9</sup> Фиёсиддин. Марказий ерлилаштириш комиссиясининг тузилганига бир йил тўлиши муносабати билан // «Туркистон» газетаси. 1924 йил 31 август.

<sup>10</sup> Ғози Юнус. Ҳукумат бошқармаларини ерлилаштириш // «Туркистон» газетаси. 1923 йил 22 сентябрь.

маҳаллийлаштириш масаласига замоннинг муҳим вазифаси сифатида қаралган ҳамда бу борада Туркистон АССР ва БХСРда олиб борилаётган ишлар ўрганилган. Бироқ, Ўрта Осиё республикаларида олиб борилган маҳаллийлаштириш ишлари бошқа совет республикаларидан фарқли эди. Туркистонлик зиёлилар Украина ва Кавказда маҳаллийлаштириш жараёни тизимли ташкил этилганлиги, бу борада тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги хусусида матбуотда ёритганлар. «Бундан 8 йил бурун Туркистонга ўхшаган Русия мустамлакаси бўлган Украина ва Кавказ ижтимоий шўролар жумҳурияти бугун ўзларига ҳур Ўзбекистонга ўхшаган СССРга бир ҳуқуқий аъзодир. Шундай бўлиб ҳозирда у юртлардан бирор маҳкамада рус тилида ёзилган бирта қоғоз тополмайсиз. Ҳатто Украина жумҳурияти шундай декрет чиқарганки ҳар бир маҳкамада русча муомалада бўлса жарима олиниб жазо бериладир»<sup>11</sup>.

Дунёда ҳар бир давлат ўз она тилида сўзлашишни, ёзишни ва иш юритишни хоҳлайди. Туркистонликлар ҳам иш юритишни тушунарли бўлган ўз она тилларида олиб борилишини ва давлат бошқарувида европа миллатига мансуб ходимлар билан тенгма-тенг ишлашни хоҳлар эдилар. Бунинг учун маҳаллий миллат вакиллари қандай йўл тутиши ва қайси камчиликларни бартараф этишлари керак эди? Бу масала юзасидан мухбир Нуриддин Одилий куйидагича фикр билдиради. «Бугун Ўрта Осиёдаги ерлилаштириш, шу қадар муваффақиятсиз кетадурким, бу бир томондан тайёрлиқсиз бўлса иккинчи томондан рус мустамлакачиларининг ярамас қилиқлари сабабидандур. Бизнинг вазифамиз турли идораларга тажрибачиларни урунлаштириш (жойлаштириш — *О.Р*), ерлилаштириш теварагида масъул ишчи ва фирқа ташкилотларининг ғайратлари лозимдур. Бу ерлилаштириш ишини тузук бир йўлга қўйгондагина ерли халқни эҳтиёжини таъмин этган бўламиз ва шундагина ишимизда муваффақият қозонамиз»<sup>12</sup>. Дарҳақиқат, маҳаллийлаштиришни самарали ва муваффақиятли ташкил этишда тайёргарлик, пухта режа ҳамда қатъий ижро механизми зарур эди. Афсуски, маҳаллийлаштириш тизимида ижро механизми суст, бирёқлама олиб борилди.

Туркистон АССР да фаолият юритган маҳаллийлаштириш комиссияси 1923 йилнинг октябрь ойидан бошлаб турли идора ва муассасаларга тажрибачиларни жўната бошлади. Ушбу тажрибачилар ташкилотларда иш ўрганиб, шу жойда фаолият юритиши белгилаб берилди. Аммо, комиссия томонидан юборилган тажрибачилар аксарият ҳолларда муассаса раҳбарияти ва ходимлари томонидан яхши қабул қилиниб, иш ўргатилиши ўрнига турли баҳоналар билан орқага қайтариб юборилди. Бу ҳақидаги камчиликлар ўша давр миллий матбуотида куйидагича ёритилган: «Тажрибачилар маҳкамага боргондан сўнг қўрқитишлар бўладир. Тажрибачиларнинг иши ўтмайдурғон ишларни бирдан рўбарў

<sup>11</sup> Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1925 йил 7 сентябрь.

<sup>12</sup> Нуриддин Одилий. Ўрта Осиёда ерлилаштириш // «Туркистон» газетаси. 1924 йил 1 сентябрь.



Ўзбекистон ССРда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш тўғрисидаги декретга қарамасдан кўпчилик муассасаларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилаётганлиги танқидий ўрганилган<sup>16</sup>.

Резолюцияда давлат аппаратида иш юритишнинг фақат рус тилида олиб борилиши натижасида бир қатор шикоятлар келиб тушганлигига эътибор қаратилган. Жумладан, қарорда шундай келтирилган: «Вилоятлардан ва жойлардан юқори муассасаларга шикоятлар келиб тушмоқда, ҳаттоки вилоятлар ва жойларга жўнатилган муҳим ҳужжатлар фақат рус тилида бўлиб, маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз бўлганлиги сабабли орқага қайтарилиб юборилмоқда. Бундай ноодатий ҳаракатлар бир тарафдан муассасаларнинг давлат аппаратини маҳаллий аҳолига яқинлаштириш бўйича буйруқларга эътиборсизлигидан гувоҳлик берса, бошқа тарафдан давлат ишларини ўз вақтида бажариш учун катта тўсиқ ҳисобланади»<sup>17</sup>.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча совет ташкилотлари ва муассасаларига қуйидагиларни қатъиян амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди. Унга кўра:

Ўзбек тилини давлат тили деб эътироф этилганлигини ҳисобга олиб, юқорида кўрсатиб ўтилган марказдаги муассасалардан вилоятлар ва жойларга чиқадиган барча расмий ҳужжатларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш асосида босма, печатлаш шунингдек, кўрсатилган муассасаларга 1924 йил 31 декабрда Ўзбекистон Инқилобий Қўмитасининг п5 буйруғи билан № 48 остидаги иш юритиш бўлимлари мустақил равишда ёзилган ҳужжатларни ўзбек тилида юритиш қатъий қилиб белгилансин<sup>18</sup>.

Давлат аппаратига туб миллат вакилларини жалб қилиш ва уларни ерли халқ оmmasига яқинлаштириш юзасидан қурултой, конференцияларнинг ҳамда бошқа идораларнинг қарор ва кўрсатмалари бўлса ҳам маҳаллийлаштириш масаласи бир жойда тўхтаб қолган. Тошкентда маҳаллийлаштириш комиссиясининг янги ҳайъати 1925 йил 3 июндан бошлаб ишга киришиб барча маҳкамалардан рўйхат талаб қилади. Шундан сўнг маълум бўлдики, шу маҳкамаларнинг кўпларида бир фоиз ҳам маҳаллий хизматчилар бўлмаган. Мазкур комиссия муаммонинг сабабини ўрганиб, тегишга чора кўриш юзасидан қуйидагича хулосага келади: «Комиссарлар шўросининг «маҳкамаларга 10 прасент тажрибачилар қўйилсин» деган декретига кўра комиссия томонидан 2–3 киши тажрибачи қилиниб юборилганда маҳкама бошлиқларини тўлғоқлик тутиб «бизлар Масковни биламиз, Масков рухсатидан ташқари киши ола олмаймиз, буларга пул қаёқда...» деб қайтарадирлар. Комиссия шундай маҳкама мудирларини чақириб олиб, қонун бўйича жазолашга мажбур эканини билдиргандан кейин қаёққа ўтиришини

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5147-иш, 8-варақ.

<sup>17</sup> У ш а ж о й д а.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5147-иш, 9-варақ.

билмай, ана ундан кейин шуларни олмаслиқ чораларини излайдир. Ўшанда ҳам 100 кишига 2 та юборсангиз у бу деб савдогарчилик ҳам қиладир. Эртасига қарасангизки яна бир тескарилик...»<sup>19</sup>.

Баъзи муассасаларда фақат европа миллатига мансуб хизматчилар ишлагани, маҳаллий миллатга мансуб ходимларни турли-туман баҳоналар билан ишга қабул қилинмаганлини кўриш мумкин. Масалан, «Янги шаҳар ижроқўми битта ҳам ўзбекни хизматига олмайди. Нимани баҳона қилади денг! Смета тузилганида тажрибачилар харажатини «эсдан», чиқариб сметага киргизмай қўйибдилар. Смета тузганларидан кейин қабул қилар эканлар ... . Ҳозирча битта ҳам ўзбекни қабул қилишнинг иложи йўқ»<sup>20</sup>.

Маҳаллийлаштириш комиссиясининг ҳисоботларида ушбу масала юзасидан жиддий муаммолар борлиги, жойларга юборилган тажрибачилар камситилаётганлиги, уларга иш ўргатилмаганлиги, ҳаттоки европа миллатига мансуб раҳбар ходимлар мазкур комиссия қарорига қарши чиқаётганлиги таъкидланган. Бу ҳолат «Қизил Ўзбекистон» газетасида қуйидагича ёритилган: «Янги шаҳар ижтимоий таъминот шўбасига комиссия ўз ҳисобидан ўзи пул тўламакчи бўлиб, зўрга тажрибачи юборди. Ишга келганда тажрибачилар бир йилдан бери тажриба кўриб ётибдир. Қайси куни комиссия ҳайъат тузиб тажрибачиларни синовдан ўтказиб штатга лойиқ топди. Маҳкама бошлиғи ўртоқ Канчуруф илдам гапирмайдургон гапларни гапириб комиссиянинг қарорини амалга оширмаслигини билдирди. Тажрибачиларда нима гуноҳ! Ҳаттоки уларни маҳкамадан уруғини қуритаман деган ...»<sup>21</sup>.

Давлат муассасаларининг иш юритишни ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларда олиб борилишини ва бошқарувда маҳаллий миллат вакилларини кенг жалб қилиш масаласини бу яқин йилларда амалга ошмаслигини англаган миллий зиёлиларимиздан бири шундай дейди: «Шуни ҳам яхши билиш керакки биз бугун ўктабр ўзгаришининг 8-йилини тўлдириб 9-йил ичида яшагон ҳолда маҳкамаларимизни зўрга 16–17 фоиз ерлилаштира олдик. Бу эса ерлилаштиришнинг йил сайин зўрга 2 фоиз ўсганини кўрсатадир. Бу тошбақа оёғи билан боришда маҳкамаларни ақалли 75 фоиз ерлилаштириш учун 40–50 йиллар лозимдир, яъни XX асрнинг охирларида»<sup>22</sup>. Дарҳақиқат, бу масалада у ҳақ бўлиб, бугунги мустақиллигимиз назарга тутилган эди.

1926 йили Ўзбекистон ССРда маҳаллийлаштириш ишларининг олиб борилиши ҳусусида бир мунча комиссарликлар ишини фавқулодда назорат қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул котиби Акмал Икромов

<sup>19</sup> Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1925 йил 7 сентябрь.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Ўша жойда.

<sup>22</sup> Мурод Н. Ўзбекистонда ерлилаштириш ишлари (Мубохаса йўли билан) // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1925 йил 21 декабрь.

куйидагича фикр билдиради: «Ерли халқни ишга жалб қилиш жуда ёмон ҳолдадур. Масалан, Самарқанд вилоят молия шўбасида ерли халқдан фақат 3 та киши бўлиб, унинг ҳам биттаси соқчисидур. Марказий идораларда ҳам аҳвол ундан кўп яхши эмас. Чунончи, адлия камиссарлигида кирган вақтимда унинг ҳайъати мажлиб қилиб ўтирар эди. Аъзолари жуда машғул бўлсаларда, лекин аппаратда ерлилардан ҳечким кўринмади. Бошқа халқ комиссарликларида ҳам аҳвол шундайдир. Аппаратни ерлилаштиришга албатта масъул кўп, лекин бизнинг шўро хўжалик идораларимиз, айниқса уларнинг раҳбарлари томонидан истак ва аҳамият бўлса, албатта аҳвол ҳозиргидай бўлмас эди. Ерли халқдан тайёрлик бўлгон ишчилар йўқ, уларни тайёрлаш учун етарли даражада аҳамият берилмаяпти»<sup>23</sup>.

1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг «Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида» қўшма қарори қабул қилинди<sup>24</sup>.

Бунда иш юритишда ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларни жорий қилиш белгиланди. Шу йилнинг ўзида Тошкент округининг совет аппарати ва саноатни ўзбеклаштириш масаласи бўйича 2-ўлка конференцияси бўлиб ўтди. Унда совет давлати қурилишида меҳнаткашларни жалб қилиш борасида маҳаллий миллат вакилларида пролетар кадрлар тайёрлаш ва уларни совет жамоатчилик ташкилотларида маҳаллий аҳоли манфаатларига хизмат қилинишига эришилгани таъкидланди. Булар билан бир қаторда партия конференцияси саноат ва совет аппаратини миллийлаштириш бўйича амалий ишларда айрим камчиликлар борлиги таъкидланган. Жумладан, а) совет аппаратида маҳаллий миллат ишчиларини жалб қилиш етарли эмаслиги; б) маҳаллий аҳоли орасида кўп ишсизлик мавжудлиги шароитида маҳаллий ишсизларнинг режали ҳисоби олиб борилмаганлиги; в) совет аппарати ва саноатида хизмат қиладиган маҳаллий аҳоли ва уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ишчиларни малакасини ошириш масаласи айрим ташкилот ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари томонидан етарли эътибор қаратилмаганлиги; г) маҳаллий аҳоли орасида малакали мутахассис ишчи кадрлар (аграном, врач, инженер, юрист консултантлар) мавжуд эмаслиги ҳамда малакали ишчи кадрлар жуда камлиги кўрсатиб ўтилган<sup>25</sup>. Бундан кўринадики, давлат аппаратини маҳаллийлаштириш ва иш юритишни ўзбек тилида олиб бориш ишлари пухта ташкил қилинмаган. Бунга масъул бўлган мутассадди раҳбарлар ҳам ишга панжа орасидан қараганлигини архив ҳужжатлари мисолида кўриш мумкин.

<sup>23</sup> Мўъмин Хўжа. Сўздан ишга // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1926 йил 6 май.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-варақ; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. Тошкент: O'zbekiston, 2015. 198-б.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5154-иш, 11-варақ.

1928 йили Ўзбекистон ССРнинг барча муассасаларида иш юритишни маҳаллий тилларда олиб бориш ҳамда европа миллатига мансуб ходимлар учун ўзбек тилини ва янги алфавитни ўрганишга йўналтирилган курс ва тўғараклар биноан ўзбеклаштириш лозимлиги тўғрисида декрет эълон қилинди. Бу декретга биноан ўзбеклаштириш уч йиллик муддатда амалга оширилиши белгиланади<sup>26</sup>.

Ушбу декретга мувофиқ курс ва тўғараклар ташкил этилган бўлсада ишлар аниқ режа асосида олиб борилмади. Бу ишларни назорат этиш мақсадида ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги ва Ўзбеклаштириш бўйича комиссия биргаликда текширув олиб борган. Бунда ўзбек тили курсларининг ҳолати ўрганилган ҳамда қуйидаги камчиликлар аниқланган:

— ишчи ходимларнинг курс машғулотларига мунтазам қатнашмаган ва тўғаракка ёзилган ишчиларнинг бор йўғи 25-30 фоизигина дарсда иштирок этган;

— машғулотларда тингловчиларнинг етарли эмаслиги натижасида доимий равишда дарслар белгиланган вақтдан кеч бошланган;

— баъзи муассасаларда курс машғулотлари учун доимий бинолар ва мос хоналар ташкил қилинмаган;

— муассасалардаги курсларда ҳукумат декретида кўрсатилганидек биринчи навбатда ўзбек тилини ўрганишга бор-йўғи икки академик соат ажратилган. Бу эса тингловчиларни декретда ўрнатилган муддатда дастурни тўлиқ ўзлаштириш имкониятларидан маҳрум қилган;

— муассасалар раҳбарлари томонидан ўзбеклаштириш бўйича ички комиссия фаолияти ва курсларга ишчиларнинг қатнашимунтазам назоратга олинмаган<sup>27</sup>.

Юқорида кўрсатилган камчиликлардан келиб чиқиб, ўзбеклаштириш бўйича комиссия «Ўзбекистон ССР муассасаларининг мутасадди ходимлари ҳукуматнинг «ўзбек тилини ўрганиш мажбурияти тўғрисида»ги буйруғини хавф остига қўймоқда ва шунингдек, курс тингловчилари томонидан белгиланган муддатда машғулот дарсларини ўзлаштиришга тўсқинлик қилмоқда»<sup>28</sup> деб қарор қилган.

Европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун уларнинг маошига устамалар тўлаш жорий қилинган эди. Бироқ, европа миллатига мансуб ходимлар маҳаллий тилларни ўрганишни эътиборсиз қолдирдилар. 1929 йил 10 январда Ўрта Осиё Давлат университетининг европа миллатига мансуб ходимларини ўзбек тилини ўрганиш даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбир натижалари қуйидагича эди: рўйхатда биринчи ўринда Марковин — миллати рус, даражаси профессор, иккинчи ўринда А.С. Ильин — миллати рус, катта ўқитувчи, учинчи ўринда Елкин — миллати рус, ассистент лавозимида фаолият юритаётган ходимлар ўзбек тилида гаплашишни, ўқишни,

<sup>26</sup> «Правда Востока». 7 октября 1928 г.

<sup>27</sup> «Узбекистанская правда». 27 февраля 1929 г. № 5.

<sup>28</sup> Уш а ж о й д а.



ёзишни ҳамда янги лотин алифбосини билиши сўралганда мутлақо йўқ деб жавоб қайтарган<sup>29</sup>. Ваҳоланки улар ўзбек тилини ўрганиш учун маошларига устама ҳақ олиб рағбатлантирилган эди. Русийзабон аҳоли, айниқса, мактаб ўқитувчилари ва талабаларнинг ўзлари яшаб турган республика тилини ўрганиши расман шарт қилиб қўйилган бўлса-да, лекин бунга амал қилинмади.

1928 йил 31 майда Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқарма (ОГПУ) томонидан Бутун иттифоқ Коммунистлар (большевиклар) Партияси Марказий Комитетига юборилган Ўзбекистондаги сиёсий кайфият тўғрисида маълумотлар берилган «Ўзбек интеллегенцияси орасида шовинизмнинг ривожланиши ва ўсиши ҳақидаги агентуранинг ҳужжатли маълумотлари» номли ҳисоботида маҳаллийлаштириш, панўзбекизм, антисовет тарғиботи ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Бунда миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиққан ватандошларимизнинг маҳаллийлаштириш сиёсатининг бир ёклама олиб борилаётганлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган. Жумладан, Мунаввар Қори Абдурашидхонов: «Европаликларнинг ўзлари маҳаллийлаштириш ғоясини ўзлари инкор қилишади: маҳаллий ходимларни лавозимларга тайинлашади, лекин «мос эмас» деб уларни тез ҳайдашади, миллий кадрларни тайёрлашмайди. Билимли инсонлар «идеология» сабабли четлаштирилади, русларга эса ҳеч қанақа тўсиқ қўйишмайди»<sup>30</sup>.

Ушбу ҳисобот материалларида маҳаллийлаштириш масаласига миллий матбуотнинг муносабати ҳам ўрганилган. Жумладан, «Муштум» журналида келтирилган мақолада шундай дейилган: «Ўзбек давлат киносида бор-йўғи 1та қорувул ўзбек. Гарчи маҳаллийлаштириш фавқулодда масала бўлса ҳам лекин унга интилсанг миллатчилик айбини оласан»<sup>31</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аппаратни «миллийлаштириш» жараёнида унинг мазмуни бирмунча ўзгартирилганди, бунда асосий эътибор маҳаллий аҳолини давлат бошқарувиغا жалб қилиш эмас, балки, фақат давлат аппаратини аҳолига яқинлаштиришга қаратилди. Бунинг учун давлат муассасаларидаги европа миллатига мансуб ходимлар учун ўзбек тилини ўрганиш тизими ишлаб чиқилди. Аммо, маҳаллий миллат вакилларидан ходимлар тайёрлаш ва уларни марказий округ ташкилотлари ва муассасаларига жалб этиш масалалари аста-секин республика раҳбариятининг диққат-эътиборидан четда қолди. Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги ўзбеклаштириш Марказий комиссиясининг 1930 йил 1 октябргача бўлган маълумотларига қараганда, ЎзССР МИҚда ишлаётган 97 кишидан фақат 43 нафар маҳаллий миллат вакиллари эди; ЎзССР ХКСдаги 75 ходимдан 21 нафари, Саноат халқ комиссарлигидаги 63 ходимдан 5 нафари, Адлия халқ комиссарлигидаги 51 кишидан 5 нафари маҳаллий миллат вакилла-

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5150-иш, 69-варақ.

<sup>30</sup> ЦК РКП (б) — ВКП (б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918—1933 гг. Сборник документов. Москва.: РОССПЭН, 2005. 575-б.

<sup>31</sup> Ўша жойда. 577-б.

ри эди, холос. Республика Давлат режа кўмитасида эса 50 кишидан иборат умумий ходимлар орасида бирорта ҳам маҳаллий аҳоли вакили бўлмаган<sup>32</sup>.

Миллий республикаларда олиб борилган маҳаллийлаштириш сиёсати хусусида мухожирликда яшаган ватандошларимиз Ўрта Осиё республикаларида нашр этилган матбуот материаллари орқали танишиб, ўзларининг муносабатини билдирганлар. Жумладан, «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1930 йил 21 ноябрь соҳнида В.Д. имзоси билан ёзилган мақоладан баъзи маълумотларни Парижда нашр этилган «Ёш Туркистон» журналида келтириб ўтганлар. Бунда Мирзачўл туманининг турли муассасаларида фаолият юритаётган ходимларнинг таркиби келтириб ўтилган. «Район ижрокўм ҳайъатида 7 рус, бир ўзбек, район ер шўъбасида 2 рус, бир ўзбек, район маориф шаҳар шўроси ва ёрдам кўмиталарида 6 рус, 2 ўзбек, район қарз ширкатида 8 рус бир «майда миллат», район пахта ширкатида 21 рус, бир «майда миллат», район ёшлар кўмитасида 6 рус, 1 ўзбек, район матбуотида 8 рус, 1 ўзбек; 57, 58, 59 — пахта фабрикасида 99 рус, бир ўзбек ишлайди. Шу билан биргаликда маҳаллий миллатга мансуб ходимлар жалб этилмаган муассасалар ҳам келтириб ўтилган: «Район фирқа кўмитасида 9, район ўзбектуркида (Ўзбекистон давлат тижорат шўроси) 11, ҳайвонот асраш ширкатида 9, район милициясида 13, район почтахонасида 14, район касблар шўросида 44 киши, уруқ хўжалигида 200, район соғлиқни сақлаш шўъбаси ва амбулатория 200, сув хўжалик идорасида 200 хизматчи орасида бирорта ҳам туб миллатга мансуб ишчи бўлмаган»<sup>33</sup>. Бунинг устига юқоридаги идораларда ишловчиларнинг деярли ҳаммаси ерлик халқ тилини билмаганлиги, маҳаллий аҳоли учун қийинчиликлар туғдирган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш юзасидан олиб борилган қатор тадбирлар самарасиз кетди. Давлат аппаратининг барча бўғинларида маҳаллий миллат вакилларида етарли миқдорда миллий кадрлар тайёрланмади. Давлат ташкилотлари, корхоналар ва муассасаларда раҳбар лавозимларида аввалгидек, асосан европа миллатига мансуб ходимлар ўтирар, шу сабабдан иш юритиш ишлари ҳам рус тилида олиб бориларди. Раҳбарлик лавозимларига энг аввало, уларнинг рус тилини билишлари ҳисобга олиниб тавсия қилинарди. Ўз она тилини яхши билувчи, бироқ етарли даражада рус тилини эгаллай олмаган тажрибали, иқтидорли миллий кадрлар кейинги ўринда қолдирилди. Бу ҳолат совет ҳокимиятининг нафақат дастлабки ўн йилликларига, балки сўнги йилларигача бошқарувга хос хусусият бўлиб қолди.

<sup>32</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. Тошкент: Шарқ, 2000. 402–403-б.

<sup>33</sup> «Шарқ ҳақиқати» газетасида «Миллий сиёсат» ҳақида // *Yas Turkestan*. Нашра тайёрловчи Ayaz Tahir. 1-cild (1–13 sayilar). Istanbul. 1997. 27–30-б.

*О. РАШИДОВ*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ БОШҚАРУВИ СТРУКТУРАСИДАГИ КАДРЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсатининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Мақолани илмий ва назарий ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг баъзи фондларида сақланаётган ҳужжатлар ҳамда даврий матбуот материаллари саналган «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Узбекистанская правда» ва «Правда Востока» газеталарининг маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

*Калит сўзлар:* большевик, маҳаллийлаштириш, ерлилаштириш, ўзбеклаштириш, совет, маҳаллий тиллар, тажрибачилар, коммунист, миллатчилик, инқилоб, Марказ, миллий сиёсат.

*О. РАШИДОВ*

### **НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИКИ КОРЕНИЗАЦИИ КАДРОВ СТРУКТУРЫ УПРАВЛЕНИЯ СОВЕТСКОГО УЗБЕКИСТАНА**

В статье рассмотрены некоторые особенности политики коренизации кадров управления советского Узбекистана. Основным материалом для освещения научных и теоретических аспектов послужили документы, хранящиеся в фондах Центрального государственного архива Республики Узбекистан, а также материалы периодической печати — газет «Туркестан», «Красный Узбекистан», «Правда Востока», «Узбекистанская правда».

*О. RASHIDOV*

### **SOME FEATURES OF POLICY OF INDIGENIZATION OF STRUCTURE OF MANAGEMENT OF THE SOVIET UZBEKISTAN**

In this article some features of policy of indigenization of management of the Soviet Uzbekistan are considered. As the main material for illumination of scientific and theoretical aspects of this article the documents which are stored in funds of the Central Archive Office of the Republic of Uzbekistan and also periodicals materials, in particular, of such editions as the newspapers «Turkestan», «Red Uzbekistan», «Uzbekistan Truth», «East Truth» served.

А. ЕРМЕТОВ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (1924–1930 ЙИЛЛАР)

1924 йил охирларида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши ва Ўзбекистон ССР ташкил этилиши натижасида ўлкада фаолият юритган ички ишлар органларининг худудий ва таркибий тузилишида ҳам баъзи ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 1924 йил 14 декабрда Ўзбекистон ССР милицияси бошлигининг 16-сонли буйруғи эълон қилинди. Буйруқда «Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари худудида фаолият юритган ички ишлар органлари Ўзбекистон ССР милицияси тасарруфига ўтказилгани кўрсатилган бўлиб, эндиликда милиция органларининг таркиби бутунлай қайта кўриб чиқирилиши, ходимларнинг милиция сафида хизмат қилиш қоидалари, жамиятда тартиб-интизомни таъминлаш борасида тегишли курслар ташкил этиш, шунингдек, ташкилотда мустаҳкам тизимли тартиб ўрнатиш зарурлиги» белгилаб берилди<sup>1</sup>. Туркистон АССР ИИХКга тегишли ҳуқуқий нормативлар, Низомлар, юқоридан чиқарилган қарор, фармойиш ва кўрсатмалар асосида белгиланган ваколат ҳамда вазифалар ўзаро мувофиқлаштирилди<sup>2</sup>. Натижада милиция ва жиноят қидирув бўлимларининг фаолияти устидан умумий назорат қилиш Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигига юклатилди. Шундай бўлгани ҳолда, Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан қабул қилинган қарорда Туркистон АССР ИИХ комиссари, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари халқ нозирлари вақтинча ўз ўрнида қолдирилди. Ўзбекистон ССРда ташкил этилган «Милиция ва жиноят қидирув» бўлимига 7 та вилоят, битта туман шаҳар (Тошкентнинг эски шаҳрида), 13 та туман бўлинмаси ва Самарқанд вилоятининг вокзал олди бўлинмаси бўйсунар эди<sup>3</sup>.

Қайта ташкил этилган ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ИИХК томонидан 1925 йил 1 декабрда «Ўзбекистон ССР Совет Ишчи-деҳқон милицияси ҳақида Низом»<sup>4</sup> қабул қилинади. Жумладан, унинг 1-бандида: «Ўзбекистон ССР Совет Ишчи-деҳқон милицияси марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг ижро этувчи органи бўлиб, улар томонидан инқилобий тартибни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан эълон қилинган қарор, буйруқ ҳамда фармойишларни ҳаётга татбиқ этади» деб кўрсатилган. Умуман олганда, бу даврда милицияга юклатилган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлган: инқилобий тартибни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш; юқоридан чиқарилган қонун,

<sup>1</sup> Андижон ВДА. 46-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 75–76-варақлар.

<sup>2</sup> ЎзРПДА. 58-фонд. 1-рўйхат, 774-иш, 163–164-варақлар.

<sup>3</sup> Халқ хизматида 75 йил. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 48 б.

<sup>4</sup> ЎзРИИВА, 76-фонд. 1-рўйхат, 915-иш, 31–37-варақлар.

қарор, фармойиш ва декретларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш; қамоқ-хоналарни қўриқлаш; жиноятга қарши курашиш; аҳоли пунктларидаги санитар ҳолатни назорат қилиш; аҳолига паспорт бериш, почта орқали юборилган посылка ва пулли хатларни олишга доир тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўқотилган ҳужжатларни қайта тиклаш; маъмурий жарималар ундириш; қишлоқ хўжалигини назорат қилиш; қорамолларнинг сонини текшириб туриш<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, милиция қўидаги бир қанча комиссарлик ва ташкилотларга ёрдам бериб турган: Ер ишлари халқ комиссарлигига ўрмонларни қўриқлаш, овчилик ва балиқчилик қоидаларини бузилмасликни назорат қилишда; Молия халқ комиссарлигига солиқ йиғиш ва акциз қоидалари бузилиш ҳолатларини текширишда<sup>6</sup>; Ташқи савдо халқ комиссарлигига божхона ишларида; Адлия халқ комиссарлигига фуқаролар иши бўйича суд чиқарган ҳукм ижросини таъминлашда, судга чақириш ва чақирув қоғозларини топшириш, суд белгилаган жаримани ундириш ҳамда суд ҳукмига биноан яшаш таъқиқланган ҳудудларни назорат қилишда.

Жамиятдаги жиноятчиликни олдини олиш ва камайтириш ишларини жадаллаштириш жараёнида Ўзбекистон ССР МИК Президиуми томонидан қабул қилинган қарорда (1925 йил июль) «Темир йўл йўналишларида содир этилаётган ўғрилик (айрим ҳолларда бир кечада 15 та ва ундан ортиқ)<sup>7</sup>, талончилик ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашиш»<sup>8</sup> вазифаси ҳам милиция ходимларига юклатилди. Маълумки, баъзи ҳудудларда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга қарши қуролли бош кўтаришлар рўй берган. Бу масала Ўзбекистон ССР ИИХК йиғилишида (1925 йил 1 декабрь) муҳокама этилганда «Босмачи гуруҳлар ҳаракати тўғрисида (уларнинг сони, қурол-яроғи, фаолият юритаётган жойи) ойда 2 марта тегишли ваколатли идораларга тезкор ахборотлар топшириб туриш», чекка вилоятларда уларга қарши курашиш<sup>9</sup> каби қўшимча вазифалар юклатилди.

1926 йил 23 сентябрда Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан жиноят қидирув ва милиция органлари фаолияти самандорлигини ошириш ҳақида қарор қабул қилинди. Унда «Барча вилоят маъмурий бўлим бошлиқларига жиноят қидирув ва милиция бўлимларини бирлаштириб, унга милиция бўлими бошлиғини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, милиция бошлиғига 1 октябрдан (1926 йил назарда тутилмоқда) вилоят жиноят қидирув бўлими, Ишчи-деҳқон инспекцияси ва Давлат сиёсий бошқармаси бошлиқлари иштирокида (махсус комиссия) барча жиноий ишлар ва бошқа мол-мулкни қабул қилиб олиш ва битта бинога жойлаштириш» вазифаси юклатилди<sup>10</sup>.

<sup>5</sup> Еропкина М. Развитие органов милиции в Советском государстве. Москва, 1967. 44 б.

<sup>6</sup> ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 18с-иш, 7-варақ.

<sup>7</sup> ЎзРПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 184-иш, 16-варақ.

<sup>8</sup> ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 2с-иш, 3–5-варақлар.

<sup>9</sup> ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3192-иш, 478-варақ.

<sup>10</sup> Андижон ВДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 79-варақ.

Мазкур буйруқнинг 2-бандида вилоятларга тайинланган милиция бошлиқларининг рўйхати ҳам келтирилган бўлиб, Самарқанд вилоятига — Саломбоев, Тошкент вилоятига — Аксен, Фарғона вилоятига — Алим-Ходжаев, Зарафшон вилоятига — Рахимов, Қашқадарё вилоятига — Мусадяров, Сурхондарё вилоятига — Рахим-Баев, Хоразм вилоятига — Карпов, Кенимех районига — Висловлар тайинланган. Шу тариқа республика миқёсида ички ишлар органлари қайта ташкил этилиши жараёнида вилоят милиция бошлиқлари лавозими ҳам янги кадрларга алмаштирилди.

Гарчи ички ишлар идораларини қайта ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш масаласида тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, 1925–26 йиллар ўлкамизнинг баъзи ҳудудларида уларни амалга татбиқ этишда бир қатор муаммоларга дуч келингани архив ҳужжатларида келтирилган<sup>11</sup>. Хусусан, энг муҳим вазифа — тартиб-интизомни мустақкамлаш ва жиноятнинг олдини олишда жиноят қидирув бўлимларида кадрлар танқислиги (Фарғона вилояти, Хоразм вилояти<sup>12</sup>, Қашқадарё вилояти<sup>13</sup> ва б.), айрим районларда битта ҳам жиноят қидирув инспектори бўлмагани, ижтимоий таъминотдаги узилишлар<sup>14</sup>, зарур ҳаражатларга маблағ етишмаслиги (алоқа ўрнатишда почта-телеграфдан фойдаланиш учун ва б.), бўлимлар ҳатто бўш бланкалар билан таъминланмагани, вилоятларда паспорт столию, манзил бюроларининг (шунингдек, улар фаолиятига оид йўриқномалар ишлаб чиқилмагани) йўқлиги<sup>15</sup> ва бошқа ташкилий масалалар билан изоҳланади<sup>16</sup>. Бунинг оқибатида республиканинг айрим вилоятларида (Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич жуда паст) жиноятларни фош этиш даражаси 38 фоизгача<sup>17</sup> тушиб кетган. Кўқон шаҳрида эса фуқаролар аризаларини рўйхатга олиш дафтаридида қайд этилган 64 жиноий ишдан бор-йўғи 7 таси фош этилгани Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига Фарғона вилоят прокурори томонидан топширилган ҳисоботда келтирилган<sup>18</sup>.

Бу даврда милиция органларига юклатилган вазифалар кўлами доимий равишда кенгайиб борган. Ички ишлар идораларининг солиқ органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти Ўзбекистон ССР ИИХК (Мавлонбеков) ва Молия Халқ Комиссарлари (Пўлатов) томонидан 1926 йил 27 ноябрда тасдиқланган «Милиция органларининг солиқ назорати органларига ёрдам бериш мажбуриятлари тўғрисидаги қоидалар»да<sup>19</sup> белгилаб берилди. Мазкур қоида 8 банддан иборат бўлиб, унда милиция органларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилди: «солиқ инспекторлари билан бирга Халқ хўжалиги ташкилотлари ва солиққа

<sup>11</sup> ЎзР МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 2151-иш, 382–385-варақлар.

<sup>12</sup> ЎзР МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 3192-иш, 478-варақ.

<sup>13</sup> Фарғона ВДА. 328-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 3-варақ.

<sup>14</sup> ЎзР МДА. 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 152–153-варақлар.

<sup>15</sup> ЎзР МДА. 1708-фонд, 2-рўйхат, 20-иш, 68-варақ.

<sup>16</sup> Фарғона ВДА. 328-фонд, 1-рўйхат, 105-иш, 4–6-варақлар.

<sup>17</sup> Фарғона ВДА. 328-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 5–6-варақлар.

<sup>18</sup> ЎзР МДА. 904-фонд, 8-рўйхат, 27-иш, 59-варақ.

<sup>19</sup> ЎзР МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 3239-иш, 33-варақ.

тортилган бошқа ташкилот ҳамда муассасаларда (савдо шохобчалари, маиший хизмат тармоқлари каби) патентларни текшириш ва тафтиш ўтказишда иштирок этиш (кузатиб бориш), милиция ходимлари томонидан аниқланган солиқ тизимининг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар ҳақида солиқ инспекторларини хабардор қилиш, солиқ инспекторининг ёзма талабига асосан белгиланган талабларни бажармаган саноат корхоналари, савдо-сотик шохобчалари ва солиққа тортилган бошқа тегишли ташкилотларни ёпиш ва улар устидан назорат ўрнатиш (бу жараёнда белгиланган тартибда баённома тузиб, солиқ инспектори хабардор қилинади), ташкилотлар солиқ билан боғлиқ муаммолар ҳал этилгани тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этгач, уларнинг кейинги фаолиятига рухсат бериш, тафтиш жараёнида солиқ инспекторлари томонидан ноқонуний маҳсулотлар мусодара қилинишида қатнашиш, зарур ҳолларда уларни вақтинча сақлаш учун қабул қилиш»<sup>20</sup> ва бошқалар.

1926 йили аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида ички ишлар органлари ходимлари ҳам бевосита қатнашган. Жумладан, Ўзбекистон ИИХК томонидан (7.12.1926 йил) барча вилоят милиция бошқармаларига «17 декабрда ўтказилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида иштирок этиш зарурлиги»<sup>21</sup> буюрилиб, бунда жамоат жойларида тартиб-интизомни кучайтириш, аҳоли рўйхатга олинган жойларни (клублар, қизил чойхоналар ва б.) ташкил этиш ва рўйхат маълумотномаларини қўриқлаш вазифалари топширилган.

1926 йил 12 декабрда Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан «Ўзбекистон худудида яшаётган чет элликларни қайта рўйхатга олиш тўғрисида»<sup>22</sup> қарор эълон қилинди. Унга кўра, республика миқёсида ҳар бир вилоят, округ, шаҳар, район ички ишлар идоралари, шунингдек, худудлардаги тегишли милиция бўлимларига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди. Натижада Ўзбекистон ССР худудида (1928 йил 1 январь ҳолатида топширилган ҳисоботда келтирилшича) 3548 нафар хорижлик (ёки ўзларини хорижлик деб ҳисоблайдиган) яшаётгани аниқланди. Маълумотларда улардан энг кўпи - 1505 нафари форс, 594 афгон, 438 нафари хитой экани кўрсатилган<sup>23</sup>. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳам чет элга чиқиш, хорижликларнинг иттифоқ худудига кириши, уларни рўйхатга олиш ва бу жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиндики<sup>24</sup>, унинг ижросини таъминланишида ҳам ички ишлар идоралари фаол иштирок этди<sup>25</sup>.

<sup>20</sup> ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3239-иш, 33-33-варақнинг орқаси.

<sup>21</sup> Андижон ВДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 79-варақ.

<sup>22</sup> ЎзР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 5-варақ.

<sup>23</sup> ЎзР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 4-варақ.

<sup>24</sup> 1927 йил 27 апрелда «Чет элликларни СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида», 1927 йил 4 июлда «СССР фуқароларини чет элга чиқиши учун паспортлар ва чет эл фуқароларига давлатга кириш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги» йўриқномалар қабул қилинди.

<sup>25</sup> ЎзР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 8-варақ.





хузурида фаолият юритадиган Марказий маъмурий бошқарма тузиш, ИИХКга юклатилган айрим вазифаларни бошқа комиссарлик, бошқарма ва худудий ижроия комитетларига ўтказиш керак»лиги кўрсатилди. Комиссия ишлаб чиққан таклифларни Ўзбекистон ССР ХКС 1927 йил 16 апрелда тасдиқлади. Натижада Ўзбекистон ССР ХКС хузурида Марказий маъмурий бошқарма таъсис этилиб, у қуйидаги<sup>35</sup>:

- 1) Марказий маъмурий бошқарма бошлиғи;
- 2) бошлиқ ўринбосари;
- 3) маъмурий назорат ва ФХДЁ бўлими;
- 4) қамоқхоналар инспектори;
- 5) милиция инспектори;
- 6) жиноят қидирув инспектори;
- 7) дактолоскопик — рўйхат бюроси бошлиғи;
- 8) марказий маъмурий бошқарма котиби;
- 9) 2 нафар статистдан ташкил топган, жами, 10 та штатдан иборат структурага эга бўлди .

Шу тариха, 1927 йил майда Ўзбекистон ССРда ИИХК тугатилиб, унинг базасида жамоат тартибини сақлаш, жиноятни олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа масалалар билан шугулланувчи Ўзбекистон ССР ХКС хузуридаги Марказий маъмурий бошқарма фаолият бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташкилотларда амалга оширилган бундай ўзгаришлар давлат бюджети сарф-ҳаражатларини тежашга қаратилган тадбир сифатида изоҳланиб, тегишли ҳисоб-китоблар ўша давр ҳужжатларида кўрсатилган<sup>36</sup>. Маълумотларга кўра, Марказий маъмурий бошқарма таклифига биноан республиканинг айрим жойларида (асосан чегара худудларида жиний ун-сурларнинг фаоллашуви ва вазиятнинг кескинлашуви оқибатида) кўнгилли милиция отрядлари ташкил этилиб, Ўзбекистон ССР ХКС томонидан уларга маблағ ажратиладиган бўлди<sup>37</sup>.

1927 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР МИК ва ХКС томонидан «ХКС хузуридаги Марказий маъмурий бошқарманинг вазифа ва ваколатлари тўғрисида»<sup>38</sup> ги қарори қабул қилинди. Унда мазкур бошқармага қуйидаги вазифа ва ваколатлар берилди: марказий ва вилоятлардаги ҳокимият органлари томонидан юқори давлат ташкилотларининг буйруқ, қарор, фармон ва фармойишлари ижроси таъминланишини назорат қилиш; маъмурий характерга эга бўлган масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Давлат сиёсий бошқармаси ва МИК Прези-

<sup>35</sup> ЎЗР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 148-варақ.

<sup>36</sup> ЎЗР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 149-варақ. Ҳужжатда (таққослаш учун) 1926–1927 бюджет йилида Ўзбекистон ССР ИИХКга сарф-ҳаражатлар учун 158 614 рубль ажратилган бўлса, Ўзбекистон ССР ХКС хузуридаги Марказий маъмурий бошқармаси ички апаратига 55 083 рубль ажратилгани кўрсатилган.

<sup>37</sup> ЎЗР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 164-варақ.

<sup>38</sup> ЎЗР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 156-варақ.

диумига таклифлар киритиш; маҳаллий ҳокимият органларининг жамоат тартибидини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, фуқаролар никоҳини қайд этиш ишларини назорат қилиш ва бошқалар. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимият органларидан, давлат ташкилотлари раҳбарлари, милиция органлари ҳамда жиноят қидирув бўлимлари бошлиқлари ва бошқалар), округ, шаҳар, район милиция раҳбарлари, ҳатто Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро сингари шаҳарларнинг милиция бошлиқлари, шунингдек, қамоқхона ва ахлоқ тузатиш колониялари инспекторларини тайинлаш каби ваколатларга эга бўлган<sup>39</sup>.

Низомнинг IV бандида қайд этилишича, «ХКС хузуридаги Марказий маъмурий бошқарманинг милиция ва жиноят қидирув инспекцияси республикадаги ички ишлар идоралари устидан умумий назорат юритиш, жамиятда тартиб-интизом ўрнатиш, милиция органларининг жиноятга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш, фуқароларнинг шахсий мулкани қўриқлаш, милиция ва жиноят қидирув бўлимлари фаолияти юзасидан Давлат сиёсий бошқармасига белгиланган тартибда ҳисобот топшириш, чекка ҳудудларда ҳам маҳкама милиция бўлимларини тузиш ва назорат қилиш, республика миқёсида ички ишлар идораларига қарашли ўқув юртларини назорат қилиш ва бошқа ишларни олиб боради»<sup>40</sup>.

Бироқ бу қайта қуриш узоқ давом этмади, 1928 йилнинг октябрь ойида Ички ишлар халқ комиссарлиги қайта ташкил қилинган бўлса<sup>41</sup>, БМИК ва ХКС чиқарган қарорга мувофиқ 1930 йил 31 декабрда ИИХК фаолияти яна тўхтатилди. Бу ўзгаришлар натижасида милиция бошқармаси мавжуд штати билан ХКС тасарруфига ўтказилди, вилоят, шаҳар ва туманлардаги милиция бўлимлари тегишли ҳудуд ижроия комитетларига бўйсундирилди.

1931 йил 25 майда биринчи марта СССР ХКС томонидан Ишчи-деҳқон милицияси ҳақида Низом ишлаб чиқилиб тасдиқланди<sup>42</sup>. Ушбу Низомнинг саккизинчи бандига асосан<sup>43</sup>, Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1932 йил 3 апрелда ўтказилган йиғилишида «Ўзбекистон ССР ХКС хузуридаги Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси тўғрисидаги Низом»<sup>44</sup> тасдиқланди ва шу кундан амалга татбиқ этила бошлади. Ушбу низом умумий талаблар, Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасининг вазифа ҳамда ҳуқуқлари сингари уч бўлимдан иборат бўлган. Умумий талабларда «Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси жамоат тарти-

<sup>39</sup> ЎзР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 157-158-варақлар.

<sup>40</sup> ЎзР МДА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 160-161-варақлар.

<sup>41</sup> Жалилов Т., Ҳолимов Р. Совет Ўзбекистони милицияси. Тошкент: Ўзбекистон, 1983. 14 б.

<sup>42</sup> Сборник законов 1931 г. № 33, ст. 247. Советская милиция: история и современность (1917–1987). Москва: Юридическая литература, 1987. 141 б.

<sup>43</sup> Сборник законов 1931 г. № 33, ст. 247.

<sup>44</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 10-рўйхат, 38-иш, 129-варақ.

бини сақлаш ва инқилобий ҳукуматни ҳимоялаш ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи, шахсий хавфсизлиги, мулкӣ дахлсизлигини муҳофаза этишда милиция органларига раҳбарлик қилади» деб кўрсатилган<sup>45</sup>.

Низомда ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасига қуйидаги вазифалар юклатилган: милиция органларини ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш; белгиланган тартибда ишчи-деҳқон милицияси структураси ва штатларини тасдиқлаш; ишчи-деҳқон милицияси сиёсий аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш; маҳкама милиция бўлимлари фаолиятини бошқариш, давлат ташкилотлари, саноат корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан қўриқлаш хизмати хусусида шартнома тузиш ва унинг ижросини таъминлаш; кўнгилли милиция отрядларини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.

Ҳужжатда жиноятга қарши курашиш масаласида ҳам ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасига баъзи вазифалар топширилган: жиноят содир этилиши сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш; жиноятларни бартараф этиш борасида амалий чора-тадбирлар кўриш; жиноятга қарши курашиш борасида илмий-техник усуллар ишлаб чиқиш, экспертиза ўтказиш ва бошқалар.

Ички ишлар идораларининг кадрлари билан боғлиқ масалаларда ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасига қуйидаги вазифалар юкланган: милиция органлари кадрларини танлаш, тақсимлаш ва улар фаолиятини назорат қилиш; милиция шахсий таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун режалар ишлаб чиқиш; милиция бош бошқармаси ва вилоят милиция органлари тасарруфида бўлган ўқув масканларини кадрлар билан таъминлаш; ўқув юртлари фаолиятини методик дастурларда белгиланган тартибда бошқариш; ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқиш<sup>46</sup>.

1932 йил 27 декабрда СССР МИК ва ХКСнинг 1918-сонли фармойишига асосан, Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) ҳузурида Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси тузилди<sup>47</sup>. 1934 йилда 10 июлда эса ИИХК қайта ташкил этилиб, Милиция Бош бошқармаси унга бўйсундирилди<sup>48</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкада миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг ички ишлар органларини ягона бошқарувга бирлаштирган ИИХК тузилиб, уларнинг вазифа ва ваколатлари белгилаб берилди. Бу жараёнда жиноят қидирув бўлими милиция таркибига қўшиб юборилди ва вилоятлардаги милиция ходимларининг таркибий тузилишида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди (барча вилоятларнинг бошлиқлари қайта тайинланди). Тадқиқ этилаётган йиллардаги хусусиятлардан яна бири, милиция органлари бошқарув тизимида ҳам ўзгаришлар юз берди, жумладан, унинг фаолияти аввал Марказий маъму-

<sup>45</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 10-рўйхат, 1086-иш, 30-варақ.

<sup>46</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 10-рўйхат, 38-иш, 131-варақ.

<sup>47</sup> Лубянка: Органы ВЧК-ОГПУ-НКВД-НКГБ-МГБ-МВД-КГБ. 1917–1991. Справочник. Под. ред. акад. Яковлева А.Н. Москва: МФД, 2003. 56 б.

<sup>48</sup> Петров Н.В., Скоркин К.В. Кто руководил НКВД в 1934–1941. Справочник. Москва, 1999. 3–4-б.

рий бошқармага, сўнг ХКС ва Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасига бўйсундирилди. Ундан кейин яна ИИХК таркибида фаолият юритди. Бу даврда совет милицияси фаолиятига оид муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Ўзбекистон ССР Совет Ишчи-деҳқон милицияси ҳақида» (1925 йил декабрь) ва «Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси тўғрисидаги» низомлар қабул қилиниб, амалга жорий этилди. Совет давлати томонидан олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар негизда милиция ва жиноят қидирув бўлимларига юклатилган вазифалар ҳам доимий равишда ўзгариб борди.

*А. ЕРМЕТОВ*

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (1924–1930 ЙИЛЛАР)

Мақолада бирламчи архив манбалари асосида 1924-1930 йилларда Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг ташкил этилиши, уларга юклатилган вазифа ва ваколатлар тадқиқ этилган. Шунингдек, бу даврда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар негизда милиция органларининг вазифалари ўзгариб турганлиги таҳлил этилган

*Калит сўзлар:* республика, ташкилот, тузум, тизим, бошқарув, ИИХК, милиция, ҳужжат, низом, буйруқ, қонун, ҳуқуқ, ҳудуд, фуқаро, хавфсизлик, назорат, жиноят, ходим.

*А. ЕРМЕТОВ*

### ИЗ ИСТОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ УЗБЕКИСТАНА (1924–1930 гг.)

В статье на основе первичных архивных материалов исследована история формирования органов внутренних дел Узбекистана, их задачи и полномочия в 1924–1930 гг. Проанализированы изменения в текущей деятельности органов милиции, связанные с социально-экономическими и политическими процессами в рассматриваемый период.

*А. ЕРМЕТОВ*

### FROM THE HISTORY OF FORMATION AND ACTIVITY OF BODIES OF INTERNAL AFFAIRS IN UZBEKISTAN IN 1924 AND 1930 YEARS

In this paper investigated the recreation of the police, the tasks entrusted them and their power in the 1924–1930 years. Moreover, analyzes the changes in tasks of internal Affairs bodies based on socio-economic and political processes during the period under review.

## Х. БАБАДЖАНОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА  
ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласида узулишлар ва қийинчиликлар пайдо бўлди. Аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут билан таъминлаш айниқса жиддий ёмонлашди. Аҳолини ушбу оқсилга бой маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш бевосита республикадаги чорвачилик ҳолатига боғлиқ эди. Уруш йилларида қишлоқ хўжалигининг муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири чорвачилик ҳолати ҳам кескин ёмонлашди. Бундан аввал, XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон чорвачилиги жамоалаштириш ва қулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашди. Уруш йилларида республика аҳолисини гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут билан таъминлашда пайдо бўлган муаммоларни асосий сабаблари қуйидагилар эди:

Биринчидан, чорвачилик тизими Ўзбекистон аҳолиси билан бир қаторда ҳаракатдаги армияни гўшт билан таъминлашга ҳам сафарбар этилди. 1942 йил 23 ноябрда Қизил армия гўшт фонди тузилиб, Ўзбекистон учун унинг миқдори 7000 тоннани ташкил этди<sup>1</sup>. Фронтни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тузилган фондлар армия таъминотини бирмунча яхшиласа-да, аҳоли таъминотига салбий таъсир кўрсатди.

Асосий фондлардан ташқари Ўзбекистонда маълум бир юбилей муносабати билан вақтинчалик фондлар ҳам ташкил этилди. Қизил Армия тузилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган фондга Фарғона вилоятининг ўзидан 600 та қўй, 112 та қорамол, 1152 товуқ ва ўрдак, 40 тонна қуритилган мева, 17 тонна гуруч, 1224 кг ёнғоқ ва бодом, 1272 кг анор, 11000 литр вино, 17 тонна мева ва сабзавотлар, 500 минг сўм ва 1 вагон шахсий посылкалар совға сифатида топширилди<sup>2</sup>.

Иккинчидан, чорвачилик ривожланиш учун асос бўлган озуқа базаси етарли ғамланмади. Ем-ҳашак ва озуқанинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари вазнда ортда қолиб кетдилар. 1942 йилда республика бўйича гўштга топширилган 45% чорва моллари етарли вазнга эга эмас эди<sup>3</sup>. Бу ҳолатдан яна икки муаммо келиб чиқарди. Яъни, етарли вазнга эга бўлмаган чорва моли гўшти сифати қониқарсиз эди. Давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 минг чорва молини қўшимча топширишга тўғри келди. Вазият оғирлигидан гўштга бузоқли сигирлар ҳам топшириб юборилди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3253-йиғмажилд, 34-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3522-йиғмажилд, 29-варақ.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 153-варақ.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 153-варақ.

Уруш йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг механизациялашиш даражаси секин-аста ўрта асрлар даражасига яқинлашиб борди. Қишлоқ хўжалигида уй хайвонлари кенг фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини пасайтирди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланаб келинган уй хайвонлари республика бўйича ем-ҳашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озуқавий емлар учун рақобат қилди.

Учинчидан, Ўзбекистондан озод этилган ҳудудларга чорва молларининг юборилиши бўлди. Масалан, 1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача эса Ўзбекистондан Украинанинг озод этилган ҳудудларига 3 636,7 центнер дон, 1 075 бош йирик қорамол, 7 989 бош қўй ва эчкилар, 295 центнер сабзавотлар, 1 975 центнер қуритилган мевалар, 34,5 центнер гўшт ва ёғ ҳамда 1 018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди<sup>5</sup>. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 минг бош чорва юборилди<sup>6</sup>. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, шу йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги чорвачиликка эмас, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган эди.

Республика чорвачилигидаги муаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди. 1942 йилда Ўзбекистон қоракўлчилигида фавқулодда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик совхозларида ем-ҳашак етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик совхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10–15 фоиздан ошиб кетди. Жумладан, «Томди» ва «Жангельди» совхозларида 500 тадан, «Чорвадор» ва «Муборак» совхозларининг ҳар бирида 2 000 мингдан ортиқ чорва нобуд бўлди<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ишчи ва хизматчилар ҳам иштирок этдилар. Озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик қисман енгиллаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, ўз ошхоналарини мустақил равишда сабзавот-полиз, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилдилар. Ишчи ва ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлдириш мақсадиди индивидуал томорқа хўжаликлари юритдилар.

Томорқа хўжаликлари фақатгина қорамолчиликда ёки қўйчиликда эмас, паррандачиликда ҳам ташкил этилди. Масалан, 1942 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг қарори билан шоли экувчи колхозлар ва очиқ сув ҳавзаларига эга корхоналарда ўрдак етиштирувчи фермалар ташкил этилди<sup>8</sup>.

Колхоз, совхоз ва томорқа хўжаликларида тайёрланган деярли ҳар бир маҳсулотнинг давлатга топшириш режаси бўлган. Масалан, 1942 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон колхозчилари давлатга 4 млн. 320 минг дона тухум топшириш-

<sup>5</sup> Советский тыл в Великой Отечественной войне. Кн. 1. Под ред. П.Н. Поспелова. Москва: Мысль, 1974. 90-б.

<sup>6</sup> История советского крестьянства. Т. 3. Крестьянство накануне и в годы Великой Отечественной войны. 1938–1945. Москва: Наука, 1987. 329-б.

<sup>7</sup> ЎзР МДА, Р-839-фонд. 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 210-варақ.

<sup>8</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-рўйхат, 3270 йиғмажилд, 237-варақ.

ри керак эди. Ўзбекистон колхозчилари топширган тухумнинг асосий қисми Москва ва Ленинград шаҳарлари таъминотига мўлжалланган эди<sup>9</sup>.

Томорқа хўжаликлари бириктирилган корхоналар бу хўжаликларга техника ва йиғим-терим даврида ишчи кучи билан ёрдам берарди. Маълум маънода корхоналар ҳам томорқа хўжалиklarини ташкил қилишдан манфаатдор эди. Томорқа хўжаликларига етиштирилган гўшт, балиқ, галланинг ярим миқдори ҳамда картошка, сут, тухумнинг барчасидан корхона ишчиларининг карточка нормаларидан ташқари озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун фойдаланилди.

Уруш йилларида томорқа хўжаликлари ташкил этишнинг барча ижобий томонларини инобатга олган ҳолда, томорқа хўжаликлари ҳар доим ҳам тўғри ташкил этилмай, иқтисодий фойдасидан кўра зарари кўп бўлганини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон Текстиль ХК корхоналари қошидаги томорқа хўжаликлари норентабл фаолияти туфайли 26 млн. рубль зарар кўрилди<sup>10</sup>.

Бу каби салбий ҳолат корхоналар қошида ташкил этилган чорвачилик фермалари фаолияти ҳам кузатилди. Қорамолларни семиртириш вазифаси бу соҳага умуман ихтисослашмаган ташкилотларга юкланди. Масалан, 1941 йил 18 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 829-сонли қарори асосида чорва моллари шартнома асосида боқиш ва семиртириш учун ташкилотларга берилди<sup>11</sup>. Жумладан, қорамол бириктирилган ташкилотлар рўйхатида Қувасой цемент заводи, олтингугурт кони кабилар бор эди<sup>12</sup>.

Уруш йилларида аҳоли таъминотидаги энг тақчил маҳсулотлардан бири гўшт ва гўшт маҳсулотлари эди. Гўшт ва уни қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотларнинг аксарият қисми фронтга юбориларди. Шунинг учун бу маҳсулотларнинг жуда оз қисми аҳоли истеъмоли учун ажратиларди. Чакана савдода гўшт маҳсулотларига белгиланган нархлар шунчалик юқори эдики, кўпчиликни уларни сотиб олишга қурби етмасди. Давлат гўштга юқори оборот солиғи белгилаб, сунъий равишда тақчил маҳсулот истеъмолини чеклади.

1942 йил 4 июлдаги СССР Молия ХКнинг 405-сонли вақтинчалик кўрсатмасига кўра сояли колбасага 50%, оқсилли котлетларга 67% чакана савдо оборот солиғи белгиланди<sup>13</sup>. 1942 йил 20 июндаги СССР Молия ХК 375-сонли ва СССР Сут ва Гўшт саноати ХКнинг 405-сонли буйруқлари асосида мол гўштига чакана савдо оборот солиғи ставкаси 70%, қўй ва чўчқа гўштига 67%, от ва туя гўштига 10% этиб белгиланди. Куён ва қоракўл кўзилари гўшти учун чакана савдо оборот солиғи жорий этилмади<sup>14</sup>.

Йилнинг йиғим-терим бўлмаган даврларида республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи бирмунча оғирлашарди. Айниқса, йилнинг

<sup>9</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йиғмажилд, 296-варақ.

<sup>10</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йиғмажилд, 33-варақ.

<sup>11</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2578 йиғмажилд, 85-варақ.

<sup>12</sup> ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2578 йиғмажилд, 98-варақ.

<sup>13</sup> ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-рўйхат, 658 йиғмажилд, 208-варақ.

<sup>14</sup> ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-рўйхат, 658 йиғмажилд, 83-варақ.

апрелдан июнгача бўлган даври энг мураккаб давр ҳисобланарди. Шу даврда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга республика барча имкониятлари сафарбар этилиб, турли ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилди. 1943 йил март, апрель, май ойларида маҳаллий аҳоли учун ноанъанавий бўлган 600 тонна қорақўл кўзилари гўшти ва 250 тонна тошбақа гўшти истеъмол учун тайёрланди<sup>15</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, гўшт ва сут маҳсулотларига чекловлар уруш олиб бораётган деярли барча мамлакатларда мавжуд эди. Кўп ҳолларда чекловлар нормаси ҳар бир давлатдаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳарбий ҳаражатлар миқдори ва ҳоказоларга боғлиқ эди. Бундай харид миқдори чекловлари ҳатто АҚШда ҳам мавжуд эди. Лекин бу харид нормалари жуда юқори эди. Масалан, гўшт нормалари жон бошига ҳафтасига деярли 1 кг этиб белгиланди<sup>16</sup>. Бундай нормалардаги тақсимот муаммолари деярли оддий америкаликлар ҳаётига таъсир этмади.

1943–1944 йилларда республика аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яшиланди. Марказий тақсимот ва жамоат овқатланиш тизими янги маҳсулотлар билан бойиди ҳамда жамоат овқатланиш тизими сифат ва сон нуқтаи назаридан бойиди. Масалан, умумий овқатланиш шаҳобчаларидан ташқари йирик шаҳарларда пархез ошхоналари ҳам ташкил этилди. 1943 йилда Тошкент шаҳрининг ўзида 600 киши пархез ошхоналарига бириктирилган эди<sup>17</sup>.

1944 йилда СССР ХКСнинг 1571-сонли қарори асосида аёллар ва болаларнинг таъминот даражаси бирмунча яшиланди. Ушбу қарор асосида СССР Савдо ХКнинг 566-сонли буйруғида болалар ва туғруқхонадаги аёллар учун қуйидаги озиқ-овқат нормалари белгиланди (бир ой ҳисобида)<sup>18</sup>:

Маҳсулотлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Болалар уйлари ва суткалик ясли гуруҳлар	Кундузги яслилар	Сут ошхоналари	Болалар озиқ-овқат станциялари	Туғруқхоналар	Болалар боғчаси	
							суткалик	кундузги 10 соатлик
Гўшт-балиқ,	г	1 200	750	—	500	2 500	1 500	1 200
Ёғлар	г	600	500	60	150	1100	500	500
Сут	л	12	10	9	6	15	10	6
Сметана	г	300	150	—	150	300	150	150
Творог	г	600	300	—	300	300	600	300
Пишлоқ	г	150	150	—	—	—	150	150
Тухум	дона	10	8	—	—	30	15	10

<sup>15</sup> ЎзР МДА. Р 837-фонд. 32-рўйхат, 3751 йиғмажилд, 15-варақ.

<sup>16</sup> Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. М.: Государственное издательство политической литературы, 1946. 153-б.

<sup>17</sup> ЎзР МДА. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йиғмажилд, 179-варақ.

<sup>18</sup> ЎзР МДА. Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310 йиғмажилд, 97-варақ.



Буйруқда болалар учун мўлжалланган шакар ва ҳайвон ёғларини бошқа маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмаслиги ва гўшт нормаларининг энг кўпи билан 10%ни тухум порошоги билан алмаштириш мумкинлиги белгиланди<sup>19</sup>. Баъзи маҳсулотларга ойлик нормалар жуда кам белгиланса-да (эътибор берилса, ойлик туз нормаси творог ва сметана нормаларига нисбатан яқин), болаларга берилиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатида сметана, творог, кофе ва пишлоқнинг пайдо бўлишининг ўзи вазиятнинг секин-аста яхшиланиб бораётганлигидан дарак берарди.

Давлат томонидан белгиланган сут-гўшт маҳсулотлари нормалари билан тўлиқ истеъмолчиларни таъминлашда муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур. Чунки шу йилларда республика чорвачилигида юзага келган инқирозли вазият, сут ва гўшт маҳсулотлари нормалари тўлиқ ҳажмда етказиб беришга имкон бермасди. Жумладан, Ўзбекистон пойтахтини сут билан таъминловчи Тошкент вилояти колхозлари сут топшириш режаларини бажара олмасди. 1944 йилдан аҳоли (асосан, болалар ва ҳомиладор аёллар) учун сут маҳсулотлари билан таъминлаш нормалари бирмунча оширилишига қарамай, бу нормаларни таъминлашнинг амалда имконияти ҳар доим ҳам бўлмаган. 1945 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрининг сутга бўлган талаби 1,5 тонна ташкил этган ҳолда, бу талаб 0,5 тоннага қондирилди<sup>20</sup>.

1945 йил июнь ойининг 20 куни ҳолатига кўра, Тошкент вилояти Чинобод сельсовети ҳудудида жойлашган «Пўлат-Қадам» колхозининг ойлик сут топшириш режаси 1851 литр бўлган ҳолда, амалда 45 литр сут топширилди. «Гулистон» колхозининг режаси 1858 литр бўлиб, режа умуман бажарилмаганлиги қайд этилди. Режа бўйича сут топширмаслик ҳолати Тошкент вилоятининг яна бир неча колхоз ва савхозларида аниқланди<sup>21</sup>.

Режалар тўлиқ бажарилмаслигининг яна бир сабаби — колхозлар давлатга мажбурий маҳсулот топширишидан иқтисодий манфаатдор эмасдилар. Чунки колхозлар маҳсулотларига тайёрлов ва давлат (чакана) нархларнинг фарқлари кескин фарқ қиларди. Савдода деярли монопол ҳуқуқга эга бўлган давлат савдоси маҳсулотларни жуда паст нархларда сотиб олар, ҳамда аҳолига жуда қimmat нархларга сотарди. Бу ҳолатни уруш ийлларида собиқ Иттифоқда ўрнатиладиган куйидаги нархлар фарқларида кўриш мумкин<sup>22</sup>:

Нарх	Мол гўшти, кг	Сут, л	Ёғ, кг
Тайёрлов	34 тийин	45 тийин	1,3 руб.
Давлат (чакана)	13,2 руб.	18 руб.	25 руб.

<sup>19</sup> ЎЗР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310 йиғмажилд, 95-варақ.

<sup>20</sup> ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4647 йиғмажилд, 189-варақ.

<sup>21</sup> ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4647 йиғмажилд, 129-варақ.

<sup>22</sup> Гончаров Г. А. и др. Мобилизационная модель развития российского общества в XX веке. Монография. Челябинск : Энциклопедия, 2013. 49-б.

Юқоридаги сабабларга кўра, сут ишлаб чиқариш қисқариб собиқ Иттифоқ бўйича сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 1944 йилда (урушгача бўлган миқдордан) 69,5%ни ташкил этди<sup>23</sup>. Аҳоли рационал assortимент рўйхати қисқариб, инсон организми учун зарур маҳсулотлар миқдори камайди. Уруш йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳам бирмунча пасайди.

Юзага келган мураккаб шароитларга қарамасдан, 1941 йилда Ўзбекистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3% га бажарилди<sup>24</sup>. Шу билан 1941–1943 йилларда республикадан давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун ички имконият ва заҳираларни сарфлаб бўлди. 1944 йилда республика чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатида эди. 1944 йилнинг 1-чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент вилоятида 9,5%, Сурхондарё вилоятида 12,7%, Наманган вилоятида 16,1%, Фарғона вилоятида эса 18,6%га бажарилди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда ҚҚАССРда Қизил Армия фондига гўшт топшириш умуман барбод бўлди<sup>25</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон чорвачилиги жуда мураккаб ҳолатда эди. Ҳашак ва озуқа емларининг етишмаслиги шароитида республикага турли фондлар ва мажбурий топшириш мажбуриятлари юкланди. Ўзбекистон чорвачилиги бу режаларни бажаришда барча имкониятларни, шу жумладан, ёш молларни ҳам сўйиб давлатга топширди. 1943 йил охирида республика чорвачилиги инқирозли ҳолатда эди. Шундай қийин шароитда уруш йиллари мобайнида республика чорвачилиги давлатга 159 минг 300 т гўшт, 22 минг 300 т жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар<sup>26</sup>.

Чорвачиликнинг бундай мураккаб шароитида аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминоти етарли таъминланмади. 1944 йилдан болалар ва оналар учун таъминот нормалари қонунан оширилган бўлса-да, архив ҳужжатларидаги маълумотлар ўрганилиши таъминот нормалари бир текис бажарилмаганлигидан дарак беради.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, айниқса гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда мураккаб ҳолат юзага келди. Республика ҳукуматининг амалга оширган барча тадбирларига қарамасдан, Ўзбекистон аҳолисини тўлиқ нормалар бўйича гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга республика имкониятлари етмади. Бунинг асосий сабаби республика чорвачилиги мавжуд жуда мураккаб вазият эди. Давлат томонидан карточка тизимининг жорий этилиши, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг марказий тақсимоли уруш шароитида мажбурий ва керакли чора-тадбир эди.

<sup>23</sup> Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности. Монография. Под общей редакцией И.В. Караваевой. М.: Институт экономики Российской академии наук, 2015. 272-б.

<sup>24</sup> ЎзР МДА. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3012-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>25</sup> ЎзР МДА. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163 йиғмажилд, 17-варақ.

<sup>26</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. ... 450-б.

Уруш туфайли иқтисодиёт тармоқлари ичида энг кўп вайрон бўлгани қишлоқ хўжалиги бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли миллионлаб унумдор ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик техникаси ва от-уловнинг урушга сафарбар этилиши, чорва молларининг оммавий сўйилиши ва бошқа ҳолатлар қишлоқ хўжалиги ҳолатига ўта салбий таъсир кўрсатди. Урушдан кейин саноат, транспорт ва хўжалик тармоқларини 2–3 йилда тиклаш мумкин. Аммо қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги туфайли, бу соҳа камида 5–6 йил, чорвачилик эса урушга-ча бўлган ҳолатига 8–9 йил ичида тикланган.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳаси фронтни озиқ-овқат ва жун билан таъминлашга мослаштирилди. Уруш йилларида Ўзбекистон чорвачилиги инқирозли вазиятга яқин ҳолатда бўлса-да, ўз имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда фронтни керакли маҳсулотлар билан таъминлашга беқиёс ҳисса қўшди. Шу ўринда ўзининг фидокорона меҳнати билан галабага ҳисса қўшган республикамиз чорвадорларини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Х. БАБАДЖАНОВ**

#### **ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ АҲВОЛИ**

Мақолада мавжуд адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон чорвачилигида инқирозли ҳолати келиб чиқиш сабаблари, давлат гўшт режаларининг бажарилиши ва гўшт савдоси каби масалалар ёритилган. Шунингдек, мақолада аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминот муаммолари таҳлил этилган.

*Калит сўзлар:* Иккинчи жаҳон уруши, чорвачилик, сут маҳсулотлари, гўшт таъминоти, томорқачилик, карточка нормалари, қорақўлчилик, Қизил Армия гўшт фонди, солиқлар, аҳоли моддий аҳволи, нарх.

**Х. БАБАДЖАНОВ**

#### **СОСТОЯНИЕ ЖИВОТНОВОДСТВА УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ**

В статье на основе научной литературы и архивных материалов освещены причины кризисного состояния животноводства в Узбекистане, проанализированы вопросы по выполнению государственных планов, по заготовке и продаже мяса и обеспечению населения мясными и молочными продуктами в годы Второй Мировой войны.

**КН. BABADJANOV**

#### **CATTLE BREEDING OF UZBEKISTAN DURING SECOND WORLD WAR**

On the basis of the available literature and archival documents highlight issues causes a crisis condition of livestock Uzbekistan, implementation of national plans on preparation and sale of meat during the Second World War. Also, the article analyzes the issues of providing the population with meat and dairy products.

## 3. ХАЛИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ ТАРИХИДАН:  
БАРОҚҲОН МАДРАСАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА (1956–1961)

Совет йилларида динга қарши олиб борилган сиёсат эски усулдаги таълим муассасалари фаолиятининг тўхтатилишига, дин вакилларининг қувғин қилинишига олиб келди. Мадраса ва мактаб бинолари омборхона, клуб, муассаса ва турли маъмурий идораларга айлантирилди.

XX асрнинг 40 йилларида эса СССРда юзага келган сиёсий вазият ва жаҳон уруши давридаги динга муносабат бир мунча ўзгарганлиги туфайли Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси — ЎОҚМБ ташкил этилди ва 1945 йил 10 октябрда Халқ комиссарлар советининг №14808-р рақамли буйруғига биноан бошқарма таркибида иккита диний муассаса: Тошкент шаҳридаги Бароқхон мадрасаси<sup>1</sup> ва Бухоро шаҳридаги Мири Араб мадрасаси фаолиятига рухсат берилди. 1949 йил 15 августда СССР Министрлар кенгаши раиси И. Сталиннинг №12800-р рақамли буйруғи билан Бароқхон мадрасасини очиш бекор қилинди<sup>2</sup>. Ушбу ҳолатни тадқиқотчи В.А. Ахмадуллин архив материалларига таянган ҳолда, «талабаларнинг танлов жараёни қаттиққўллик билан олиб борилиши натижасида мадраса кейинги 3 йил давомида белгиланган ўринни тўлдира олмагани натижасида Тошкентда очилиши керак бўлган мадраса бекор қилинди<sup>3</sup>, деб ҳисоблайди. Аслида архив маълумотларида келтирилишича, 1946 йилда Мири Араб мадрасаси фаолияти бошланган бўлса-да, Бароқхон мадрасасининг таъмирлаш ишлари тугалланмаганлиги сабабли унинг фаолияти орқага сурилган.

Аксарият тадқиқотчилар<sup>4</sup> совет давлатининг ислом динига бўлган турли йиллардаги сиёсатини таҳлил қилган ҳолда, 1945–1960 йилларни алоҳида ажрат-

<sup>1</sup> Бароқхон мадрасаси Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида (XVI аср) бунёд этилган бўлиб, мадраса архитектураси VII асрга оид будда ибодатхоналарининг Ўрта Осиё ҳудудида топилган қадимий намуналари асосида яратилганлиги, кириш пештоқли олд томони иккита қишки дархона ва кутубхонани ўз ичига олиб, талабалар учун ҳужралар мавжуд бўлганлиги қайд этилади. XX асрнинг бошида Бароқхон мадрасаси фаолияти расман тўхтатилиб, унинг ҳужраларни кўзи ожизларга турар жой сифатида берилган эди. Бу ҳақда тўлиқроқ: Булатова В.А. Медресе Барак-хана (комплекс Хазрет-имам). Ташкент: Ўзбекистон, 1977. 9-б.; Ртвеладзе Л., Ртвеладзе Э. Мусульманские святыни Узбекистана. Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1996. 90–91-б.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 246-йиғмажилд, 39-варақ.

<sup>3</sup> Ахмадуллин В.А. Типичные ошибки исследователей, изучающих исламское образование в СССР // Пространство и время. Post scriptum: переводы, рецензии, мнения. 3(13) 2013. 235–238-б.

<sup>4</sup> Bennigsen A. Islam in the Soviet Union // Journal of the South Asian and Middle Eastern Studies. Villanova. 1985. Vol. 8. №4. P. 115–133; Мустафаева Н. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний сиёсати // O'zbekiston tarixi, 2005. № 2. 17–23 б.; Королева Л.А., Королев А.А. Ислам в СССР: некоторые аспекты государственно-религиозной политики // Альманах современной науки и образования. 2008. № 6(13). Ч. 1. 110–112-б.

дилар. Бу вақтда давлат ва дин вакиллари ўртасидаги (компромисс) бир-бирига ён босиш муносабатлари ўрнатилганини қайд этадилар. Совет ҳукумати Диний бошқарма ёрдамида дин устидан кучли назоратни амалга оширган. Бошқарма раҳбарлари томонидан кадрлар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида Бароқхон мадрасасининг очилиши учун ҳаракатлар бошланиб, 1955 йил бошида «Хожа Баҳоваддин» (Бухоро), «Шоҳи Зинда» (Самарқанд) ва «Султон бобо» (Қорақалпоғистон) мақбара ва масжидларидан келадиган маблағ ҳисобига Бароқхон мадрасаси қайта таъмирланган. 1956 йил 1 ноябрдан<sup>5</sup> Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармасининг ташаббуси билан Совет иттифоқида иккинчи диний таълим муассасаси — Бароқхон мадрасаси ўз фаолиятини бошлаган. Бу таълим муассасасининг вазифаси ислом динининг асосларини ўқитиш ва дин хизматчиларини тайёрлашдан иборат бўлиб, ўқиш муддати 7 йил (бошлангич — 4 йил ва ўрта таълим — 3 йил) этиб тасдиқланган. Диний бошқарма қошидаги Президиумнинг 1956 йил 22 майдаги қарорига кўра, Бароқхон мадрасасига совет мактабини 10 синфни битирган, армияда хизмат қилган ёки хизматдан озод этилган 20–25 ёшлардаги кишилар ариза, тиббиёт маълумотномаси, иш ёки ўқиш жойидан тавсифнома, республика қозиётликлари<sup>6</sup> тавсиясини тақдим этганлардангина қабул қилинган. Курс охирида белгиланган фанлардан бошқарма раҳбарлари иштирокида имтиҳонлар ташкил этилган. Мадрасани битирганлар ҳудудларга ишлаш учун юборилиши белгиланган. Мадрасанинг дастури Мири Араб мадрасаси дастури асосида тузилиб, бунда эътибор араб ва форс тилини ўқитишга қаратилган. Диний бошқарма мадраса тингловчиларини иссиқ овқат, ётоқхона, мебель, кийим-кечак ва ўқув дарсликлари билан таъминлаган. Маданий ва ижтимоий тадбирлар учун алоҳида жамғарма ташкил этилган. Талаба ва мударрисларни молиявий таъминлаш эса мадраса учун қилинадиган эҳсондан қопланган. Диний билим юрти қошида талабалар учун замонавий ётоқхона, Тиллашайх масжидига тегишли бинода эса дарсхона, масжид яқинида ошхона ташкил қилинган. Ўқув йили биринчи сентябрдан бошланиб, май охирида тугатилган. 1–10 январь кунлари қишки таътил, майнинг иккинчи ўн кунлиги имтиҳонларга тайёргарлик, учинчи беш кунлиги эса имтиҳон кунлари қилиб белгиланган. Биринчи июндан билим юртида ёзги таътил бошланган<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Тадқиқотчи В.А. Ахмадуллин. ГАРФ материаллари асосида Бароқхон мадрасасининг фаолиятини 1957 йил 1 ноябрдан бошланган ва Ўзбекистонлик олимлар бу борада хатога йўл қўймоқдалар деб А. Мўминов мақоласига ургу беради. *Қаранг:* А х м а д у л л и н В.А. Типичные ошибки исследователей, изучающих исламское образование в СССР ... . 235–238-б.; Muminov A., Gafurov U., Shigabiddinov R. Islamic Education in Soviet and post Soviet Uzbekistan // «Islamic Education in the Soviet Union and its Successor States» Edited by Michael Kemper, R. Motika, S. Reichmuth, 2010. P. 223–280;

<sup>6</sup> Қозиётлик — Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармасининг Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларида ташкил этилган бўлимлари.

<sup>7</sup> ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 201-йиғмажилд, 52-варақ.

Бароқхон мадрасасининг диний бошқарма яқинида жойлашганлиги туфайли талабалар унинг фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга эдилар. Бу ўқув фаолиятини сифатини ошириш, талабаларининг диний тайёргарлигини мустақкамлашга ёрдам берган. Шунингдек, Мири Араб ва Бароқхон мадрасаларида талабалар алмашинуви тажрибаси қўлланилган. Жумладан, 1957–1958 ўқув йилида икки мадраса талабаларини алмаштириш амалга оширилиб, Бухородаги Мири Араб мадрасасида таҳсил олаётган юқори курс тингловчилари, хусусан 5-синфдан<sup>8</sup> 10 киши, 7-синфдан 16 киши, 9-синфдан 10 киши Бароқхон мадрасасига, Тошкентдаги 2–3 синфлар тингловчилари эса Бухородаги Мири Араб мадрасасига кўчирилиб, Бухородаги тингловчилар сони 71 тага, Тошкентдагилар эса 36 тага етган<sup>9</sup>. Бу ҳолатни бошқа йиллар билан солиштирадиган бўлсак, 1958–1959 ўқув йилида илк бор Бароқхон мадрасасида 9-синфларнинг битиришиб, Бароқхонда 6-синфда 12 та, 8-синфда 15 та, жами 27 талаба ўқиган<sup>10</sup> бўлса, 1959–1960 ўқув йилида талабаларнинг сони умумий 31 кишини ташкил этган<sup>11</sup>. 1960–1961 ўқув йилида мадрасада фақат 5–6 синфлар мавжуд бўлиб, унда жами 29 та талаба таҳсил олган. Мадраса тингловчиларининг ижтимоий таркиби ўрганилганда, уларнинг орасида турли касб эгалари: алоқачи, бўёқчи, дурадгор, тикувчи, ҳайдовчи, колхозчи, этикдўз, темирчи ва бошқалар бўлганлиги маълум бўлди. 1960–1961 йилларда ҳар икки мадраса талабаларининг миллий таркиби таҳлил қилинганда: ўзбеклар — 21, тожиклар — 5, қozoқлар — 2, татарлар — 1 кишини ташкил этган. Улардан ўрта мактабни битирганлар 13 киши, 7 синф маълумотига эгалари 10 киши, 9 синф маълумоти борлар 4 киши ва 8 синф маълумоти борлар 2 кишини<sup>12</sup> ташкил этган.

Диний бошқарманинг қарорига биноан, 1956 йилда Бароқхон мадрасаси директори лавозимига И.Соттиев, илмий мудир Ш.Шоисломов, кейинчалик С.Зияутдинов илмий мудир этиб тайинланган. Мадрасага мударрисларни қабул қилиш ва ўқув дастурини белгилаш бошқарувчи ташкилотларнинг назорати ва розилиги билан амалга оширилган. 1957–1958 ўқув йилида мадрасада диний фанлар бўйича 4 та мударрис ва умумий фанлар бўйича учта ўқитувчи ишлаган<sup>13</sup>. Мударрис ва ўқитувчилар учун умумий таълим мактаблар қаторида 72 соат ҳисобига 800 сўм ёки соатига 11 сўм, 1957–1958 ўқув йилида соатига 13 сўмдан маош тўланган<sup>14</sup>.

<sup>8</sup> «Синф» термини мадраса фаолиятига доир барча архив ҳужжатларида учрайди. Шунингдек, мадраса талабалари ҳам баъзи ўринларда тингловчи, ўқувчи ёки талаба деб келтирилган. Бу ҳолат мадраса ва унинг тингловчиларига нисбатан ўрта мактаб тизими сифатида қаралган деб баҳолаш мумкин.

<sup>9</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 500-йиғмажилд, 50-варақ.

<sup>10</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 231-йиғмажилд, 5-варақ.

<sup>11</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 268-йиғмажилд, 106-варақ.

<sup>12</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 275-йиғмажилд, 2–3-варақлар.

<sup>13</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 232-йиғмажилд, 20-варақ.

<sup>14</sup> ЎЗР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 231-йиғмажилд, 102-варақ.

Мадраса ўқув дастури диний бошқарма томонидан тасдиқланган. Хусусан, 1956–1957 ўқув йили дастурида Куръон ўқиш, араб тили морфологияси, араб тили синтаксиси, тажвид, ислом таълимоти, ислом тарихи, ҳуснихат, форс тили, рус тили, имло, арифметика, СССР конституцияси ва география дарслари киритилган<sup>15</sup>. 1957–1958 йили ўқув режасига кўра 5,7 ва 9 — синфларда Куръонни тўғри ўқиш, тафсир (Куръонга шарҳлар), ҳадис, диний эътиқод асослари ва шариат қонунлари, ақоид, араб морфологияси, араб тили синтаксиси, араб тили сўзлашув нутқи ва адабиёти, форс тили ва адабиёти, рус тили, тўғри ёзиш ва иншо, ислом тарихи, араб тили нотиклиги, араб тили, мантиқ фани, мусталахат ал-ҳадис (ҳадис маънолари ва уларни тартиблаш), шариат қонуншунослиги фанларидан сабоқ олиши лозим бўлган<sup>16</sup>. Олдинги йилларда ўқитилган Куръон ўқиш, араб алифбоси ва ёзуви, ўзбек тили ва география фанлари дарс жадвалидан олиб ташланган. Ҳар бир синфда дарслар ҳафтасига 36 соатни ташкил этган. Кейинги йилларда мадрасада СССР конституцияси билан бир қаторда СССР тарихи, иқтисодий география ва рус тили фанларини ўқитишга жиддий эътибор берилган.

Архив ҳужжатларининг тасдиқлашича, 1957 йил 19 декабрда СССР Дин ишлари кенгашининг Ўзбекистондаги вакилликка жўнатилган хатида Бароқхон мадрасаси дарс жадвалига ўзгаришлар киритилгани, 5,7 ва 9 — синфларда «Иншо» дарслари ҳисобига ҳафтасига 2 соатдан СССР тарихи фани, 9 синфларда араб сарфи (морфология) дарси ўрнига, ҳафтасига 2 соат конституция дарси, арифметика учун бўш соатлар етмаганлиги сабабли география дарс жадвалидан ташқари, ҳафтасига ҳар қайси синфда 2 соатдан ўқитиш маъқул кўрилганлиги қайд этилади<sup>17</sup>. 1960–1961 ўқув йилидан бошлаб араб, рус ва форс тили фанларига кўп соатлар ажратилган. Мадрасада ҳар ҳафтада халқаро аҳвол бўйича маърузалар ташкил этилган<sup>18</sup>. Албатта, совет давлатининг мақсади мадрасада араб тили, рус тилини яхши биладиган диндорларни тарбиялаш бўлган. Зеро, мадраса талабаларидан нафақат диний маънавий ҳаёт балки, ташқи сиёсатни юрита оладиган кадрлар тайёрлаш керак эди. Мадраса диний мутахассислар тайёрловчи муассаса ҳисобланса-да, совет давлатининг турли йиллардаги олиб борган сиёсати туфайли аста-секинлик билан диний фанлар ўқитиш камайтирилиб борилди ва уларни юзаки ўрганилишига олиб келди.

Архив материаллари асосида мадраса дарсликларини таҳлил қиладиган бўлсак, китобларнинг аксарияти октябрь инқилобидан олдин нашр қилинган ва мадраса ҳисоботларида унинг замонавий ўқитиш талабларига жавоб бермаслиги таъкидланган. Жумладан, 1959–1960 йилларда ўқитиш учун: «Ад-дур ал- баҳия»

<sup>15</sup> E ren Tasa r. The Official Madrasas of Soviet Uzbekistan // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 2016. Vol. 59. P. 275–276; ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 201-йиғмажилд, 61-варақ.

<sup>16</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 221-йиғмажилд, 114–115-варақлар.

<sup>17</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 221-йиғмажилд, 130-варақ.

<sup>18</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 310-йиғмажилд, 73-варақ.

(Ёрқин маржонлар), «Ар-равзат ан-надия шарҳи ал-дур ал-бахия» (Аддуrol Бахия шарҳларининг шинам боғи), «Усур тарихи ислом» (Ислом тарихида асрлар), «Булуғ ал-маром мин аҳадис ал- аҳком» (Пайгамбар ҳикматлари маъносида мақсадга эришиш), «Мишкат ал-масобих» (Машғалалар токчаси), «Мусталаҳоти ал-ҳадис» (Ҳадисларни текшириш қонунлари), «Усул ал-ҳадис» (Ҳадис усули), «Ал-жавҳар ал-Макнун» (Яширинган маржонлар) дарсликларидан<sup>19</sup> фойдаланиш белгиланган.

Юқорида келтирилганидек, дарсликларнинг замон талабларига жавоб бермаслиги тўғрисида мадраса ва Диний бошқарма йиғилишларида қайта-қайта такрорланган. Хусусан, Диний бошқарма аъзоси С. Филмонов диний билим юртининг таълим-тарбия фаолиятини яхшилаш, дарслар китобдаги матнлар бўйича эмас, қатъий талаблар асосида махсус мавзулар билан олиб борилиши, фақат бир дарслик билан чегараланмай, барча дарсликлардан керакли мавзуларни танлаб ўқитиш, «Шофия» (араб тили морфологияси) ва «Кофия» (араб тили синтаксиси) китоблари замонавий ўқитиш методикасига жавоб бермаслиги, мавзулар аниқ ишлаб чиқилмагани, маълум вақт давомида ўзлаштириш белгиланмаганлигини<sup>20</sup> айтиб ўтган. Албатта, дарсликлар ва уларни кўпайтириш, замонавий дарсликларни ёзиш учун етарли педагогик таркиб ва илмий муҳит мавжуд бўлмаган. Бошқа томондан, замонавий талабларга жавоб берадиган дарсликлар яратиш ва нашр этиш имконияти чекланган эди.

Шундай бўлса-да, Диний бошқарма томонидан ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш мақсадида баъзи ишлар амалга оширилган. Жумладан, 1960 йилда «Ислом тарихи», «Дин ақидалари», «Араб тилида ўқиш», «Морфология ва синтаксис», «Форс тили» бўйича махсус дарсликлар яратиш мақсад қилиб қўйилган. Шунингдек, Диний бошқарма томонидан юқори синфлар учун замон талабларига жавоб берадиган ва динга оид дарсликлар яратиш ғояси илгари сурилган. Вақтинчалик фойдаланиш мақсадида асосий фанлар, масалан, «Мабда ал-Қироат», «Мабдан наҳвия», «Раҳбари форси» китобларининг танлаб олинган айрим мавзулари қоғозларга кўчирилиб, талабаларга тарқатилган<sup>21</sup>. Бироқ, бу қоғозлар китобнинг ўрнини босмаган.

Ш. Ёвқочев: «бу ўқув муассасаларининг вазифаси билимли диний кадрларни тайёрлаш эмас, балки ўзларига содиқ мутахассисларни етиштириш бўлган»-лигини таъкидлайди<sup>22</sup>. Жумладан, 1956 йилда ишлаб чиқилган ички қоидаларга кўра, мадрасада таълим олаётган ҳар бир талаба диний бошқарма томонидан ўрнатилган тартиб қоидага риоя қилиши керак бўлган. Хусусан, дин ва ибодатларни ўрганиш қаторида, совет жамиятининг норматив одоб-ахлоқ қоидалари-

<sup>19</sup> ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 231-йиғмажилд, 69–72-варақлар.

<sup>20</sup> ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 232-йиғмажилд, 25-варақ.

<sup>21</sup> ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 221-йиғмажилд, 54-варақ.

<sup>22</sup> Ёвқочев Ш. Религиозное образование в Узбекистане: до и после независимости // Религия и молодежь в современных мусульманских обществах. Ташкент, 2007. 102-б.



га амал қилиш, ватанпарвар бўлиш, манманлик, фанатизм, сўфизмга берилиб кетмаслик ва бу билан боғлиқ ҳолатлардан холи бўлиш, совет фуқаросининг хулқига эга бўлиш талаб этилган. Тингловчилар сиёсий жараёнлардан хабардор бўлишлари, газета ва журналларни доимий ўқиб боришлари ва бир-бирларига яхши муносабатда бўлишлари тавсия қилинган<sup>23</sup>.

Тингловчилар ўқув йилининг ярми ва якунида диний ва дунёвий фанлардан имтиҳон топширганлар. 1946 йилдан фаолият кўрсата бошлаган Мири Араб мадрасаси талабаларини юқорида келтирилганидек талабаларни алмаштириш натижасида, 1957–1958 йил ўқув йилида Бароқхон мадрасасини 10 та битирувчи тамомлаган. Улардан 4 таси Тожикистондан, биттаси Қозоғистондан, 5 таси Ўзбекистондан бўлган. Битирувчилар гувоҳнома олгач, ишлаш учун масжид, мадрасалар ихтиёрига жўнатилганлар. 1958–1959 ўқув йили якунида эса, ЎОҚМБ буйруғига биноан Бароқхон мадрасасини 8-синф талабалари битирувчи сифатида тамомлаганлар. 14 талабадан: 3 таси Ўзбекистон, биттаси ҚҚАССР, 5 таси Тожикистон, 3 таси Қирғизистон, 2 нафар Туркманистон қозиётликларидан жўнатилган бўлиб, диний бошқарма томонидан иш ўринларига тайинланишган<sup>24</sup>. 1960–1961 ўқув йилида эса, Бароқхон мадрасасини 7 синф тингловчиларидан 13 киши битиришга муваффақ бўлганлар. Талабалар иккитаси Қирғизистондан, биттаси Қозоғистондан, 3 таси Тожикистондан, 7 таси Ўзбекистондан бўлган<sup>25</sup>.

Бароқхон мадрасаси талабалари учун барча шароитлар яратилиб, ётоқхоналар электр ва иссиқлик энергияси, мебель билан таъминланган. Тингловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида кир ювувчи, новвой, сартарош, врач, чойхоначи ажратилган. Бароқхон мадрасаси тингловчилари ўқиш даврида 2 маҳал иссиқ овқат, эрталаб нонушта билан таъминланганлар. Талабалар орасида тарбиявий ишларни олиб бориш учун, тарбиячи ходимлар лавозими ташкил этилиб, улар дарс тайёрлаш, кундалик ахборотлардан хабардор этиш, газета, журнал, радио, телевидение янгиликларини эшитиш, ўзаро муносабат ва тартибга бош бўлганлар<sup>26</sup>.

Талабаларнинг қўшимча харажатларини қоплаш мақсадида ойига 25 рубл миқдорида стипендия берилган ҳамда таътилда уйга бориш-келиш харажатлари тўлаб берилган<sup>27</sup>. Талабаларга Тошкент шароити ва совет маданиятига мувофиқ

<sup>23</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ: ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 201-йиғмажилд, 93-варақ; Х а л и л о в а З.Э. Повседневная жизнь студентов медресе Мири-Араб и Баракхана в Узбекистане (1945–1980 гг.) // «Конструируя «советское»? политическое сознание, повседневные практики, новые идентичности». Материалы международной конференции. С-Пб, 2016. 182–191-б.

<sup>24</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 231-йиғмажилд, 103-варақ; ў ш а ж о й д а. 637-йиғмажилд, 27-варақ.

<sup>25</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 500-йиғмажилд, 55-варақ.

<sup>26</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 221-йиғмажилд, 55–85-варақлар.

<sup>27</sup> Стипендия миқдори доимий ўзгариб турган, жумладан, 1950–1960 йилларда 25, 35, 40 руб. миқдорида, 1980–1990 йиллар қуйи курс талабаларига 40 руб., юқори курс талабаларига 60 руб., ТИИда хорижий талабаларга 150 руб. миқдорида стипендия пули берилган.

кўчаларда юришлари учун бошқарма қарори билан кийим бош учун 900 сўм пул ажратилиб, костюм-шим, туфли, ботинкалар олиб берилган<sup>28</sup>. Талабалар масжидларда ўқиладиган намозларни бошқариб<sup>29</sup>, билимларини амалиётда қўллаганлар.

1950 йил охирларида давлатнинг динга бўлган муносабати ўзгариб, унга нисбатан босимнинг янги босқичи бошланган. Жумладан, 1958 йил охирида кутубхоналарни диний китоблардан оммавий тозалаш ишлари олиб борилиб, совет ҳукумати томонидан «СССРда диний адабиётлар ва дин билан боғлиқ фанларнинг рухсатини тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Муқаддас жойларга» қилинадиган зиёратларни тугатиш тadbирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди<sup>30</sup>. Ушбу қарорлар ижроси диний таълимнинг ташкил этилишига ҳам таъсир кўрсатди. Диний бошқарманинг 1961 йил 19 апрелдаги буйруғига<sup>31</sup> биноан, Бароқхон мадраса ўқитувчиларининг умумий йиғилишида резолюция қабул қилиниб, унинг 20 та талабалари Бухородаги мадрасага кўчирилди. Мири Араб ва Бароқхон мадрасалари талабалари сони бирлаштирилди. Бирлаштирилган мадрасада (Мири Араб ва Бароқхон) 40 та талаба бўлган. Гарчи, диний бошқарманинг ҳужжатларида бу ҳолат мадрасаларни молиявий таъминлашда юзага келган мураккаблик деб баҳоланса-да, аслида давлатнинг динга бўлган муносабати ўзгариши мадраса фаолиятининг тугатилишига, талабалар сонининг қисқаришига олиб келган. Бароқхон мадрасаси илмий мудири Ш. Шоисломовнинг 1960 йил 26 ноябрдаги ҳисоботида ҳам, Бароқхон мадрасаси 5–6 синфларда 30 та талабалар борлиги, жами 17 талаба Мири Араб мадрасасига жўнатилгани, 13 талаба ўқиндан четлаштирилгани қайд этилади<sup>32</sup>. ЎзССР диний ишлар бўйича вакил Ш.Ширинбаевнинг 1962 йил 18 июль ҳисоботида, Тошкент шаҳрида 1961–1962 йилларда атеистик тарғиботни кучайтириш борасида амалга оширилган тadbирлар ҳақида маълумот келтириб, Бароқхон мадрасаси 1956 йилдан 1961 йилгача «қонуний фаолият юритмаганлиги» сабаб сифатида 1962 йилда ёпиб қуйилиб, унинг ҳудуди Октябр тумани маданият бўлими кутубхонаси учун топширилди<sup>33</sup>, деб қайд этилади.

Умуман, совет давлати томонидан мафкуравий ғоялар асосида социалистик, динсиз жамият қуриш мақсади белгиланган бўлса-да, даврнинг кескин мураккабликлари шароитида Бароқхон мадрасаси дин хизматчиларини тайёрлаш вазифасини амалга оширди. 1956–1961 йилларда фаолият кўрсатган мадрасада талабаларнинг эҳтиёжлари учун барча шароитлар яратилган эди, бироқ

<sup>28</sup> ЎзР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 268-йиғмажилд, 112-варақ.

<sup>29</sup> ЎзР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 221-йиғмажилд, 51-варақ.

<sup>30</sup> Королева Л., Королев А. Ислам в СССР: некоторые аспекты государственнo-религиозной политики // Альманах современной науки и образования. Грамота, 2008. № 6(13). Ч. I. 110–112-б.

<sup>31</sup> ЎзР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 500-йиғмажилд, 55-варақ.

<sup>32</sup> ЎзР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 310-йиғмажилд, 74-варақ.

<sup>33</sup> ЎзР МДА. Р-2456 жамгарма, 1-рўйхат, 318-йиғмажилд, 7-варақ.

мадрасанинг таълим тизими доимий совет ташкилотларининг назорати остида бўлиб, қайси фаннинг ўқитилиши, мударрисларнинг танлаб олиниши, уларнинг совет давлати талабларига мос шахс сифатида тарбияланишига алоҳида эътибор берилди. Мадраса ҳамда диний бошқарма раҳбарияти давлат билан бирига ён босиш сиёсатига киришган бўлса-да, маълум маънода совет мусулмонлари учун хизмат қиладиган кадрларни етказиб берди.

### 3. ХАЛИЛОВА

#### ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ ТАРИХИДАН: БАРОҚҲОН МАДРАСАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА (1956–1961)

Ушбу мақолада Бароқхон мадрасасининг 1956–1961 йиллардаги фаолияти, жумладан, мадрасанинг қайта ташкил этилиши, ўқув дастури, дарсликлар, мударрислар, талабаларнинг ижтимоий аҳволи ва кундалик ҳаёти архив маълумотлари асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, мадрасанинг тарихи мисолида давлатнинг диний таълим соҳасида олиб борган ислохотлари ёритиб берилади.

*Калит сўзлар:* Бароқхон, мадраса, совет ҳукумати, Диний бошқарма, талаба, диний таълим, араб тили, ислом, дарслик.

### 3. ХАЛИЛОВА

#### ИЗ ИСТОРИИ РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕДРЕСЕ БАРАКХАН (1956–1961)

В статье на основе архивных документов проанализирована деятельность медресе «Баракхан» в 1956–1961 гг.: его реорганизация, учебные программы и пособия, социальный состав мударрисов и повседневная жизнь студентов. На примере истории этого медресе освещается государственная политика в отношении исламского образования.

### Z. KHALILOVA

#### THE HISTORY OF RELIGIOUS EDUCATION IN UZBEKISTAN: ON THE ACTIVITY OF BARAKHAN MADRASAH (1956–1961)

In this paper, basing on archival documents is analyzed activity of madrasah Barakhan in 1956–1961: its reorganization, curricula, and textbooks, social status of mudarris and daily life of students. Taking into account the history of this madrasah, the article sheds the light on soviet religious policy on Islamic Education.

## ТАРИХИЙ БИОГРАФИЯ

С. МАДЬЯРОВА

ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРИ  
НЎШИРАВОН ЁВУШЕВ ТАЛҚИНИДА

Туркистондаги жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ масалалар тарихчилар учун бугунги кунда янгилик бўлмаса-да, мазкур муаммо доирасида яна ўрганилиши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам йўқ эмас. Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг ҳаёти ва ижодини чуқур ва аторофлича тадқиқ қилиш ана шундай муаммолардан бири ҳисобланади. Шу ўринда республикамизнинг кўзга кўринган тарихчи олимлари ва тадқиқотчиларининг изланишлари натижаси ўлароқ Туркистон жадидчилигининг бир қанча етук вакиллари номи тарих саҳифаларидан жой олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Аммо масала тарихшунослигида ҳали ўзига эътибор тортадиган шахслар номи ҳам кам эмас.

XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган, бироқ, ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси тўлалигича ўрганилмаган тараққийпарвар, тарихчи-ўлкашунос Нўширавон Ёвушевнинг ҳаёти ва ижоди шулар жумласидандир. Адабиётшунос олим Ш. Турдиевнинг Н. Ёвушев таваллудининг 120 йиллиги олдидан нашр этилган мақоласини<sup>1</sup> ҳисобга олмаганда республикамизда мазкур тараққийпарварга бағишланган алоҳида тадқиқот мавжуд эмас. Унинг ҳаёт йўли, илмий мероси, қарашлари шубҳасиз, Туркистоннинг XX аср бошидаги тарихи, шу жумладан, жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ баъзи масалаларга ойдинлик киритади.

Маълум бўлишича, Н. Ёвушев ҳозирги Бошқирдистоннинг собиқ Уфа губернияси, Болобой уезди, Богдой волостидаги Монал номи қишлоқда таваллуд топган. Мактаб ёшига етгач, қишлоқдан 3–4 чақирим узоқликдаги Уразайбоши қишлоғидаги мактабга қатнаган. Бу ерда 1906 йилгача таҳсил олиб, 1907 йилдан Уфадаги Мадрасаи Олияда ўқиган. Мазкур ўқишни битиргач, Қозоғистондаги қозоқ болаларига таълим берган. Сўнг Туркистонга келиб, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Шарқий Туркистон ерларига саёҳат қилган<sup>2</sup>. Мазкур саёҳатлари давомида Туркистоннинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларининг географияси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид кўплаб маълумотларни жамлаган. Шу билан бирга, 1917 йилнинг феврал инқилобидан сўнг Н. Ёвушев ўлкада олиб борилган маърифий-ташкилий ишларда ҳам қатнашган. Жумладан, 1917 йилнинг ноябрь ойи бошларида Тошкент шаҳрида «Иттифоқ», «Нашри маориф», «Ёқитувчилар тўғараги» уюшмаларининг ташаббуси билан Халил Ширинский раислигида китобхона ва қироатхона очилган ва Н. Ёвушев унга котиб этиб тайинланган. Мазкур муассаса фаолияти асосига оқартув, кутубхона ва қиро-

<sup>1</sup> Турдиев Ш. Туркистонга бахшида умр // Марказий Осиё. 2004, 10 июнь.

<sup>2</sup> Уша жойда.

атхона ишларини бир тартибга солиш каби вазифалар қўйилган. Бунинг учун ўн беш кишидан иборат алоҳида бир ҳайъат тузилган бўлиб, мазкур ҳайъат аъзолари томонидан туркча-татарча ва бошқа тиллардаги газета, журнал ва қимматли қўлёзма асарларни йиғиш, Туркистондаги ўлкадаги осори-атиқаларни сақлаш ҳамда мазкур китобхона ёнида миллий музей очилиши кўзда тутилган<sup>3</sup>.

Н. Ёвушевнинг замондоши этнограф Абубакир Диваевнинг қўйидаги сўзларидан у ҳақда бир мунча тасаввур ҳосил қилиш мумкин: «... Нўширавон афандини нечундир улугсимоқ *қорт*<sup>4</sup> кишидур деб ўйлар эдим. Ушбу йил май ойи кунларининг бирида уйда ўтирган чоғимда эшикда биров звонок шодуратди. Қаршига чиқдим. Устина жойки пиджак тройкаси, бошина соломдан понама шляпаси кийган, юзи қуёшда пишган, лекин кўринишидан мулойим қиёфатли бир ёш йигит кўрдим. Бу киши мен кўпдан бери кўрарга тилаган Нўширавон афанди бўлиб чиқди. Аввал бошда у менда фавқулодда уятчан ҳам юввош табиатли киши таасуротин қолдирди. Онинг киши билан муомаласи ишонмаслиқ даражада юмшоқ, ҳам яхши эди ...»<sup>5</sup>.

Оилавий ҳаёти ҳақида бизга маълум бўлган маълумотга кўра Н. Ёвушевнинг Шарқий Туркистоннинг Кучор ва Хўтан шаҳарларида яшаган кезларида икки марта уйлангани ва у ерда бир ёки икки боласи бўлган<sup>6</sup>.

Маълум бўлишича, Россияда давлат бошқаруви совет ҳокимияти қўлига ўтган дастлабки вақтларда Н. Ёвушев Шарқий Туркистонда бўлган. Шарқий Туркистондан сўнг Ҳиндистонга боришни режалаштирган Н. Ёвушев мазкур сафари олдидан Тошкентга келган ва шу ерда аскарлик хизматига олинган. Бир неча ой хизматда бўлиб, Тошкентда ўттиз икки ёшида вафот этган<sup>7</sup>. Афсуски, ҳозирча унинг ўлими сабаблари ҳақидаги маълумотни ҳам учратмадик.

Н. Ёвушев билан боғлиқ материаллар йиғиндиси эса унинг бир неча адабий, тарихий асарлар ҳамда бир қанча мақолалар муаллифи эканлигини кўрсатди.

Жумладан, Н. Ёвушевнинг замондошларидан бири унинг саёҳатга кетганда йўлдан «Садои Туркистон»га иккита китоб юборгани ҳақида ёзади. Биринчиси, асл нусхасидан кўчириб олган Алишер Навоийнинг «Вақфнома»си, иккинчиси «ўз қўли билан ёзилган яхшигина бир адабий асар»и<sup>8</sup> бўлган.

Матбуот саҳифаларидаги маълумотга кўра, 1917 йилнинг кузида ҳарбий хизматда бўлган Н. Ёвушев вафот этгач, Туркистон 1-қоровул батальонидаги аскарларнинг умумий йиғилиши ҳарбий казармада қолган марҳумнинг нарсаларини сотиш масаласида қарор чиқарган<sup>9</sup>. Улар орасида Н. Ёвушевнинг 2–3 қадок

<sup>3</sup> Эл оғалари эътиборина // Улуғ Туркистон. 1917, 4 ноябрь.

<sup>4</sup> Қорт — кекса.

<sup>5</sup> Улуғ Туркистон. 1917, 13 декабрь.

<sup>6</sup> Марҳум Нўширавон афанди // Улуғ Туркистон. 1918, 11 апрель.

<sup>7</sup> Улуғ Туркистон 1917, 13 декабрь

<sup>8</sup> Идорага мактуб. Нўширвон Явушев ҳақинда // Меҳнаткашлар товуши. 1918, 11 июнь.

<sup>9</sup> Сотувдан тушган 113 сўм 40 тийин Уфа губернияси, Буздак овулига — унинг отасига юборилган.

оғирлигидаги дафтар ва ёзувлари бўлиб, улар Туркистондаги татарларнинг марказий бюроси идорасига топширилган<sup>10</sup>. Бирок, унинг бу қўл ёзмалари тақдири ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Н. Ёвушев тахминан олти йилча умрини Шарқий Туркистонда ўтказиб, Хўтан, Фулжа, Қашқар ва бошқа ерларни ўрганиши билан ҳам шуғулланган. Маълумотларига кўра, Н. Ёвушев ўз саёҳатлари давомида баъзи тарихий асар ва манбаларни ҳам жамлаб юрган. Жумладан, юқорида неча олинган Н. Сайфулмулкнинг ёзишича, унинг «Олти шаҳар тарафидан олиб қайтган ва хитойчадан таржима қилдириб олган бир «Тарихи» бўлган. У ўзбек тилида ёзилган қалинроқ асар бўлган<sup>11</sup>.

Н. Ёвушевни яқиндан билган кишилардан яна бири — гулжалик Тошмуҳаммад Инъомбоев ҳам уни «Олти шаҳар саёҳатига кетгичдан аввал Фулжада бир неча кунга қолиб, тарихий нарсалар излагани, Фулжадан 50 чақирим ерда эски ёзма тарихлар борлигини эшитгач, бир киши билан у ерга бориб, бир неча кунлардан сўнг манжу<sup>12</sup> тилида ёзилган эски ёзма тарих топиб келганлигини, бу ёзма тарих ўз қўлида сақланаётганлигини»<sup>13</sup> маълум қилган.

«Улуғ Туркистон» газетаси эса, 1917 йилнинг ноябрь ойи бошида Н. Ёвушев томонидан теран миллий ҳиссиёт билан ёзилган «Чингизхон» номли тўрт пардалик тарихий пьесасини рисола кўринишида чоп этилгани ҳақида хабар берган<sup>14</sup>.

Шу ўринда Н. Ёвушевнинг тарих ҳақида билдирган фикрларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Маълумки, XX аср бошларида яшаган Туркистон тараққийпарварининг илғор вакиллари халқ маънавиятини юксалтиришда аждодлар мероси, тарихий хотира муҳим аҳамият касб этишини ўзларининг асар ва мақолаларида кўп бор тилга олганлар. Н. Ёвушев ҳам миллий қадриятни ўз мамлакатини тарихини ўрганишдан бошланишини чуқур англаб, миллий тарихни яратиш долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлайди. «Миллатнинг бутун аҳволи руҳияси, жамияти башария ва ҳаёти-ижтимоияда ўйнаган роли тарих воситаси билан билинади<sup>15</sup>, — деб ёзди у. Тарихни билмасликнинг зарарини қўйидаги мисол билан тушунтиради: «Тарихини билмаган миллат отасини танимаган, ахлоқсиз аёлдан туғилган фарзандга ўхшайди: уни одамлар истаган қадар таҳқир қилади, бу бола келажакда, ота-боболарини билмагани учун одамлар томонидан қилинган ҳақоратлардан ва унга отилган ёмон сўзлар-

<sup>10</sup> Улуғ Туркистон. 1918. 2 апрель.

<sup>11</sup> Сайфулмулк. Н. Нўширавон Ёвушевнинг матрукаси // Улуғ Туркистон. 1918, 9 март.

<sup>12</sup> Манжу тили — Хитойда ҳукмронлик қилган манжулар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ эски ёзув турларидан бири. Қаранг: Суник О.П. Маньчжурский язык // Языки мира: Тунгусо-маньчжурские языки. Москва, 1997.

<sup>13</sup> Марҳум Нўширавон ҳақида // Улуғ Туркистон. 1918, 11 апрель. № 81.

<sup>14</sup> Сайфулмулк. Н. Нўширавон Ёвушевнинг матрукаси // Улуғ Туркистон. 1918, 9 март.; Улуғ Туркистон. 1917. № 40.

<sup>15</sup> Ёвушев Н. Туркистон тарихи // Садои Туркистон. 1914, 10 июнь.

дан ўзини оқлашга ожиз қолади, турли ҳақорат ва таҳқирларни бўйнига олмаққа мажбур бўлади»<sup>16</sup>. Унинг Туркистоннинг бой ва қадимий тарихий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш билан боғлиқ мулоҳазаларини кўплаб учратиш мумкин.

Н. Ёвушевнинг нашрлари орасида хилма-хил мавзудаги мақолалар салмоқли ўрин тутди. 1915–1917 йиллар давомида фаолият олиб борган турли матбуот саҳифаларида унинг «Нўширавон Ёвушев», «Нўши», «Н. Ё», «Мусофир Н.Ё» исм, шариф ҳамда тахаллусларда берилган юздан ортиқ мақолалари мавжудлиги аниқланди. Ёттиз икки ёшли тараққийпарварнинг бу қадар кўп нашрлар муаллифи экани таҳсинга сазовор. Ўз даврида А. Диваев ҳам унинг вафотидан сўнг, унинг мақолаларинининг равон ва содда тилда ёзилганлиги ҳамда кўплигидан ҳайратланиб ёзган эди<sup>17</sup>.

Муаллифнинг Туркистоннинг бир қанча шаҳар ва қишлоқлари тарихи, географияси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган маълумотларини ўз саҳифаларида бериб борган миллий нашрлардан бири «Садои Туркистон» газетасидир. Газета саҳифаларида 1914–1915 йиллар мобайнида унинг Фарғона, Андижон, Тошкент, Чимкент, Авлиёота, Пишпек, Марки, Ёркент ва Турфонга қилган саёҳатлари баёни — ўн беш қисмдан иборат «Саёҳат парчалари» чоп этилган<sup>18</sup>.

У турли мавзулардаги мақола ва саёҳатлари таассуротларини Россия империясининг туркий халқлари орасида машҳур бўлган «Шўро» журнали ҳамда «Вақт» газетасида ҳам нашр эттирган. Жумладан, «Шўро» журналининг ўзида 1915 йил сонларида ўн тўртта, «Вақт» газетанинг 1916–1917 йиллардаги сонларида унинг йигирмага яқин мақоласи ўрин олган<sup>19</sup>. Тараққийпарварнинг мазкур мақолалари ва саёҳат хотираларини таҳлил қилар эканмиз, уларда миллат равнақи, халқ фаровонлиги ва мамлакат ривожини билан боғлиқ кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини кўрамиз. Жумладан, муаллифнинг маориф масалаларига оид мақолаларида эски таълим тизимидан воз кечиш ва янги замонавий таълим усулини ҳаётга тадбиқ этиш йўлидаги ютуқ ва камчиликлар, маориф тизимининг моддий ва маънавий жиҳатлари хусусида сўз юритилган<sup>20</sup>.

<sup>16</sup> Ёвушев Н. Туркистон тарихи // Садои Туркистон. 1914, 10 июнь.

<sup>17</sup> Улуғ Туркистон 1917, декабрь. № 40.

<sup>18</sup> «Саёҳат парчалари» ҳақида келгуси тадқиқотимизда батафсил сўз юритишни лозим топдик.

<sup>19</sup> Вақт. 1917, 15 ноябрь.

<sup>20</sup> Ёвушев Н. Мактаб // Ойна. 1914. №11. 258 б.; Эски мусулмон мадрасаларинда нималар ўқилар эди // Ойна. 1914. №15. 256–259-б; Мактаб ва муаллимларимиз // Садои Туркистон. 1914, 4 апрель. №18; Усули жадида мадрасаси // Садои Туркистон. 1914, 4 апрель; Туркистон мактаб мадрасаларинда дарс програми // Шарқ. 1914. № 4. 117–118-б.; Ҳозирги мадрасаларимизда ўқув // Садои Туркистон. 1914, 24 июль; Туркистон мудариис ва муаллимларининг съезди ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май; Ўқув ва ўқитув етиб кела // Улуғ Туркистон. 1917, 4 август; Ўқув ва ўқитув муносабати ила // Улуғ Туркистон. 1917, 4 октябрь.

Унинг XX аср бошларида Шарқий Туркистонда яшовчи хотин-қизлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнига бағишланган мақоласи орқали «Идда<sup>21</sup> сақлаш» одати мисолида турмушидан ажраган аёлларнинг мураккаб турмуш тарзини очиб беришга уринилган бўлса<sup>22</sup>, «Саёҳат парчаларида» кўп маротаба муаллиф томонидан дин пешволарининг ва аҳолининг мазорлар ва зиёратлардаги бидъатлар билан боғлиқ ҳаракатлари қораланади<sup>23</sup>.

Н. Ёвушевнинг иқтисодий масалаларга оид қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Уларда иқтисодиётни кемирувчи иллатлар, савдо тижорат ишидаги муаммолар ҳамда келгусидаги истиқболли режалар ҳақида қизгин фикрлар баён қилинади<sup>24</sup>. Масалан, «Туркистонда тижорат ва зироат» номли мақоласида сўнгги йилларда Туркистонда савдо ва тижорат ишларининг ҳолатини таҳлил қилади. Муаллифнинг фикрича, савдо ва тижоратдаги муаммоларнинг бир неча сабаби мавжуд бўлиб, улар орасида энг муҳимлари бири — насиядир. У савдогарларни бир дарахтга, насияни эса бу дарахтни қуритувчи касалликка ўхшатади<sup>25</sup>. «Кичик савдогарлардан бошлаб Москва, Варшава фирмаларига қадар шу мудҳиш балога мубтало бўлмишлар. Насиянинг унмай қолувининг сабаби — халқнинг фақирлигидан келур. Халқнинг камбағал ва фақир бўлишининг сабаби — зироат ишига аҳамият берилмаслигидур. Аҳолимизнинг кўпроғи ва балки ҳаммаси илмсиз ва ақчасиз кўйларинча савдогар бўлишни хушлайдилар. Шулар сабабдан муваффақиятсиз савдогарлар кўпайиб, деҳқонлар эса озайиб турмакдадилар. Ерларга ариқ қазиб сув чиқариб, эскирган ерларни янги асбоб ва машиналар билан ишланса, тез замонда иқтисодий кучга молик бўлишимиз муқаррар. Чунки насиядан халқ қутулур, топган ақчаларнинг ҳаммаси ўз чўнтақларида қолур. Зироат ишларимиз тараққий қилиб аста-секин қувват олса оҳишта-оҳишта саноат ишларини ҳам ўз қўлимизга олурмиз. Маиший асбоблар учун Московларга бориб юруга эҳтиёжимиз ҳам қолмас. Ул чоғда ажнабий ва европалилар ўзлари Туркистонга келадургон бўладурлар»<sup>26</sup>, — деб ёзади ва зироат ишига алоҳи-

<sup>21</sup> Идда (араб. маълум вақт, аёллар учун белгиланган муҳлат) — Шариат бўйича эри вафот этган ёки эридан ажрашган хотинлар бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муҳлат. Бундай аёлларга иддаси ўтмагунча эрга тегиш таъқиқланган: бева учун идда 4 ой-у 10 кун. ... Муҳлатнинг белгиланиши Қуръонга асосланган ҳолда шариатга киритилган бўлиб, аёлнинг ажрашган эридан хомиласи бор ёки йўқлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган. Эр вафот этмаган бўлса ажрашган аёл ўз иддасини эр уйида ўтказиши ва агар ҳомиладор ҳолда эрдан ажраса бу аёлнинг иддаси фарзандини туққачгина чиқади. *Қаранг* : Ислам. Энциклопедия. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. 104-б.

<sup>22</sup> Ёвушев Н. Хитой Туркистонинда хотин-қиз ҳаёти // Вақт. 1917, 27 январь.

<sup>23</sup> Ёвушев Н. Саёҳат парчалари // Садои Туркистон. 1914, 27, 29 июль.

<sup>24</sup> Ёвушев Н. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914, 13 июнь; Ёвушев Н. Хитой ва Рус туркистонлилари орасидаги муносабат // Вақт. 1917, 8 январь; Ери борнинг эли бой // Шўро. 1915. № 6. 168–169-б.; Туркистон Чинида тижорат // Вақт. 1916, 13 июнь.

<sup>25</sup> Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон, 1914, 13 июнь.

<sup>26</sup> Ёвушев Н. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914, 13 июнь.



да аҳамият қаратиш кераклигини уқтиради. У Туркистон ерларини муҳожир-ерларидан унумли ва самарали фойдаланмасликлари оқибатида келиб чиққан, ўз ерларига эга бўлиш ва ажнабий кишиларга қарам бўлмаслик учун эса энг аввало ерли халқ деҳқончилик, савдо ва тижорат илмини яхшилаб ўзлаштиришлари ва замонга қараб иш кўришлари лозим<sup>27</sup>, деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг «Хитой ва Русия туркистонлилари орасидаги муносабат», «Туркистон Чини ва инқилоб» деб номланган мақолаларида<sup>28</sup> ҳам иқтисодий муаммолар: ҳар икки томон савдогарларининг мол алмашиш муносабатларига бевосита таъсир қилувчи почта-телеграф билан боғлиқ муаммо ҳамда икки томон савдогарлари орасида келишмовчилик ва бунинг сабаблари муҳокама қилинган.

Россияда кечган 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг, ўз маслакдошлари қатори Н. Ёвушевнинг миллий матбуот саҳифаларидаги мақолаларида сиёсий масалалар кўпроқ тилга олинганлигини кўриш мумкин. Ўша даврда жадидчилик ҳаракати намоёндалари билимларни, маданий ютуқларни тез ва кенг тарқалишини таъминлашда матбуотнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Н. Ёвушевнинг матбуотга оид қарашлари ҳам бунга яна бир бор мисол бўла олади. Унинг «Туркистон мусулмонлари ва матбуот», «Мусулмон матбааси», «Матбуот тилин бирлаштирув», «Инқилобдан сўнг матбуотимиз» каби мақолаларида<sup>29</sup> аҳолининг ижтимоий-миллий масалаларга оид маълумотлар билан танишишларида, миллий тил, одат ва адабиётларни қайтадан тиклашда муҳим ўрин тутувчи миллий матбуотга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини<sup>30</sup> алоҳида таъкидлайди.

Маълум бўлишича, Н. Ёвушев Россияда Февраль инқилоби бўлган пайтда Хитойнинг Қашқар шаҳрида бўлган. У ўзи саёҳат қилган Шарқий Туркистонда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бориб, ўз таассуротларини бир неча мақолалари орқали акс эттирган. Жумладан, «Консулхоналаримиз ҳақинда» номли мақоласида Қашқардаги эски тартибдаги бошқарув тизимини янгилаш талаби билан чиққан бўлса<sup>31</sup>, «Қашқарда ҳаракат» номли мақоласида бу ерда янги бошқарув тизимини ўрнатиш учун ёш тараққийпарварлар томонидан олиб борилган ҳаракат, бу ҳаракатларга «эскилик тарафдорлари»нинг муносабати ҳақида сўз юритилади. Мақолада оқсоқолларининг илғор фикрли ёшларга, умуман мамлакат сиёсий жараёнларига нисбатан ёндошувлари салбий баҳоланади<sup>32</sup>.

<sup>27</sup> Ёвушев Н. Саёҳат парчалари // Садои Туркистон, 1914, 10 июнь.

<sup>28</sup> Ёвушев Н. Хитой ва Рус туркистонлилари орасидаги муносабат // Вақт. 1917, 8 январь; Ёвушев Н. Туркистон Чини ва инқилоб // Улуғ Туркистон. 1917. № 11.

<sup>29</sup> Улуғ Туркистон. 1917, 25 апрель; Матбуот тилин бирлаштирув // Улуғ Туркистон. 1917, № 9; Инқилобдан сўнг матбуотимиз; Туркистон мусулмонлари ва матбуот // Вақт. 1917, 3 январь.

<sup>30</sup> Ёвушев Н. Туркистон мусулмонлари ва матбуот // Вақт. 1917, 3 январь.

<sup>31</sup> Улуғ Туркистон. 1917, 12 июнь.

<sup>32</sup> Ёвушев Н. Қашқарда ҳаракат // Улуғ Туркистон. 1917, 12 июнь.

Н. Ёвушевни Россия Туркистонда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳам бефарқ қолдирмади. Унинг Туркистонда тузилажак миллий демократик давлатни вужудга келтириш билан боғлиқ қарашлари бунга мисол бўла олади.

1917 йил 16 апрелида «Шўрои ислом» ташаббуси билан ўтказилган ўлка мусулмонларининг I қурултойида Россиянинг келажакдаги идора усули муҳокама этилган асосий масалалар қаторидан ўрин олди. Мазкур масала юзасидан Мунаввар Қори, Аҳмад Заки Валидий, М. Беҳбудий, Бекбўлат, Ш. Лапин ва К. Бакирлар сўзга чиқдилар. Улар алоҳида идоралар ва уларнинг тутган йўллари, улардан қайси бири Туркистонга манфаатли эканлигини мажлисдагиларга тушунтирдилар<sup>33</sup>. Аҳмад Заки Валидий, М. Беҳбудий, О. Маҳмудов, М. Танишбоев, В. Чайкинлар федерация ғоясини ёқлашган бўлса, Мунаввар Қори, У. Хўжаевлар дастлаб федерация ғоясига қўшилмаган бўлсаларда, сўнгра улар ўз ғоявий йўналишларини ўзгартириб, федералистлар қаторига ўтишган. С. Мақсудий, К. Бакирлар эса демократик республика тарафдорлари сифатида ўз фикрларини билдирганлар<sup>34</sup>. К. Бакирнинг фикрича, «Туркистонга автономия берилган тақдирда ҳам ўлканинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан идора қила оладиган маҳаллий кадрлар ҳали етишиб чиқмаган ва уларнинг яқин вақт ичида етишиб чиқиши муаммо бўлиб, тажрибасизлик орқасида ҳалокатга учраш мумкин, шунинг учун ҳозирча демократик республика учун ҳаракат қилиш керак»<sup>35</sup> эди. Н. Ёвушев эса, Туркистоннинг мухториятга эришишини ҳозирги ҳолатда мумкин ва фойдали деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, мухториятни вужудга келганидан уни бошқаришда тўсиқ туғдирадиган моддий ва маънавий кучлар, маориф, саноат, қурул ва пул масалаларидаги қийинчиликлар мавжудлигини эътироф этган ҳолда, уларни ўн йилдан ошмаган муддатда бартараф этиш мумкин деб ҳисоблаган. Туркистонга мухторият олиш учун «яроқли кишилар йўқ ва халқни бунга тайёр эмас», деб ҳисобловчиларга Туркистон халқи бир замонлардагидек онгсиз ва маърифатсиз эмаслиги, бундан қирқ йил аввал «Яқуббекдек мадраса кўрмаган бир зотнинг бутун Шарқий Туркистонни ўз идорасига олгани ва бу йўлда эришган муваффақиятлари»ни ибрат қилиб кўрсатади<sup>37</sup>.

1917 йил июнь ойида Тошкентга келган Н. Ёвушев бу ердан олган таассуротини «Вақт» газетасида «Тошкент хотиралари» номли мақоласи орқали баён

<sup>33</sup> Мингноров А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). Тошкент: Маънавият, 2002. 16-б.

<sup>34</sup> Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий давлатчилик қурилиши тажрибаси Тошкент. Маънавият. 2000. 67-б.

<sup>35</sup> Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. Тошкент: Ўқитувчи 2002. 141-б.

<sup>36</sup> Замондашларидан бирининг сўзига қараганда у 1917 йилнинг апрел ойида Тошкентга борган. Қаранг. Тошмуҳаммад Инъомбоев (Фулжа). Марҳум Нўширавон ҳақинда // Улуғ Туркистон. 1918, 11 апрель.

<sup>37</sup> Ёвушев Н. Туркистонга автономия олув ҳақинда // Улуғ Туркистон 1917, 5 май.

қилган. Мақола мазмунидан англанишича, бу ердаги аҳвол уни қониқтирмаган. У Тошкент шаҳар аҳолисининг аввалгидек «жаҳолат ва қоронғулик ичида» эканидан қайғуриб, «Иттифоқ» жамияти ҳамда ёшларнинг миллий вазифаларга етарлича эътибор қаратмаётганликларини танқидий баҳолайди<sup>38</sup>, «Шўрои Исло» ва «Шўрои Уламо» жамиятлари ўртасидаги иттифоқсизликка ўз муносабатини билдиради. Мазкур икки ташкилот ўртасида вужудга келган иттифоқсизликка муносабат «Туркистон аҳволи» номли мақоласидан ҳам ўрин олган. Унда асосий эътибор тараққийпарварларни идора ишларидан четлаштиришга уринаётган уламоларга қаратилиб, «Шўрои Уламо» жамиятнинг бундай ҳаракати салбий баҳоланади. Муаллиф ҳокимиятнинг уламолар қўлига ўтишига қарши чиқади. У ҳокимият улар қўлига ўтгудек бўлса, Туркистон халқи Чор ҳукумати давридан ҳам кўрқинчлироқ ҳолга маҳкум бўлади<sup>39</sup>, — деб ҳисоблайди.

Бир сўз билан айтганда, Н. Ёвушев мақолаларида Туркистоннинг тараққиёти ва порлоқ келажаги билан боғлиқ илғор ғоялар илгари сурилган. Н. Ёвушевнинг юқорида тилга олинган мазмун жиҳатдан бой ва кенг қамровли нашрлари таҳлили совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги бутун Туркистон ҳудудида кечган ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни тассаввур қилиш имконини беради.

